

# ЖАННАТ АҲЛИ

*Тузувчи:*

**Раҳматуллоҳ НУРМАТОВ**



Тошкент – 2015

**УЎК: 297.1**

**КБК: 86.38**

**Ж 26**

*Маълумки, жаннат ва дўзах яратилган. Ҳозир улар мавжуд ва абадийдир, йўқ бўлиб кетмайди. Бунга ҳар бир мўмин-мусулмоннинг имон келтириши фарздир. Банданинг охирги борадиган манзили ё жаннат, ёки дўзах бўлади. Жаннат кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон зоти ҳаёлига келмаган сон-саноксиз неъматлар билан тўладир. Бу гўзал мукофот имон келтириб, эзгу ишлар қилган зотлар учун олдиндан тайёрлаб қўйилган. Албатта, жаннат барча мўминлар кўз тиккан улуғ макондир. Қолаверса, ундаги неъматлар ўз эгасини интизор бўлиб, кутиб туради. Жаннат аҳли жаннатда, дўзах аҳли жаҳаннамда абадий қолади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Фақат дўзахга тушган осий мўмингина гуноҳига яраша жазони олгач, жаннатга киргизилади.*

*Китобда жаннат ва дўзах ҳамда уларнинг сифатлари ҳақида келган ояти карималар, ҳадиси шарифлар атрофлича баён қилинган. Мазкур асарни мутолаа қилган киши беихтиёр димоғида хушбўй ҳидларни, айниқса, жаннат исларини туйса, ажаб эмас.*

Жаннат аҳли / тузувчи: Раҳматуллоҳ Нурматов;  
масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент:  
“Movarounnahr”, 2015. – 132 б.

*Масъул муҳаррир:*  
**Шайх Абдулазиз МАНСУР**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 399-рақамли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-327-4

© Раҳматуллоҳ НУРМАТОВ

© «Movarounnahr», 2015.



## Сўзбоши

Аллоҳга ҳамдлар ва мақтовлар бўлсин. Ундан ёрдам сўраймиз. Нафсларимиз ёмонлиги ва амалларимиз хатоларидан Аллоҳнинг паноҳига ўтамиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, уни ҳеч ким адаштира олмас ва У Зот адаштириб қўйган кишини бирор кимса ҳидоят қилолмас. Ёлғиз Аллоҳдан бошқа ибодатга ҳақли бирор илоҳ йўқлигига гувоҳлик берамиз. Унинг шериги йўқ. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) У Зотнинг қули ва элчиси эканига гувоҳлик берамиз.

Бу дунёга имтиҳон учун яратилган ҳар бир инсон олдида икки йўл бор. Биринчиси ҳидоят бўлиб, у инсонни жаннатга олиб боради. Иккинчиси залолат ҳисобланиб, у соҳибини жаҳаннамга бошлайди. Ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ягона орзуси шуки, ушбу имтиҳон дунёсида муваффақиятли яшаб, қиёматда мўминларга ваъда қилинган жаннатга эришишдир. Агар биз жаннатдаги кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва хаёлимизга келмаган неъматлардан хабардор бўлсак, албатта унга нисбатан муҳаббатимиз ортади. Натижада шу мукофотларга етишиш учун солиҳ амалларда бардавом бўламиз. Ушбу китобда жаннатнинг Қуръон ва ҳадисда баён қилинган сифатлари ва неъматлари ҳақида қисқача тўхталамиз. Зеро, жаннат саломатлик уйи ҳисобланиб, Аллоҳ уни Ўзига итоат қилган мўмин ва мўминаларга тайёрлаб қўйган.

## ЖАННАТ ВА УНИНГ СИФАТЛАРИ

### Жаннатнинг машҳур исмлари

Аслида жаннат битта бўлиб, унинг сифатлари хилма-хилдир. Қуйида жаннатнинг машҳур номлари билан танишамиз.

1. **جَنَّة** – Жаннат (боғ). Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:

وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا  
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ۚ وَذَٰلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٣﴾

“Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоат этса, уни остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга (жаннатга) киритур. (Улар) у ерда абадий (бўлурлар). Бу улкан ютуқдир”<sup>1</sup>.

2. **جَنَّةُ الْفِرْدَوْسِ** – Жаннатул фирдавс (Фирдавс боғи). Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ  
كَانَتْ لَهُمْ جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ نُزُلًا ﴿١٠٧﴾

“Албатта, имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур”<sup>2</sup>.

3. **جَنَّةُ عَدْنٍ** – Жаннату адн (Дарвозалари ланг очик боғ). Аллоҳ азза ва жалла бундай марҳамат қилади:

<sup>1</sup> Нисо сураси, 13-оят.

<sup>2</sup> Каҳф сураси, 107-оят.

هَذَا ذِكْرٌ وَإِنَّ لِلْمُتَّقِينَ لَحُسْنَ مَثَابٍ ﴿٤٩﴾ جَنَّاتٍ عَدْنٍ مَّفْرَحَةٍ  
لَهُمْ فِيهَا الْأَنْبُوبُ ﴿٥٠﴾

“Бу бир эслатмадир. Шубҳасиз, тақводор зотлар учун гўзал оқибат – бу, улар учун барча дарвозалари очиб қўйилган мангу жаннатлардир”<sup>3</sup>.

4. جَنَّةُ الْخُلْدِ – Жаннатул хулд (Мангу жаннат). Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

قُلْ أَذَلِكَ خَيْرٌ أَمْ جَنَّةُ الْخُلْدِ الَّتِي وُعِدَ الْمُتَّقُونَ كَانَتْ  
لَهُمْ جَزَاءً وَمَصِيرًا ﴿١٥﴾

«(Эй Муҳаммад! Уларга) айтинг: “Шу (дўзах) яхшироқми ёки тақводорларга ваъда қилинган мангулик жаннатими?!” Улар учун (бу) мукофот ва натижа бўлур эди»<sup>4</sup>.

5. جَنَّةُ النَّعِيمِ – Жаннатун наъим (Ноз-неъмат боғи). Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَّاتُ النَّعِيمِ ﴿٨﴾

“Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар учун (жаннатда) неъмат боғлари бордир”<sup>5</sup>.

6. جَنَّةُ الْمَأْوَى – Жаннатул маъво (Бошпана боғи). Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

<sup>3</sup> Сод сураси, 49–50-оятлар.

<sup>4</sup> Фурқон сураси, 15-оят.

<sup>5</sup> Луқмон сураси, 8-оят.

أَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ جَنَّاتُ الْمَأْوَىٰ نُزُلًا  
بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾

“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар учун қилган амаллари сабабли жаннат масканлари манзил бўлур”<sup>6</sup>.

7. جَنَّةٌ عَالِيَةٌ – Жаннатун ъолия (Олий боғ). Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:

فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ ﴿٢١﴾ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ﴿٢٢﴾ قُطُوفُهَا دَانِيَةٌ ﴿٢٣﴾

“Бас, у қониқарли маишатда, олий жаннатда, мевалари (узиб олувчига) яқиндир”<sup>7</sup>.

8. دَارُ السَّلَامِ – Дорус салом (Тинчлик диёри). Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

لَهُمْ دَارُ السَّلَامِ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَهُوَ وَلِيُّهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٢٧﴾

“Улар учун Парвардигорлари ҳузурда тинчлик диёри (жаннат) бордир. Қилган (солиҳ) амаллари сабабли, У уларнинг дўстидир”<sup>8</sup>.

9. دَارُ الْآخِرَةِ – Дорул охират (Охират диёри). Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:

تِلْكَ الدَّارُ الْآخِرَةُ نَجْعَلُهَا لِلَّذِينَ لَا يُرِيدُونَ عُلُوًّا فِي الْأَرْضِ وَلَا  
فَسَادًا ۖ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُنْقِذِينَ ﴿٨٢﴾

“Биз ўша (сизларга маълум) охират диёрини ер юзида зулм ва бузғунчилик қилишни

<sup>6</sup> Сажда сураси, 19-оят.

<sup>7</sup> Ҳоққа сураси, 21–23-оятлар.

<sup>8</sup> Анъом сураси, 127-оят.

истамайдиган кишилар учун яратурмиз. Оқибат эса, тақволи кишиларникидир”<sup>9</sup>.

10. دَارُ الْمُتَّقِينَ – Дорул муттақин (Тақводорлар диёри). Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَقِيلَ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا مَاذَا أَنْزَلَ رَبُّكُمْ قَالُوا خَيْرًا لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَلَدَارُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ وَلَنِعْمَ دَارُ الْمُتَّقِينَ ﴿٣٠﴾

“Тақволи бўлган (имон келтирган)ларга: «Раббингиз (Ўз пайғамбарига) нимани нозил қилди?» – дейилганида, улар: «Яхшилиқни», – дерлар. Бу дунёда чиройли иш қилганлар учун чиройли мукофот бўлур. Лекин шубҳа йўқки, охират диёри янада яхшироқдир. Тақводорларнинг диёрлари нақадар яхши!»<sup>10</sup>

11. دَارُ الْمَقَامَةِ – Дорул муқома (Мангу яшаш диёри). Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:

الَّذِي أَحَلَّنَا دَارَ الْمَقَامَةِ مِنْ فَضْلِهِ لَا يَمَسُّنَا فِيهَا نُصَبٌ وَلَا يَمَسُّنَا فِيهَا لُغُوبٌ ﴿٣٥﴾

“У Ўз фазли билан бизларни шундай мангу турадиган диёрга туширдик, у жойда бизларга на машаққат етар ва у жойда бизга на чарчоқ етар”<sup>11</sup>.

12. الْحُسْنَى – ал-Ҳусно (Гўзал мукофот). Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

<sup>9</sup> Қасас сураси, 83-оят.

<sup>10</sup> Наҳл сураси, 30-оят.

<sup>11</sup> Фотир сураси, 35-оят.

وَأَمَّا مَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُ جَزَاءُ الْحُسْنَىٰ ۗ وَسَنَقُولُ لَهُ مِن أَمْرِنَا يُسْرًا ﴿٨٨﴾

“Энди имон келтириб эзгу иш қилган кишига келсак, унинг учун гўзал мукофот (жаннат) бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осонларини буюрурмиз”<sup>12</sup>.

13. رَوْضَةٌ – Равза (Боғ). Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:

فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَهُمْ فِي رَوْضَةٍ يُحْبَرُونَ ﴿١٥﴾

“Бас, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларгина равзада (жаннатда ашула, ўйин кулги ва бошқа роҳат йўллари билан) хурсандчилик қилурлар”<sup>13</sup>.

14. طُوبَىٰ – Тубо (Хузур-ҳаловат). Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ طُوبَىٰ لَهُمْ وَحَسُنَ مَا أَجْرُهُ ﴿٢٩﴾

“Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун “тубо” (хушнудлик) ва гўзал оқибат (жаннат) бордир”<sup>14</sup>.

15. فَضْلٌ – Фазл (Марҳамат, мурувват). Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:

<sup>12</sup> Каҳф сураси, 88-оят.

<sup>13</sup> Рум сураси, 15-оят.

<sup>14</sup> Раъд сураси, 29-оят.



﴿٤٧﴾ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ بِأَنَّ لَهُمْ مِنَ اللَّهِ فَضْلًا كَبِيرًا

“Аллоҳ томонидан берилажак катта фазл (жаннат) ҳақида мўминларга хушхабар беринг!”<sup>15</sup>

16. **الْيَمِين** – ал-Ямин (Ўнг томон). Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿٩٠﴾ وَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنْ أَصْحَابِ الْيَمِينِ ﴿٩١﴾ فَسَلِّمْ لَكَ مِنْ أَصْحَابِ الْيَمِينِ

“Энди, агар у ўнг томон эгаларидан (ўртаҳол солиҳ бандалардан) бўлса, бас, (эй саодатли банда!) Сенга ўнг томон эгаларидан салом!”<sup>16</sup>

### Жаннатнинг макони

Аллоҳ азза ва жалла бундай марҳамат қилади:

﴿٢٢﴾ وَفِي السَّمَاءِ رِزْقُكُمْ وَمَا تُوعَدُونَ

“Осмонда эса, сизларнинг ризқларингиз (ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (жаннат) бордир”<sup>17</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Кимки Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтирса, намозини барпо қилса, рўза тутса, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса ёки туғилган ерида ўтирса, уни жаннатга дохил қилиш Аллоҳнинг зиммасидадир”. Саҳобийлар: “Ё Расулуллоҳ, бу хабарни инсонларга етказайликми?”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатда юзта даража бўлиб, Аллоҳ уларни Ўз йўлида жидду жаҳд қилганлар

<sup>15</sup> Аҳзоб сураси, 47-оят.

<sup>16</sup> Воқеа сураси, 90–91-оятлар.

<sup>17</sup> Зориёт сураси, 22-оят.

учун тайёрлаб қўйган. Ҳар бир даражанинг ўртаси ер ва осмон оралиғичадир. Қачон Аллоҳдан жаннатни сўрасангиз, Фирдавс жаннатини сўранглар. Чунки у жаннатнинг ўртаси ва олийсидир. Унинг устида Аллоҳнинг Арши бўлиб, Фирдавсдан жаннат булоқлари отилиб чиқиб туради”<sup>18</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: “Мўминга ўлим келганда раҳмат фаришталари ҳозир бўлишади. Жони олингач, оқ ипакка ўралиб осмон эшигига олиб борилади шунда осмон фаришталари бундан поқроқ ҳидни топмадик, дейишади”<sup>19</sup>.

### **Жаннат эшикларининг исмлари**

Жаннатдаги ҳар бир эшикнинг номи бўлиб, улардан шу исмларга муносиб мўминларгина киради. Масалан, рўзадорлар Райён эшигидан, садақа берувчилар садақа эшигидан ва ҳоказо. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) солиҳ амал қилганлар шу амалларига муносиб эшиклардан жаннатга киришини марҳамат этганларида, Абу Бакр (розияллоху анху) сўради: “Ё Расулуллоҳ! Ота-онам сизга фидо бўлсин. Бирор инсон бу эшикларнинг ҳаммасидан чақириладими? У зот (алайҳиссалом): Ҳа, сиз улардансиз (яъни, ҳамма эшикдан чақириладиганлардансиз) деб умид қиламан”, дедилар<sup>20</sup>.

Эй мўмин, банданинг жаннат эшикларидан кириши фақат орзу билан бўлмайди. Балки омонат қилиб берилган соғлик ва бойликни ғанимат билиб, жаннат эшикларидан бизларни олиб кирувчи солиҳ амалларни кўпроқ қилиш ила бўлади.

---

<sup>18</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>19</sup> Имом Ҳоким ривояти.

<sup>20</sup> Муттафақун алайҳ.

## Жаннат эшикларининг кенглиги

Утба ибн Ғазвон (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Бизга жаннат эшикларидан бирининг икки табақаси орасидаги масофа қирқ йил экани айтилди. Шундай кун келадики, жаннат эшиги тиқилинчдан тўлиб тошади”<sup>21</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бир куни гўшт келтирилди. Сўзларининг охирида бундай дедилар: “Муҳаммад нафси измида бўлган Зотга қасамки, жаннат эшикларидан икки эшик табақасининг оралиғи Макка ва Ҳажар ёки Макка ва Бусра шаҳарлари оралиғичадир”<sup>22</sup>.

## Жаннат эшикларининг адади

Аллоҳ азза ва жалла бундай марҳамат қилади:

وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا  
جَاءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا سَلَامٌ عَلَيْكُمْ  
طِبِّتُمْ فَأَدْخَلُوهَا خَالِدِينَ ﴿٧٣﴾

“Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга бошлаб борилур. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида ва унинг қўриқчилари: «Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кириңгиз!» – деганларида (улар беҳад шодланурлар)”<sup>23</sup>.

<sup>21</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>22</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>23</sup> Зумар сураси, 73-оят.

Оятдаги “**унинг дарвозалари очилган**” жумласидан, жаннатнинг бир неча эшиги борлиги англанади. Қуйидаги ҳадисдан уларнинг ададини билиб оламиз.

Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатнинг саккизта эшиги бўлиб, улар орасида Райён деб номланувчи эшик ҳам бор. Ундан фақат рўза тутувчилар киради”<sup>24</sup>.

Жаннат эшиклари Аллоҳдан қўрққан ва солиҳ амаллар қилиб ўтган зотларга очиқ бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

هَذَا ذِكْرٌ وَإِنَّ لِلْمُتَّقِينَ لَحُسْنَ مَآبٍ ﴿٤٩﴾ جَنَّاتٍ عَدْنٍ مَّفْنَحَةٌ لَهُمْ  
الْآبَابُ ﴿٥٠﴾

“Бу бир эслатмадир. Шубҳасиз, тақводор зотлар учун гўзал оқибат – бу, улар учун барча дарвозалари очиб қўйилган мангу жаннатлардир”<sup>25</sup>.

### **Дунёда жаннат эшиклари очиладиган вақтлар**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади. Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган бандаларнинг гуноҳи кечирилади. Фақат ораларида ғазаб ва нафрат бўлган кишиларгина қолади. Фаришталарга: “Бу иккисини уч кунгача ярашишларини кутиб туринглар!”, деб айтилади”<sup>26</sup>.

<sup>24</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>25</sup> Сод сураси, 49–50-оятлар.

<sup>26</sup> Имом Муслим ривояти.

Шунга кўра, шариатимизда уч кундан ортиқ аразлашиб юриш тақиқланади.

Абу Айюб Ансорий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Муслмон биродари билан уч кундан ортиқ алоқани узиши ҳалол эмас. Учрашиб қолишса, бир-биридан юз ўгиришади. (Ҳолбуки), уларнинг яхшиси олдин салом берганидир”, деганлар<sup>27</sup>.

Бошқа ҳадисда Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Садақа қилиш билан мол камаймайди. Ким кечиримли бўлса, Аллоҳ уни азиз қилади. Ким Аллоҳ учун камтар бўлса, Аллоҳ унинг даражасини юқори қилади”, деганлар.

Шариатимизда турли сабаблар билан ораларида совуқчилик тушган одамларни яраштириш учун ҳатто ёлгон гапиришга ҳам рухсат берилган. Бу эса ўзаро кечиримли ва бир-биримизга муҳаббатли бўлишимиз лозимлигини билдиради.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Рамазон ойи келса, жаннат эшиклари очилади, жаҳаннам эшиклари беркитилиб, шайтонлар занжирбанд қилинади”, дедилар”<sup>28</sup>.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан қайси бирингиз таҳоратни мукамал қилиб, сўнг “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуллоҳи ва росулуҳ” деса, унинг учун жаннатнинг саккиз эшиги очилади ва у хоҳлаганидан киради”, дедилар”<sup>29</sup>.

---

<sup>27</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>28</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>29</sup> Имом Муслим ривояти.

### **Жаннатга биринчи кирадиган одам**

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Мен қиёмат куни жаннат эшиги олдига келиб, очилишини сўрайман. “Сиз кимсиз?” деб сўрайди қўриқчи. “Муҳаммадман”, дейман. Қўриқчи: “Сизга очишга буюрилдим, сиздан олдин ҳеч кимга очмайман”, дейди”<sup>30</sup>.

### **Жаннатга биринчи кирадиган уммат**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Биз бу дунёнинг охирги умматимиз, қиёмат кунида биринчиларданмиз, биз жаннатга биринчи бўлиб кирувчимиз”<sup>31</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатга энг олдин кирувчилар Бадр кечасидаги тўлин ой каби кирадилар. Улардан кейингилар осмондаги энг ёруғ юлдуз сингари кирадилар. Улар ҳожат чиқармайдилар, тупурмайдилар, бурун қоқмайдилар. Тароқлари тиллодан, терлари мушк, оловдон (тутатқи солинадиган идиш)лари хушбўй ёғочдан, жуфтлари ҳурлардан. Осмонда (яъни, узунликда) оталари Одам (алайҳиссалом) кўринишида олтмиш зироъ<sup>32</sup> бўлиб, бир хил хулқли бўлишади”<sup>33</sup>.

Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

<sup>30</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>31</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>32</sup> Зироъ (қўл зироъи, ўрта бўйли одам тирсагидан бармоқлари учигача бўлган ўлчов бирлиги) = 46,2 см.

<sup>33</sup> Муттафақун алайҳ.

дедилар: “Умматимдан етмиш ёки етти юз минг киши бир-бирини ушлаб жаннатга киради. Юзлари Бадр кечасидаги ой каби тўлин бўлиб, охирчилари кирмагунича бошдагилари кирмай туришади”<sup>34</sup>.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Муҳожир камбағаллар қиёмат куни бойлардан қирқ йил олдин жаннатга киришади”, дедилар”<sup>35</sup>.

### Жаннат аҳлининг ёши

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннат аҳли жаннатга ўттиз (ёки ўттиз уч) ёшда соч-соқолсиз, кўзларига сурма кўйган ҳолда киради”, дедилар”<sup>36</sup>.

### Жаннат аҳлининг юзлари сифати

Аллоҳ таоло бир неча оятларда жаннат аҳлининг юзлари қандай бўлишини сифатлаб бундай дейди:

إِنَّ الْأَبْرَارَ لَفِي نَعِيمٍ ﴿٢٢﴾ عَلَى الْأَرَآئِكِ يَنْظُرُونَ ﴿٢٣﴾ تَعْرِفُ فِي وُجُوهِهِمْ  
نَضْرَةَ النَّعِيمِ ﴿٢٤﴾

**“Албатта, яхшилар (мўминлар жаннат) неъматлари ичрадирлар. Улар сўриларда, (атрофга) қараб ўтирурлар. Уларнинг юзларида неъматларнинг тароватини (бир қарашда) билиб оласиз”<sup>37</sup>.**

<sup>34</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>35</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>36</sup> Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти.

<sup>37</sup> Мутаффифун сураси, 22–24-оятлар.

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾

“У кунда баъзи юзлар яшнаб турувчи, Парвардигорларига боқувчидир”<sup>38</sup>.

Дарҳақиқат, жаннат аҳли учун Парвардигорларини кўришдан суюклироқ неъмат йўқ. Шу боис улар Парвардигорларига боққанларида юзлари янада яшнаб, нурли бўлиб қолиши табиий ҳол. Имом Бухорий (раҳимаҳуллоҳ)нинг “Саҳиҳ”ида келган бу ҳадиси шариф ҳам мазкур ояти карима мазмунини таъкидлайди: “Албатта, сизлар яқинда Парвардигорингизни худди мана шу тўлин ойни кўриб турганингиздек очиқ-ойдин кўрурсизлар”.

Қуйидаги ояти карималар ҳам бунга далилдир:

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاعِمَةٌ ﴿٨﴾ لِّسَعْيِهَا رَاضِيَةٌ ﴿٩﴾ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ﴿١٠﴾

“(Бошқа бир) юзлар эса у кунда (неъматлардан) мамнун, (дунёда қилган) саъй-ҳаракатларидан розидир. (Улар) олий жаннатдадирлар”<sup>39</sup>.

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ مُّسْفِرَةٌ ﴿٣٨﴾ ضَاحِكَةٌ مُّسْتَبْشِرَةٌ ﴿٣٩﴾

“У кунда (баъзи) юзлар ёруғ, шоду хуррам (бўлур)”<sup>40</sup>.

وَأَمَّا الَّذِينَ أَبْيَضَتْ وَجُوهُهُمْ فَفِي رَحْمَةِ اللَّهِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١٠٧﴾

“Юзлари оқарган зотлар эса Аллоҳнинг раҳматида (жаннатида)дирлар. Улар у ерда абадий қолувчилардир”<sup>41</sup>.

<sup>38</sup> Қиёмат сураси, 22–23-оятлар.

<sup>39</sup> Гошия сураси, 8–10-оятлар.

<sup>40</sup> Абаса сураси, 38–39-оятлар.

<sup>41</sup> Оли Имрон сураси, 107-оят.



Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатга илк кирувчилар Бадр кечасидаги тўлин ой каби, кейингилар осмондаги энг ёруғ юлдуз сингари кирадилар. Юраклари бир инсон юрагидек, ораларида бир-бирини ёмон кўриш ва ҳасад қилиш бўлмайди”.<sup>42</sup>

### Жаннат аҳлининг кутиб олиниши

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا  
وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا سَلَامٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ  
فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ ﴿٧٣﴾

“Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга бошлаб борилур. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида ва унинг қўриқчилари: «Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кирингиз!» деганларида (улар беҳад шодланурлар)»<sup>43</sup>.

جَنَّتْ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا وَمَنْ صَلَحَ مِنْ آبَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ  
وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ ﴿٢٣﴾ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ  
فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ ﴿٢٤﴾

<sup>42</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>43</sup> Зумар сураси, 73-оят.

«(У) абадийлик боғлари бўлиб, (улар) у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳ (банда)лар билан бирга кирурлар. Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кириб (дерлар): “(Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!”»<sup>44</sup>

لَا يَحْزَنُهُمُ الْفَزَعُ الْأَكْبَرُ وَتَتَلَقَّهُمُ الْمَلَائِكَةُ هَذَا يَوْمِكُمْ الَّذِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ



“Уларни буюк даҳшат (қиёмат) ғамгин қилмас. Уларни фаришталар: «Мана шу сизларга ваъда қилинган кундир», деб кутиб олурлар»<sup>45</sup>.

### Жаннатга ҳисобсиз ва азобсиз кирувчилар

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Умматлар менга кўрсатилди, баъзи пайғамбарларни уммати билан, айримларини бир неча нафар ила, баъзиларини ўнта, айримларини бешта, баъзиларини ёлғиз ҳолатда топдим. Тўсатдан кўп сонли бир қора тўдани кўриб: “Эй Жаброил, улар менинг умматимми?” деб сўрадим. У: “Йўқ, лекин уфққа қаранг”, деди. Қарасам, кўп сонли бўлган қора гуруҳни кўрдим. Жаброил: “Улар умматингиз. Улар етмиш минг бўлиб, (жаннатга барча уммат) олдида борадилар, уларга ҳисоб ҳам, азоб ҳам йўқ” деди. Мен сўрадим: “Нима учун?” Жаброил деди: “Улар куйдириб даволанмайдилар, (сеҳр йўли билан) дам

<sup>44</sup> Раъд сураси, 23–24-оятлар.

<sup>45</sup> Анбиё сураси, 103-оят.

солдирмайдилар, шумланмайдилар ва Раббларига таваккал қиладилар”<sup>46</sup>.

Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг: “(Айбу нуқсондан) пок Раббим умматимдан етмиш минг кишини ҳисобсиз ва азобсиз жаннатга киргизишига ваъда берди. Ҳар бир минг киши яна етмиш минг одам билан киради. Буларни уч баробар кўпайтириш Аллоҳ таолонинг фазлидандир”, деганларини эшитдим”<sup>47</sup>.

### Жаннат ерлари ва биноларининг сифати

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Меърожга кўтарилганларида: “...Сўнг мени сидратул мунтаҳога олиб борди. Сидратул мунтаҳони ҳар хил ранг қоплаган эди, улар қайси ранглигини билмайман. Кейин жаннатга киргизилдим, у ерда марвариддан тепаликлар бўлиб, тупроқлари мушқдан эди”, дедилар”<sup>48</sup>.

“Сидратул мунтаҳо барглари фил қулоқларидек, мевалари эса катта кўзалардек келадиган набқ дарахтидир. (Аллоҳдан бошқа) ҳеч ким унинг гўзаллигини таърифлашга қодир эмас. Ҳар қандай олимнинг илми шу жойда тўхтагани, шунингдек, у дарахт Аллоҳ Аршининг ўнг томонида бўлиб, бирорта фаришта ундан ўтолмагани учун шундай номланган”<sup>49</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Ё Расулуллоҳ, жаннат бинолари қандай?”

<sup>46</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>47</sup> Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти.

<sup>48</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>49</sup> Абу Бакр Жазоирий. “Айсарут тафосир”.

деб сўрадик. У зот: “Ғиштлари кумуш ва тиллодан, сувоқлари хушбўй мушқдан, майда тошлари марварид ҳамда ёқутдан, тупроғи эса заъфарондан. Ким жаннатга кирса, доим неъмат ичида бўлиб, унда абадий қолади. Кийимлари эскирмайди ва ёшлиги кетмайди”, дедилар”<sup>50</sup>.

Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Ибн Сайёд Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан жаннат тупроғи ҳақида сўради. У зот дедилар: “У оппоқ, майин ва тоза мушқдандир”<sup>51</sup>.

### Жаннат аҳли чодирнинг сифати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



“(Улар) чодирларда асралувчи хурлардир”<sup>52</sup>.

Абдуллоҳ ибн Қайс (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Мўмин учун жаннатда марвариддан ясалган бўш бир чодир бор. Унинг узунлиги олтмиш милдир”<sup>53</sup>. У ерда мўминнинг аҳли оиласи бўлиб, уларни (бирма-бир) айланиб юради, лекин улар бир-бирларини кўрмайдилар”<sup>54</sup>.

### Жаннат бозори

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатда бозор бўлиб, мўминлар унга ҳар

<sup>50</sup> Имом Термизий ва Имом Доримий ривояти.

<sup>51</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>52</sup> Ар-Раҳмон сураси, 72-оят.

<sup>53</sup> Бир мил – 1920 метрга тенг.

<sup>54</sup> Муттафақун алайҳ.

жума куни келишади. Шунда шимол тарафдан шамол эсиб, уларнинг юзлари ва либосларини силаб ўтади. Шундан сўнг ҳуснларига ҳусн ва чирой кўшилиб, аҳлларига қайтишади. Аёллари уларга, Аллоҳга қасамки, бизнинг олдимиздан кетганингиздан кейин ҳуснингиз чиройли бўлибди, дейишади. Улар ҳам аҳлларига, биз кетгандан кейин сизларга ҳам яна ҳусн кўшилибди”, дейишади”<sup>55</sup>.

Биз ушбу ривоятдаги “бозор”дан шу дунёда кўриб турган ва билган бозорларни тушунмаслигимиз керак. Зеро, жаннатдаги бозорнинг қандайлиги уни яратган Зотнинг Ўзигагина маълум. Биз унга имон келтириб, Яратгандан Ўз раҳмати билан барчамизни жаннатига киритишини ва ўша жаннат бозорларида сайр қилдиришини сўраймиз.

### Жаннат қасрлари

Аллоҳ таоло жаннат аҳли учун нафслар хоҳлайдиган ва кўзлар қувонадиган қасрлар ва жойларни яратиб қўйган. Бу ҳақда бундай марҳамат қилади:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا  
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَمَسْكَنٍ طَيِّبَةٍ فِي جَنَّاتٍ عَدْنٍ  
وَرِضْوَانٍ مِّنَ اللَّهِ أَكْبَرَ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٧٢﴾

“Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшаладиган жаннат (боғ)ларидаги ёқимли масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг ризоси эса, (ҳаммасидан) буюкроқдир. Ана шу(лар) улкан ютуқдир”<sup>56</sup>.

<sup>55</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>56</sup> Тавба сураси, 72-оят.

## Жаннат аҳлининг қасрдаги афзалликлари

Ушбу қасрларга эришиш мўминлик сифатини оқлаш ва шунга мувофиқ солиҳ амалларни қилиш орқали бўлади.

Бу борада Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَإِذَا رَأَيْتَ ثَمَّ رَأَيْتَ نَعِيمًا وَمَلَكًا كَبِيرًا ﴿٢٠﴾

**“У жойга қараганингизда, ноз-неъматларни ва катта подшоҳликни кўрурсиз”<sup>57</sup>.**

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонлар машриқ ё мағрибдан чиққан уфқдаги ёрқин юлдузларни кўрганидек, жаннат аҳллари баъзилари айримларидан афзаллиги сабабли ўзларидан юқоридаги қаср аҳлларини кўрадилар”, дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, у ер бошқалар ета олмайдиган пайғамбарларнинг манзили эмасми?” деб сўрашди. У зот: “Йўқ, нафсим измида бўлган Зотга қасамки, у жой Аллоҳга имон келтирган, пайғамбарларни тасдиқлаган кишиларгадир”, дедилар”<sup>58</sup>.

Ҳа, Аллоҳга имон келтириш ва пайғамбарларни тасдиқлаш, эшитганда ёки айтганда осон туюлса-да, амалда қаттиқ жидду жаҳд талаб қилади. Аллоҳга имон келтириш لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ (Ла илаҳа иллаллоҳ) калимасини айтиб, ундаги рукн ва шартларни ўрганиб, уларга амал қилиш билан бўлади.

“Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасининг икки рукни бор:

Нафий (инкор қилиш). Бу “Ла илаҳа” сўзларида бўлиб, Аллоҳдан бошқа “илоҳ” деб аталувчи барча нарсаларни инкор этишдир.

<sup>57</sup> Инсон сураси, 20-оят.

<sup>58</sup> Муттафақун алайҳ.

Исбот “иллаллоҳ” калимасида бўлиб, улуҳиятни ёлғиз Аллоҳга исботлашдир. Бу калиманинг етти шарти бор:

1. Илм. 2. Ишонч. 3. Қабул қилиш. 4. Қайтиш. 5. Сидқ. 6. Ихлос. 7. Муҳаббат.

Пайғамбарларни тасдиқлаш эса, у зотлар олиб келган йўлни ўрганиш ва унга эргашиш билан бўлади.

### Жаннат аҳли кўшкларининг сифати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُبَوِّئَنَّهُم مِّنَ الْجَنَّةِ غُرَفًا  
تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا نِعَمَ أَجْرٍ الْعَمَلِينَ ﴿٥٨﴾

“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни, албатта, жаннатда остидан анҳорлар оқиб турадиган кўшкларга жойлаштирурмиз. Улар у ерда мангу қолурлар. (Яхши) амал қилувчиларнинг (қиёмат куни оладиган) мукофоти нақадар яхшидир!”<sup>59</sup>

لَكِنَّ الَّذِينَ أَتَوْا رَبَّهُمْ هُمْ غُرُفٌ مِّنْ فَوْقِهَا عُرُفٌ مَّبْنِيَةٌ تَجْرِي مِنْ  
تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَعَدَّ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ الْمِيعَادَ ﴿٦٠﴾

“Лекин Парвардигорларидан кўрққан зотлар учун (жаннатда) устма-уст қурилган кўшклар бўлиб, уларнинг остидан анҳорлар оқиб турар. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас”<sup>60</sup>.

Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатда

<sup>59</sup> Анкабут сураси, 58-оят.

<sup>60</sup> Зумар сураси, 20-оят.

ташқариси ичкарисидан, ичкарисе ташқарисидан кўришиб турадиган хоналар бор”, дедилар. Бир аъробий: “Ё Расулulloх, улар ким учун?” деб сўради. У зот: “Чиройли сўзлар гапирган, мискинларга таом едирган, давомли рўза тутган, кечаси ҳамма ухлаётганида намоз ўқиган кишилар учун”, дедилар”<sup>61</sup>.

Жаннат аҳли учун тўшаладиган ўринларни Аллоҳ таоло бундай сифатлайди:

﴿٥٤﴾ مَتَكِينٍ عَلَىٰ فُرُشٍ بَطَّانِيهَا مِنْ أَسْتَبْرَقٍ ۖ وَجَنَى الْجَنَّةِ دَانٍ

“**Жаннат аҳли) астарлари шойидан бўлган кўрпачалар узра ястанган ҳолда (ўтирурлар). У икки боғнинг меваси (узувчига) яқиндир**”<sup>62</sup>.

Бошқа оятларда ёстиқ ва гиламлар ҳам тўшалгани марҳамат қилинган:

﴿١٥﴾ وَنَارِقٍ مَّصْفُوفَةٍ ﴿١٦﴾ وَزَرَائِمٍ مَّبْثُوثَةٍ

“**Тизиб қўйилган ёстиқлар ва тўшалган гиламлар бордир**”<sup>63</sup>.

﴿٧٦﴾ مَتَكِينٍ عَلَىٰ رَفْرَفٍ خُضْرٍ وَعَبَقَرٍ ۖ حَسَانٍ

“**Жаннат аҳли) яшил ёстиқлар ва гўзал гиламлар узра ястанган ҳолларида (ўтирурлар)**”<sup>64</sup>.

### Жаннат сўрилари

Жаннат аҳллари роҳат ва фароғатда бўлиши учун Аллоҳ уларга жаннатда сўрилар тайёрлаб қўйган. Бу ҳақда Яратган Эгамиз бундай марҳамат қилади:

<sup>61</sup> Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти.

<sup>62</sup> Ар-Раҳмон сураси, 54-оят.

<sup>63</sup> Ғошия сураси, 15–16-оятлар.

<sup>64</sup> Ар-Раҳмон сураси, 76-оят.



إِنَّ الْأَبْرَارَ لَفِي نَعِيمٍ ﴿٢٢﴾ عَلَى الْأَرَآئِكِ يَنْظُرُونَ ﴿٢٣﴾

“Албатта, яхшилар (мўминлар жаннат) неъматлари ичрадирлар. Улар сўриларда, (атрофга) қараб ўтирурлар”<sup>65</sup>.

مُتَّكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَآئِكِ ۖ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمْهَرِيرًا ﴿١٣﴾

“Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. У жойда қуёш (ҳарорати)ни ҳам, замҳарир (қиш совуғи)ни ҳам кўрмаслар”<sup>66</sup>.

إِنَّ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ الْيَوْمَ فِي شُغْلٍ فَاكِهُونَ ﴿٥٥﴾ هُمْ وَأَزْوَاجُهُمْ فِي ظِلِّ عَلَى الْأَرَآئِكِ مُتَّكِفُونَ ﴿٥٦﴾

“Албатта, жаннат аҳли у кунда (роҳат ва фароғат) иш(лари) билан шоддирлар. Улар ўз жуфтлари (хотинлари) билан бирга сояларда, сўриларда суяниб ўтирурлар”<sup>67</sup>.

وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِّنْ غِلٍّ إِخْوَانًا عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ ﴿٤٧﴾

“Биз (жаннатдаги) сўриларда биродар бўлиб, бир-бирларига юзма-юз ўтирганларнинг дилларидаги гина (ва адоватлар)ни чиқариб ташлагаймиз”<sup>68</sup>.

كُلُوا وَاشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ مُتَّكِنِينَ عَلَىٰ سُرُرٍ مّصْفُوفَةٍ ۖ وَزَوَّجْنَاهُم بِحُورٍ عِينٍ ﴿٢٠﴾

<sup>65</sup> Мутаффифун сураси, 22–23-оятлар.

<sup>66</sup> Инсон сураси, 13-оят.

<sup>67</sup> Ёсин сураси, 55–56-оятлар.

<sup>68</sup> Ҳижр сураси, 47-оят.

“Уларга айтилуру): «Сизлар қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли бемалол еб-ичингиз қатор сўриларда ястанган ҳолларингизда!» Биз уларга оппоқ юзли, катта ва чиройли кўзли ҳур қизларни жуфт қилиб берурмиз”<sup>69</sup>.

عَلَى سُرْرٍ مَوْضُونَةٍ ﴿١٥﴾ مُتَّكِنِينَ عَلَيْهَا مُتَقَبِّلِينَ ﴿١٦﴾

“Улар олтиндан) ясалган сўриларда, ястанган ҳолларида бир-бирларига юзма-юз бўлиб (ўтирурлар)”<sup>70</sup>.

فِيهَا سُرْرٌ مَرْفُوعَةٌ ﴿١٣﴾

“У жойда баланд сўрилар бордир”<sup>71</sup>.

### Жаннат аҳлининг идишлари сифати

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ ﴿١٧﴾ بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقَ وَكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿١٨﴾

“Устиларида эса мангу ёш болалар айланиб (хизматда) юрурлар оқар чашмадан олинган (май тўла) қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан”<sup>72</sup>.

يُطَافُ عَلَيْهِم بِبِصَافٍ مِّن ذَهَبٍ وَأَكْوَابٍ ۖ وَفِيهَا مَا نَشْتَهِيهِ  
الْأَنفُسُ وَتَلَذُّ الْأَعْيُنُ ۖ وَأَنْتُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٧١﴾

“Уларга олтин лаганлар(да таомлар) ва қадаҳлар(да шароблар) айлантирилуру. У жойда

<sup>69</sup> Тур сураси, 19–20-оятлар.

<sup>70</sup> Воқеа сураси, 15–16-оятлар.

<sup>71</sup> Гошия сураси, 13-оят.

<sup>72</sup> Воқеа сураси, 17–18-оятлар.

**кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда (жаннатда) мангу қолурсиз”<sup>73</sup>.**

وَيُطَافُ عَلَيْهِمْ بِمَائَةٍ مِّنْ فِضَّةٍ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرًا ﴿١٥﴾ قَوَارِيرًا مِّنْ فِضَّةٍ قَدَرُوهَا نَقْدِيرًا ﴿١٦﴾

“Уларга кумуш идишлар (да таомлар) ва (ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, шаффофликда) **шиша бўлиб кетган қадаҳлар** (да шароблар) **айлантирилуру. Шиша бўлганда ҳам кумушдан, (уларни соқийлар) ўлчаб қўйганлар”<sup>74</sup>.**

Абдуллоҳ ибн Қайс (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кумушдан икки жаннат бўлиб, идишлари ва ичидаги барча нарсалари ҳам кумушдандир. Икки жаннат тилладан бўлиб, идишлари ва ичидаги ҳамма нарсалари ҳам тилладандир. Адн жаннатида бандаларнинг Раббиларига қарашлари орасида фақат У Зотнинг юзидаги улуғлик ридоси қолади, холос”, дедилар”<sup>75</sup>.

### Жаннат аҳлининг либослари ва безаклари сифати

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бундай марҳамат қилади:

إِنَّ اللَّهَ يَدْخُلُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرَ مِنْ ذَهَبٍ وَلُؤْلُؤًا ۖ وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ ﴿٢٣﴾

<sup>73</sup> Зухруф сураси, 71-оят.

<sup>74</sup> Инсон сураси, 15–16-оятлар.

<sup>75</sup> Муттафақун алайҳ.

“Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни Аллоҳ (жаннатдаги) остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга киритур. Улар у жойда олтин билакузуклар ва марваридлар билан безалурлар, либослари эса ҳарир (ипак) бўлур”<sup>76</sup>.

أُولَئِكَ لَهُمْ جَنَّاتُ عَدْنٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهِمُ الْأَنْهَارُ يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرَ مِنْ ذَهَبٍ وَيَلْبَسُونَ ثِيَابًا خُضْرًا مِنْ سُندُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُتَّكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَائِكِ نِعْمَ الثَّوَابُ وَحَسُنَتْ مُرْتَفَقًا ﴿٢١﴾

“Айнан улар учун остиларидан анҳорлар оқиб турадиган мангу жаннатлар бор бўлиб, улар у жойда олтин билакузуклар билан безанурлар ва яшнаб турувчи шойи либослар кийиб, сўриларда суяниб ўтирурлар. Нақадар яхши мукофот у, нақадар гўзал жой у!”<sup>77</sup>

عَلَيْهِمْ ثِيَابٌ سُندُسٍ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ وَحُلُّوا أَسَاوِرَ مِنْ فِضَّةٍ وَسَقَمَهُمْ رُبُّهُمْ شَرَابًا طَهُورًا ﴿٢١﴾

“Устиларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безанган бўлурлар ва Парвардигорлари уларга пок шароб ичирур”<sup>78</sup>.

Охиратда мўминларнинг жаннатдаги либослари бу дунёда улар учун ҳаром қилинган ипакдан бўлади. Зеро, Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан нақл этилган ҳадисда айтилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу

<sup>76</sup> Ҳаж сураси, 23-оят.

<sup>77</sup> Каҳф сураси, 31-оят.

<sup>78</sup> Инсон сураси, 21-оят.

алайҳи ва саллам): “Умматимдан кимда-ким тилла тақса ва шу ҳолида ўлса, Аллоҳ унга жаннат тил-лаларини ҳаром қилади. Умматимдан кимда-ким ипак либосини кийса ва шу ҳолида ўлса, Аллоҳ унга жаннат ипакларини ҳаром қилади”, дедилар<sup>79</sup>.

### Жаннатда энг олдин кийинтириладиган киши

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “...Қиёматда инсонлар ичида энг олдин кийинтириладиган киши Иброҳим халилуллоҳдир”, деганлар<sup>80</sup>.

### Жаннат аҳли хизматчиларининг сифати

Меҳрибон Зот бандаларини жаннат билан мукофотлашдан ташқари улар учун жаннатда хизматкорлар ҳам тайёрлаб қўйган. Қуръони каримда бундай келади:

يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ ﴿١٧﴾ يَا كُوفٍ وَأَبَارِيْقَ وَكَاسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿١٨﴾

“Устиларида эса мангу ёш болалар айланиб (хизматда) юрурлар оқар чашмадан олинган (май тўла) қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан”<sup>81</sup>.

يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ إِذَا رَأَيْتَهُمْ حَسِبْتَهُمْ لُؤْلُؤًا مَّنشُورًا ﴿١٩﴾

“Уларнинг устида мангу ёш ходимлар (хизмат қилиб) айланиб турурларки, уларни кўрганингизда сочиб юборилган дурлар деб ўйларсиз”<sup>82</sup>.

<sup>79</sup> Имом Аҳмад ривояти, саҳиҳ.

<sup>80</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>81</sup> Воқеа сураси, 17–18-оятлар.

<sup>82</sup> Инсон сураси, 19-оят.

﴿٢٤﴾ وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ غِلْمَانٌ لَهُمْ كَأَنَّهُمْ لُؤْلُؤٌ مَّكَوْنٌ

“Уларнинг устида гўё (садаф ичида) яширинган гавҳардек (пок ва хушсурат) ғуломлар айланиб (хизмат қилиб) юрар”<sup>83</sup>.

### Жаннат аҳли илк ейдиган таом

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Абдуллоҳ ибн Салом Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: “Жаннат аҳли илк ейдиган таоми нима?” деб сўради. У зот: “Ўтнинг жигари”, деб жавоб қилдилар”<sup>84</sup>.

Савбон (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида эдим, бир яҳудий келиб сўради: “Жаннатга илк ким қиради?” У зот: “Камбағал муҳожирлар”, деб жавоб қилдилар. Яна сўради: “Уларга нима тортиқ этилади?” У зот: “Ўтнинг жигари”, дедилар. “Кейин ейдиган таомлари нима?”, деб сўради. “Уларга жаннат ҳўкизи сўйилади ва уни бир чеккадан ейишади”, дедилар. Яҳудий: “Ичимликлари нима?” деб сўради. У зот: “Жаннатдаги Салсабил булоғидан ичишади”, деб жавоб қилдилар”<sup>85</sup>.

### Жаннат аҳли таомининг сифати

Қуръони каримнинг бир неча оятида жаннат аҳли таомларининг сифати баён этилади:

﴿٧٠﴾ ادْخُلُوا الْجَنَّةَ أَنْتُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ تُحْبَرُونَ ﴿٧٠﴾ يُطَافُ عَلَيْهِمْ

<sup>83</sup> Тур сураси, 24-оят.

<sup>84</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>85</sup> Имом Муслим ривояти.

بِصِحَافٍ مِّنْ ذَهَبٍ وَأَكْوَابٍ ۖ وَفِيهَا مَا تَشْتَهِيهِ الْأَنفُسُ وَتَلَذُّ  
الْأَعْيُنُ ۖ وَأَنْتُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٧١﴾

“Ўзингиз ҳам, хотинларингиз ҳам мамнунлик ҳолларингизда жаннатга кирингиз! Уларга олтин лаганлар (да таомлар) ва қадаҳлар (да шароблар) айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда (жаннатда) мангу қолурсиз”<sup>86</sup>.

مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ۖ أُكُلُهَا دَائِمٌ  
وَوَظَلُّهَا تِلْكَ عُقْبَى الَّذِينَ اتَّقَوْا وَعُقْبَى الْكَافِرِينَ النَّارُ ﴿٣٥﴾

“Тақволилар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо) жорий, мевалари ва соялари боқийдир. Бу тақво қилганларнинг оқибати (мукофоти)дир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир”<sup>87</sup>.

وَفَنَكِهِ مِمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿٢٠﴾ وَلِحْمِ طَيْرٍ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢١﴾

“Яна ўзлари танлаб оладиган мева билан, иштаҳалари тортадиган қуш гўштлири билан ҳам (таъминлаб турурлар)”<sup>88</sup>.

كُلُوا وَاشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا أَسْلَفْتُمْ فِي الْأَيَّامِ الْخَالِيَةِ ﴿٢٤﴾

«(Жаннат аҳлига): “Ўтган кунларда (дунёда) қилиб ўтган (эзгу) амалларингиз сабабли (ушбу

<sup>86</sup> Зухруф сураси, 70–71-оятлар.

<sup>87</sup> Раъд сураси, 35-оят.

<sup>88</sup> Воқеа сураси, 20–21-оятлар.

ноз-неъматларни) **ёқимли иштаҳа билан еб-ичаверингиз!**” (дейилур)»<sup>89</sup>.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадис давомида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таомлари болом ва нун”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Улар нима?” дейишди. У зот (алайҳиссалом): “У ҳўкиз ва ҳут бўлиб, уларнинг жигаридан етмиш минг одам ейди”, деб жавоб қилдилар<sup>90</sup>.

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннат аҳли у ерда ейди, ичади, туфламайди, бавл қилмайди, ҳожат чиқармайди, бурун қоқмайди”, дедилар. Саҳобалар: “Еган таомлари нима бўлади?” дейишди. У зот: “Кекириш ва миск буғланганидек буғланиб кетади, нафас олишга илҳомланишганидек, тасбеҳ ва ҳамд айтишга илҳомланишади”, дедилар”<sup>91</sup>.

### Жаннат аҳли ичимлигининг сифати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

إِنَّ الْأَبْرَارَ يَشْرَبُونَ مِنْ كَأْسٍ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا ﴿٥﴾

“Албатта, яхши (солиҳ киши)лар (жаннатда) мизожи кофур (ўсимлигидек хушбўй) бўлмиш қадахдан (май) ичурлар”<sup>92</sup>.

يُسْقَوْنَ مِنْ رَحِيقٍ مَخْحُومٍ ﴿٢٥﴾ خِتْمُهُ مِسْكٌَ وَفِي ذَلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ الْمُتَنَافِسُونَ ﴿٢٦﴾ وَمِزَاجُهُ مِنَ تَسْنِيمٍ ﴿٢٧﴾ عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا الْمُقَرَّبُونَ ﴿٢٨﴾

<sup>89</sup> Ҳоққа сураси, 24-оят.

<sup>90</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>91</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>92</sup> Инсон сураси, 5-оят.



“Уларга (жаннатда идишлари) муҳрланган мусаффо майдан ичирилурки, у (май)нинг муҳри мушқдир. Бас, мусобақачилар шу (неъматлар) йўлида мусобақа қилсинлар! У (май)нинг мизожи юқори навдандир. (У навнинг номи «тасним» бўлиб, у Аллоҳга) яқин (банда)лар ичадиган бир чашмадир”<sup>93</sup>.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Кавсар жаннатдаги дарё бўлиб, икки чети олтиндан, ёқут ва дурлар устида оқади. Тупроғи мушқдан хушбўй, суви эса асалдан ширин, қордан оппоқдир”<sup>94</sup>.

### Жаннат дарахтлари ва меваларининг сифати

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلَالُهَا وَذُلَّتْ قُطُوفُهَا نَذِيلًا ﴿١٤﴾

“**Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узишга осон бўлиши учун) эгиб қўйилган бўлур**”<sup>95</sup>.

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي ظِلَالٍ وَعُيُونٍ ﴿٤١﴾ وَفَوَاكِهَ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٤٢﴾

“**Тақводор зотлар эса (у кунда), албатта, соя-салқинлар ва чашмаларда ва кўнгиллари истаган (турли хил) мевалар ичида бўлурлар**”<sup>96</sup>.

مُتَّكِنِينَ فِيهَا يَدْعُونَ فِيهَا بِفَكَهَةٍ كَثِيرَةٍ وَشَرَابٍ ﴿٥١﴾

<sup>93</sup> Мутаффифун сураси, 25–28-оятлар.

<sup>94</sup> Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти.

<sup>95</sup> Инсон сураси, 14-оят.

<sup>96</sup> Мурсалот сураси, 41–42-оятлар.

“Улар у жойларда (сўриларда) суяниб ўтириб, мўл-кўл мева-чева ва шароб чақирурлар”<sup>97</sup>.

وَلَهُمْ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ

“Улар учун у жойда барча мевалардан бордир”<sup>98</sup>.

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا ﴿٣١﴾ حَدَائِقَ وَأَعْنَابًا ﴿٣٢﴾

“Албатта, тақводорлар учун (жаннатда катта) нажот (ва неъматлар) бордир. Яъни, боғлар ва узумлар бордир”<sup>99</sup>.

فِيهِمَا مِنْ كُلِّ فَاكِهَةٍ زَوْجَانِ ﴿٥٢﴾

“У иккисида (жаннатнинг икки боғида) барча мевадан икки нави бордир”<sup>100</sup>.

فِيهِمَا فَاكِهَةٌ وَنَخْلٌ وَرُمَّانٌ ﴿٦٨﴾

“У иккисида (мазкур икки боғда) мева, хурмо ва анорлар бордир”<sup>101</sup>.

يَدْعُونَ فِيهَا بِكُلِّ فَاكِهَةٍ آمِنِينَ ﴿٥٥﴾

“Улар у жойда хотиржам бўлган ҳолларида ҳар турли мевани чорлагайлар”<sup>102</sup>.

وَأَصْحَابُ الْيَمِينِ مَا أَصْحَابُ الْيَمِينِ ﴿٢٧﴾ فِي سِدْرٍ مَخْضُودٍ ﴿٢٨﴾ وَطَلْحٍ

<sup>97</sup> Сод сураси, 51-оят.

<sup>98</sup> Муҳаммад сураси, 15-оят.

<sup>99</sup> Набаъ сураси, 31–32-оятлар.

<sup>100</sup> Ар-Раҳмон сураси, 52-оят.

<sup>101</sup> Ар-Раҳмон сураси, 68-оят.

<sup>102</sup> Духон сураси, 55-оят.

مَنْضُودٍ ۲۹ وَظَلٍّ مَّمْدُودٍ ۳۰ وَمَاءٍ مَّسْكُوبٍ ۳۱ وَفَكَهْفَةٍ كَثِيرَةٍ ۳۲  
لَا مَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ ۳۳

“Ўнг томон эгалари – ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (Улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйиқ соя (ости)да, оқизиб қўйилган сув (бўйи)да, кўплаб мева (узра)ки, (улар) туганмас ва ман этилмасдир”<sup>103</sup>.

فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ۲۲ قُطُوفُهَا دَانِيَةٌ ۲۳ كُلُوا وَاشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا  
أَسْلَفْتُمْ فِي الْأَيَّامِ الْخَالِيَةِ ۲۴

«Олий жаннатда, мевалари (узиб олувчига) яқиндир. (Жаннат аҳлига): “Ўтган кунларда (дунёда) қилиб ўтган (эзгу) амалларингиз сабабли (ушбу ноз-неъматларни) ёқимли иштаҳа билан еб-ичаверингиз!” (дейилур)»<sup>104</sup>.

Молик ибн Саъсаъа (розияллоҳу анху) Мерож қиссасини баён қилиб, бундай деди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Мен учун Сидратул мунтаҳо кўтарилди. У мевалар солиб қўйилган кўзага ўхшайди, барглари фил қулоғидек. Ичида тўртта дарё бўлиб, иккитаси яширин, иккитаси очиқ. Жаброилдан у дарёлар ҳақида сўрадим. У зот: “Иккита яширин дарё жаннатда, иккита очиқ дарё Нил ва Фуротдир”, деди”<sup>105</sup>.

Абу Саид (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатда шундай дарахт борки, уни ўргатилган

<sup>103</sup> Воқеа сураси, 27–33-оятлар.

<sup>104</sup> Ҳоққа сураси, 22–24-оятлар.

<sup>105</sup> Муттафақун алайҳ.

чопағон ёки учар отда юз йил юрса ҳам, босиб ўтиб бўлмайди”, дедилар”<sup>106</sup>.

Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатдаги мавжуд дарахтларнинг танаси тилладандир”, дедилар”<sup>107</sup>.

### Жаннат дарёларининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا  
الْأَنْهَارُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ ﴿١١﴾

“Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларга остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар бордир. Бу эса катта ютуқдир”<sup>108</sup>.

مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعِدَ الْمُتَّقُونَ فِيهَا أَنْهَارٌ مِنْ مَاءٍ غَيْرِ ءَاسِنٍ وَأَنْهَارٌ مِنْ  
لَبَنٍ لَمْ يَنْغَيِّرْ طَعْمَهُ، وَأَنْهَارٌ مِنْ خَمْرٍ لَذَّةٍ لِلشَّارِبِينَ وَأَنْهَارٌ مِنْ عَسَلٍ  
مُصَفًّى وَهُمْ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَمَغْفِرَةٌ مِنْ رَبِّهِمْ كَمَنْ هُوَ خَالِدٌ فِي  
النَّارِ وَسُقُوا مَاءً حَمِيمًا فَقَطَّعَ أَمْعَاءَهُمْ ﴿١٥﴾

“Тақволи зотлар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (сифати будир): Унда айнимас сувдан иборат анҳорлар ҳам, таъми ўзгармас сутдан иборат анҳорлар ҳам, ичувчилар учун лаззатли (ақлдан оздирмайдиган) майдан бўлмиш

<sup>106</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>107</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>108</sup> Буруж сураси, 11-оят.

**анҳорлар ҳам ва мусаффо асалдан иборат анҳорлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва (у жойда) Парвардигорлари (томони)дан мағфират бордир. (Ана шундай зотлар) дўзахда мангу қоладиган ва қайноқ сув билан суғорилганда ичакларини тилка-пора қилиб ташлайдиган (кофир)лар каби бўлурмилар?!<sup>109</sup>**

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ وَنَهْرٍ ﴿٥٤﴾ فِي مَقْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيكٍ مُّقْنَدٍ ﴿٥٥﴾

**“Албатта, тақводорлар (жаннатдаги) боғларда ва дарёлар узрадирлар. (Улар) қудратли подшоҳнинг (Аллоҳнинг) ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар”<sup>110</sup>.**

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатда кетаётган эдим, икки чеккаси дурлар билан кўтарилган дарёга дуч келдим. “Эй Жаброил, бу нима?” деб сўрадим. Жаброил: “Бу Раббингиз сизга берган Кавсар бўлиб, унинг ҳиди ёки<sup>111</sup> тупроғи хушбўй мушқдандир” деди”<sup>112</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Сайҳон, Жайҳон, Фурот ва Нил жаннат дарёларидандир”, дедилар”<sup>113</sup>.

<sup>109</sup> Муҳаммад сураси, 15-оят.

<sup>110</sup> Қамар сураси, 54–55-оятлар.

<sup>111</sup> Ровийдан шак бўлгани боис шу лафз билан келган.

<sup>112</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>113</sup> Имом Муслим ривояти.

## Жаннат булоқларининг сифати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿٤٥﴾

“Тақводорлар эса, албатта, (жаннатдаги) боғлар ва булоқлардадирлар”<sup>114</sup>.

إِنَّ الْأَبْرَارَ يَشْرَبُونَ مِنْ كَأْسٍ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا ﴿٥﴾  
عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا عِبَادُ اللَّهِ يُفَجِّرُونَهَا تَفْجِيرًا ﴿٦﴾

“Албатта, яхши (солиҳ киши)лар (жаннатда) мизожи кофур (ўсимлигидек хушбўй) бўлмиш қадахдан (май) ичурлар. Аллоҳнинг бандалари (жаннатда) ичадиган (бу) чашмани (ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб (оқизиб) олурлар”<sup>115</sup>.

﴿٢٨﴾ وَمِزَاجُهُ مِنْ تَسْنِيمٍ ﴿٢٧﴾ عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا الْمُقَرَّبُونَ ﴿٢٨﴾

“У (май)нинг мизожи юқори навдандир. (У навнинг номи «тасним» бўлиб, у Аллоҳга) яқин (банда)лар ичадиган бир чашмадир”<sup>116</sup>.

﴿٥٠﴾ فِيهِمَا عَيْنَانِ تَجْرِيَانِ ﴿٥٠﴾

“У иккисида икки оқин чашма бордир”<sup>117</sup>.

﴿١٦﴾ فِيهِمَا عَيْنَانِ نَضَّاخَتَانِ ﴿١٦﴾

<sup>114</sup> Ҳижр сураси, 45-оят.

<sup>115</sup> Инсон сураси, 5–6-оятлар.

<sup>116</sup> Мутаффифун сураси, 27–28-оятлар.

<sup>117</sup> Ар-Раҳмон сураси, 50-оят.

“У иккисида (суви) тинмай отилиб турувчи икки чашма бордир”<sup>118</sup>.

﴿١٧﴾ عَيْنَا فِيهَا تُسَمَّى سَلْسَبِيلًا ﴿١٨﴾

“(Жаннат аҳли) у жойда мизожи занжабил бўлмиш қадаҳларда (май) ичирилур. У ердаги чашманинг номи «Салсабил» деб аталур”<sup>119</sup>.

### Жаннат аҳли аёлларининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ أُوذِيَكُمْ بِخَيْرٍ مِّنْ ذَٰلِكُمْ ۖ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُّطَهَّرَةٌ وَرِضْوَانٌ مِّنَ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ ﴿١٥﴾ الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا إِنَّا أَمْنَا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿١٦﴾ الصَّٰدِقِينَ وَالصَّٰدِقَاتِ وَالْقٰنِتِينَ وَالْمُنْفِقِينَ وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالْأَسْحَارِ ﴿١٧﴾

“Айтинг (эй Мухаммад!): «Сизларга булардан ҳам яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми? Тақводор кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий яшаладиган боғлар (жаннат боғлари), пок хотинлар ва Аллоҳ тарафидан ризолик (мўминлар учун улуғ неъмат – ризвон) бор. Аллоҳ бандаларни кўриб (кузатиб) турувчидир». (Улар дунёда): «Ё Раббимиз, бизлар Сенга имон келтирганмиз.

<sup>118</sup> Ар-Раҳмон сураси, 66-оят.

<sup>119</sup> Инсон сураси, 17–18-оятлар.

**Бас, бизнинг гуноҳларимизни кечир ва бизни дўзах азобидан асра!» – деб (Аллоҳга илтижо қилар) эдилар. (Улар) сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли ва саҳар чоғларида Аллоҳдан мағфират сўрайдиган кишилар эди”<sup>120</sup>.**

إِنَّا أَنشَأْنَهُنَّ إِنشَاءً ﴿٣٥﴾ فَجَعَلْنَهُنَّ أَبْكَارًا ﴿٣٦﴾ عُرُبًا أَتْرَابًا ﴿٣٧﴾ لِأَصْحَابِ  
الْيَمِينِ ﴿٣٨﴾ ثَلَاثَةٌ مِّنَ الْأُولَىٰ ﴿٣٩﴾ وَثَلَاثَةٌ مِّنَ الْآخِرِينَ ﴿٤٠﴾

**“Биз уларни (хур қизларни) дафъатан пайдо қилдик (онадан туғилмадилар). Кейин уларни бокира қизлар қилдик. (Улар) жозибали ва тенгқурдирлар. (Улар) ўнг томон эгалари учундир. (Ўнг томон эгалари) аввалги (уммат)лардан ҳам кўпчилик, кейингилардан (Муҳаммад умматларидан) ҳам кўпчиликдир”<sup>121</sup>.**

وَحُورٌ عِينٌ ﴿٢٢﴾ كَأَمْثَلِ اللَّوْلُؤِ الْمَكْنُونِ ﴿٢٣﴾ جَزَاءً لِّمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾

**“Яна (улар учун) оппоқ юзли катта ва чиройли кўзли хур қизлар ҳам бўлурки, улар худди (пардага) ўралган дурлар кабидирлар. (Бу) улар (дунёда) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир”<sup>122</sup>.**

فِيهِنَّ قَصِيرَاتٌ الْظَّرْفِ لَمْ يَطْمِئِنَّ إِنْسٌ قَبْلَهُمْ وَلَا جَانٌّ ﴿٥٦﴾  
فِي آيَةِ الْآلَاءِ رَيْبِكُمْ تُكْذِبَانِ ﴿٥٧﴾ كَأَنَّهُنَّ الْيَاقُوتُ وَالْمَرْجَانُ ﴿٥٨﴾

**“У (жаннат)ларда шундай кўзларини (бегона эркаклардан) тиювчи (хур қиз)лар борки, уларга илгари на инсон ва на жинлар теккан.**

<sup>120</sup> Оли Имрон 15–17-оятлар.

<sup>121</sup> Воқеа сураси, 35–40-оятлар.

<sup>122</sup> Воқеа сураси, 22–24-оятлар.



**Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?! Улар(нинг баданлари тиниқлик ва силлиқликда) гўёки ёқут ва маржондирлар”<sup>123</sup>.**

فِيهِنَّ حَيْرَاتٌ حِسَانٌ ﴿٧٠﴾ فَبِأَيِّ آءَاءِ رَبِّكُمَا تُكذِّبَانِ ﴿٧١﴾ حُورٌ  
مَّقْصُورَاتٌ فِي الْخِيَامِ ﴿٧٢﴾ فَبِأَيِّ آءَاءِ رَبِّكُمَا تُكذِّبَانِ ﴿٧٣﴾

**“У (жаннат)ларда хушхулқ ва ҳусндор (хур қиз)лар бордир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?! (Улар) чодирларда асралувчи ҳурлардир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!”<sup>124</sup>**

Анас ибн Молик (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Кечаси ёки кундузи Аллоҳ йўлида бир соат юриш дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқ. Бирингизнинг камон ёки қамчисининг жаннатдаги ўрни дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқ. Агар жаннат аёлларидан бири ерга боқса, ер ва осмон оралиғини ёритиб юборади. Ерни хушбўй ҳид билан тўлдиради. Унинг бошидаги рўмоли дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир”<sup>125</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатга энг олдин кирувчи гуруҳлар Бадр кечасидаги тўлин ой каби киради. Кейингилар эса осмондаги ёрқин юлдуз сингари киради. (Жаннатда) ҳар бир кишининг иккитадан аёли бўлиб, уларнинг

<sup>123</sup> Ар-Раҳмон сураси, 56–58-оятлар.

<sup>124</sup> Ар-Раҳмон сураси, 70–73-оятлар.

<sup>125</sup> Муттафақун алайҳ.

болдир иликлари гўштарининг ичидан кўринади. Жаннатда бўйдоқ инсон бўлмайди” дедилар”<sup>126</sup>.

### **Жаннат атирлари ва ҳидлари**

Жаннатдаги атр ва хушбўй ҳидлар жаннат аҳли даражаларининг баланд-пастлиги билан фарқ қилади.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатга энг олдин кирувчилар Бадр кечасидаги тўлин ой каби кирадилар. Улардан кейингилар осмондаги энг ёруғ юлдуз сингари кирадилар. Улар ҳожат чиқармайдилар, тупурмайдилар, бурун қоқмайдилар. Тароқлари тиллодан, терлари мушк, оловдон (тутатқи солинадиган идиш)лари хушбўй ёғочдан, жуфтлари ҳурлардан. Осмонда (яъни, узунликда) оталари Одам (алайҳиссалом) кўринишида олтмиш зиро бўлиб, бир хил хулқли бўлишади”<sup>127</sup>.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким аҳдлашган кишини ўлдирса, жаннат исини ҳидламайди. Зеро, жаннат бўйи қирқ йиллик масофадан келиб туради”, дедилар”<sup>128</sup>.

Бошқа лафзда бундай дейилган: “Унинг ҳиди етмиш йиллик масофадан таралиб туради”<sup>129</sup>.

### **Жаннат аҳли аёлларининг тароналари**

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннат аҳли аёллари ўз жуфти ҳалоллари (эрлари) учун ҳеч ким эшитмаган энг

<sup>126</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>127</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>128</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>129</sup> Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти.

чиroyли овоз билан куйлашади. Жумладан, бундай куйлашади:

*“Бизлар хушхулқ, гўзал юзли аёллармиз,  
Улуғ зотлар учун жуфти ҳалоллармиз.  
Қувнатувчи кўзлар-ла боқиб турувчилармиз...”*

Яна:

*“Бизлар барҳаётмиз, ҳаргиз ўлмаймиз,  
Бизлар хотиржаммиз, ҳаргиз қўрқмаймиз.  
Бизлар шу ерликмиз, кетиб қолмасмиз”,* деб куйлашади”<sup>130</sup>.

### Жаннат аҳлининг қўшилишлари

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

إِنَّ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ الْيَوْمَ فِي شُغْلٍ فَكِهِونَ ﴿٥٥﴾ هُمْ وَأَزْوَاجُهُمْ فِي ظِلِّلٍ عَلَى الْأَرَآئِكِ مُتَكِفُونَ ﴿٥٦﴾

**“Албатта, жаннат аҳли у кунда (роҳат ва фароғат) иш(лари) билан шоддирлар. Улар ўз жуфтлари (хотинлари) билан бирга сояларда, сўриларда суяниб ўтирурлар”<sup>131</sup>.**

Зайд ибн Арқам (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннат аҳлига ейишда, ичишда, шаҳват ва қўшилишда юзта инсон қуввати берилади”, дедилар. Бир яҳудий сўради: “Еган ва ичган одам ҳожатга эҳтиёж сезади-ку?” У зот: “(У ерда) сизларнинг ҳожатингиз баданингиздан чиққан тер билан бўлади. Ҳожати тер ила чиққанида қорнида озғинлик бўлади

<sup>130</sup> Имом Табаронийнинг “Авсат” китобида келтирилган.

<sup>131</sup> Ёсин сураси, 55–56-оятлар.

(яъни, овқат ҳазм бўлиб, қорни кичрайганини биллади)”, деб жавоб қилдилар”<sup>132</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-дан: “Жаннатда аёлларимизга етишамизми (яъни, қўшилаемизми?)”, деб сўрашди. У зот дедилар: “Киши бир кунда юзта бокирага етишишга қодир бўлади”<sup>133</sup>.

### Жаннатда бола кўриш

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин жаннатда фарзанд кўришни хоҳласа, унинг ҳомиласи ҳам, туғилиши ҳам, ёши ҳам бир соат (лаҳза)да ўзи истаганидек бўлади” дедилар”<sup>134</sup>.

### Жаннат аҳли неъматларининг давомийлиги

Жаннатийлар жаннатга кирганида фаришталар уларни кутиб олишади ва уларга илгари эшитилмаган жаннат неъматлари ва у ерда абадий қолиш башоратини беришади.

Аллоҳ таоло айтади:

مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ أُكُلُهَا  
دَائِمٌ وَظِلُّهَا تِلْكَ عُقْبَى الَّذِينَ اتَّقَوْا وَعُقْبَى الْكَافِرِينَ  
النَّارُ

“Тақволилар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо)

<sup>132</sup> Имом Табароний ва Имом Доримий ривояти.

<sup>133</sup> Имом Табаронийнинг “Авсат” китобида ва Абу Наимнинг “Жаннат сифати” асарида келтирилган.

<sup>134</sup> Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти.

**жорий, мевалари ва соялари боқийдир. Бу тақво қилганларнинг оқибати (мукофоти)дир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир”<sup>135</sup>.**

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳнинг бир жарчиси: “Албатта, сизлар соғломсизлар, ҳеч қачон касал бўлмайсизлар. Сизлар тириксизлар, ҳеч қачон ўлмайсизлар. Сизлар ўспиринсизлар, ҳеч қачон қаримайсизлар. Сизлар неъматдасизлар, ҳеч қачон умидсиз бўлмайсизлар”, деб нидо қилади”<sup>136</sup>.

Қуйидаги ояти карима буни тасдиқлайди:

وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِّنْ غَلِيٍّ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهِمُ الْأَنْهَارُ وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَانَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا أَنْ هَدَانَا اللَّهُ لَقَدْ جَاءَتْ رَسُولَنَا بِالْحَقِّ وَنُودُوا أَنْ تِلْكَمُ الْجَنَّةُ أَوْرَثْتُمُوهَا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾

«Дилларидаги (ўзаро) адоват (тўйғулари)ни суғуриб ташлаймиз. Остиларидан анҳорлар оқажак. (Шунда) айтурларки: “Ушбу (ҳидоят)га бизни бошлаган Аллоҳга ҳамд (айтамиз). Агар бизни (Ўзи) бошламаганида, тўғри йўлни топа олмаган бўлур эдик. Раббимизнинг пайғамбарлари ҳақиқатни келтирган эканлар”. Уларга нидо қилинурки: “Мана шу – жаннат. Қилган (савобли) амалларингиз сабабли у сизларга мерос қилиб берилди”».

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан:

<sup>135</sup> Раъд сураси, 35-оят.

<sup>136</sup> Имом Муслим ривояти.

“Жаннат аҳли ухлайдими?” деб сўралди. У зот дедилар: “(Жаннатда) ўлимнинг укаси бўлган уйқу йўқдир”<sup>137</sup>.

### Жаннат даражалари

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

أَنْظَرَ كَيْفَ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ ۗ وَلِلْآخِرَةِ أَكْبَرُ دَرَجَاتٍ  
وَأَكْبَرُ تَفْضِيلًا ﴿١١﴾

“(Бу дунёда) уларнинг бирларидан бирларини (ризқ ва мартабада) қандай устун қилганимизни кўринг! Шак йўқки, охирад даражалари каттароқ ва афзалроқдир”<sup>138</sup>.

وَمَنْ يَأْتِهِ مُؤْمِنًا قَدْ عَمِلَ الصَّالِحَاتِ فَأُولَٰئِكَ لَهُمُ الدَّرَجَاتُ الْعُلَىٰ  
جَنَّاتٍ عَدْنٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ۗ وَذَٰلِكَ جَزَاءُ مَنْ  
تَزَكَّىٰ ﴿٧٦﴾

“Шунингдек, кимки у зотга (Аллоҳ хузурига) яхши амалларни қилиб, мўмин ҳолида келса, бас, ана ўшалар учун юксак даражалар, остидан анҳорлар оқадиган, улар доимий қоладиган мангулик жаннатлари бўлур. Бу (ширк ва куфрдан) пок бўлган кишиларнинг мукофотидир!”<sup>139</sup>

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ ﴿١٠﴾ أُولَٰئِكَ الْمُقَرَّبُونَ ﴿١١﴾ فِي جَنَّاتٍ النَّعِيمِ  
﴿١٢﴾ ثَلَاثَةٌ مِنَ الْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾ وَقَلِيلٌ مِنَ الْآخِرِينَ ﴿١٤﴾

<sup>137</sup> Имом Баззор ривояти.

<sup>138</sup> Исро сураси, 21-оят.

<sup>139</sup> Тоҳо сураси, 75–76-оятлар.

“Учинчи тоифа эзгу ишларда) **ўзиб-ўзиб кетган зотлардир. Айнан ўшалар** (Аллоҳга) **яқин зотлардир ноз-неъмат боғларида.** (Ўзиб кетганлар) **аввалги** (уммат)лардан **кўпчилик, кейингилар** (Муҳаммад умматлари)дан **эса озчиликдир**”<sup>140</sup>.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга ва Унинг элчисига имон келтирса, намоз ўқиса, рўза тутса, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилса ёки (Макка фатҳидан кейин ҳижрат йўқлиги сабабли) туғилган жойида ўтирса, уни жаннатга киритиш Аллоҳнинг зиммасидадир”, дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, одамларга бу ҳақда хабар берайликми?” деб сўрашди. У зот: “Жаннатда юзта даража бўлиб, Аллоҳ уларни ўз йўлида жидду жаҳд килувчиларга тайёрлаб қўйган. Ҳар бир даража ўртаси осмон билан ер оралиғичадир. Аллоҳдан сўрасангиз, Фирдавс жаннатини сўранглар. Чунки у жаннатнинг ўртаси ва олийсидир”. Яна: “Фирдавс жаннати устида Раҳмоннинг Арши бор, Фирдавсдан жаннат булоқлари отилиб чиқади”, деганларини ҳам эшитдим”<sup>141</sup>.

### Жаннатда мўминлар зурриётининг ҳолати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَاتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُمْ بِإِيمَانٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَمَا أَلْتَنَّهُمْ مِّنْ عَمَلِهِمْ شَيْءٌ ۚ كُلُّ امْرِئٍ بِمَا كَسَبَ رَهِيْنٌ ﴿١١﴾

“Ўзлари имон келтириб, зурриётлари ҳам уларга имон билан эргашган зотларга (ўша) зурриётларини ҳам қўшамиз. Уларга қилган амалларидан бирор

<sup>140</sup> Тоҳо сураси, 75–76-оятлар.

<sup>141</sup> Воқеа сураси, 10–14-оятлар.

**нарсани камайтирмаймиз. Ҳар бир кимса ўзи қилган иши билан гаровлангандир”<sup>142</sup>.**

Яъни, аждодлар дунёдан имон ва эзгу амаллар билан ўтиб, охиратда юксак даражаларга эришсалар, уларга фарзандлари ҳам имон ила эргашсалар-у, аммо ота-боболарига муяссар бўлган баланд мақомларга кўтарила олмасалар-да, Аллоҳ уларни ҳам ота-боболарига қўшиб, барчаларига Ўзи ваъда қилган жаннатдан жой ато этади. Лекин фарзандлари сабабли ота-боболарнинг ажр-мукофотлари заррача камайтирилмайди. Чунки ҳар бир жон ўзи қилган ишига жавобгардир.

Шу ўринда фарзанд тарбиясига биров тўхталамиз. Ҳар бир ота-она фарзандининг солиҳ бўлишини хоҳлайди. Бунинг учун қай йўсинда тарбиялаш керак? Аллоҳ таоло Каломида Луқмони Ҳақимнинг фарзандига қилган насиҳатларини ибрат тариқасида келтирган. Ушбу насиҳатларга қулоқ тутиб, дастлаб ўзимиз амал қилайлик. Кейин фарзандларимизни ҳам шу насиҳатлар асосида тарбиялайлик. Шунда иншоаллоҳ, фарзандларимиз солиҳ инсон бўлиб вояга етади. Луқмони Ҳақим бундай насиҳат қилганлар:

1. Эй фарзандим, Парвардигорингизни танинг, У Зотга бирор нарсани ва ҳеч кимсани шерик қилманг.

2. Эй фарзандим, қаерда бўлсангиз ва нима қилсангиз ҳам, Аллоҳ кўриб туришини ёдингиздан чиқарманг.

3. Эй фарзандим, Аллоҳ фарз қилган намозларни ўқинг.

4. Одамларни яхшиликка буюринг.

5. Кишиларни ёмонликдан қайтаринг.

6. Одамларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришингиз пайтида сизга етадиган азиятларга сабр қилинг.

---

<sup>142</sup> Имом Бухорий ривояти.



7. Кибрга берилиб, одамлардан юз ўгирманг (ўзингизни юқори тутманг).

8. Ерда кибру ҳаво билан юрманг. Чунки Аллоҳ кибрли одамларни суймас.

9. Юрганда ўртача юринг.

10. Одамларга овозингизни баланд кўтарманг.

Яна бир отанинг фарзандига қилган насиҳатларини ҳам келтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Эй фарзандим, сенда илм бўлмаса, дунё ва охиратда қадринг қолмайди.

2. Эй фарзандим, юмшоқ табиатли бўлмасанг, илминг сенга фойда бермайди.

3. Эй фарзандим, сахий бўлмасанг, молинг сенга наф бермайди.

4. Эй фарзандим, инсонларга меҳрибон бўлмасанг, Аллоҳ сенга раҳм қилмайди.

5. Эй фарзандим, сабр-қаноатли бўлмасанг, мақсад қилган ишларингга эришолмайсан.

6. Эй фарзандим, тақволи бўлмасанг, Аллоҳ ҳузурида мавқеинг қолмайди.

7. Эй фарзандим, айтган ушбу насиҳатларимга амал қилмасанг, сенга жаннатдан жой берилмайди.

Аллоҳ таоло барча зурриётларимизни солиҳлардан қилсин. Омин!

### Жаннат соясининг сифати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَنُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي  
مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ۖ لَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُّطَهَّرَةٌ  
وَنُدْخِلُهُمْ ظِلًّا ظَلِيلًا



“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларни эса абадий яшаладиган, остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар (жаннат)га киритурмиз. Улар учун у ерда покиза жуфтлар бор ва уларни қалин сояларга киритурмиз”<sup>143</sup>.

وَأَصْحَابُ الْيَمِينِ مَا أَصْحَابُ الْيَمِينِ ﴿٢٧﴾ فِي سِدْرٍ مَّخْضُودٍ ﴿٢٨﴾ وَطَلْحٍ  
مَنْضُودٍ ﴿٢٩﴾ وَظِلِّ مَمْدُودٍ ﴿٣٠﴾

“Ўнг томон эгалари – ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (Улар) тикансиз бута-зорларда, тизилган бананзорларда, ёйиқ соя (ости)да”<sup>144</sup>.

مُتَّكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرْبَابِ ۗ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمْهَرِيرًا ﴿١٣﴾ وَدَانِيَةً  
عَلَيْهِمْ ظِلَالُهَا وَذُلَّتْ فُطُوفُهَا نَذِيلًا ﴿١٤﴾

“Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. У жойда қуёш (ҳарорати)ни ҳам, замҳарир (қиш совуғи)ни ҳам кўрмаслар. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узишга осон бўлиши учун) эгиб қўйилган бўлур”<sup>145</sup>.

مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ ۗ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ۗ أُكُلُهَا دَائِمٌ  
وَظِلُّهَا تِلْكَ عُقْبَى الَّذِينَ اتَّقَوْا وَعُقْبَى الْكَافِرِينَ النَّارُ ﴿٣٥﴾

“Тақволилар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо) жорий, мевалари ва соялари боқийдир. Бу

<sup>143</sup> Нисо сураси, 57-оят.

<sup>144</sup> Воқеа сураси, 27–30-оятлар.

<sup>145</sup> Инсон сураси, 13–14-оятлар.

тақво қилганларнинг оқибати (мукофоти)дир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир”<sup>146</sup>.

### Жаннатнинг олийлиги ва кенглиги

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاعِمَةٌ ﴿٨﴾ لِسَعِيهَا رَاضِيَةٌ ﴿٩﴾ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ﴿١٠﴾ لَا تَسْمَعُ فِيهَا لَغِيَةً ﴿١١﴾

“(Бошқа бир) юзлар эса у кунда (неъматлардан) мамнун, (дунёда қилган) саъй-ҳаракатларидан розидир. (Улар) олий жаннатдадирлар. У жойда беҳуда сўз эшитмаслар”<sup>147</sup>.

وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ  
وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ ﴿١٣٣﴾

“Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилигиз!”<sup>148</sup>.

سَابِقُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ السَّمَاءِ  
وَالْأَرْضِ أُعِدَّتْ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ ۗ ذَٰلِكَ فَضْلُ اللَّهِ  
يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ ۗ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٢١﴾

“(Эй инсонлар!) Раббингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда Аллоҳ ва Унинг пай-

<sup>146</sup> Раъд сураси, 35-оят.

<sup>147</sup> Гошия сураси, 8-11-оятлар.

<sup>148</sup> Оли Имрон сураси, 133-оят.

**ғамбарларига имон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва Ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилингиз! Бу Аллоҳнинг фазли бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуг фазл соҳибидир”<sup>149</sup>.**

### **Жаннатдаги олий мақом**

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: “Қачон муаззин азон айтаётганини эшитсангиз, у айтаётган (калима)ларни айтинглар (яъни, қайтариб туринглар), сўнг менга салавот йўлланглар. Ким менга бир салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта салавот йўллайди. Кейин мен учун василани сўрангиз. Чунки у жаннатдаги олий мақом бўлиб, Аллоҳнинг бандаларидан бирига насиб этади. Ўша банда мен бўлишимни умид қиламан. Ким менга васила сўраса, унга шафоатим вожиб бўлади”<sup>150</sup>.

Азон айтилгач, ушбу дуони ўқиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га васила сўраш керак: “Аллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит таммаҳ, вассолатил қоимаҳ, ати Муҳаммаданил василата вал фазилах, вабъасху мақомам маҳмуданиллазий ваъаттах”<sup>151</sup>.

### **Жаннат аҳлларининг энг олий ва энг паст даражаси**

Муғира ибн Шўба (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: Мусо (алайҳиссалом) Парвардигоридан:

---

<sup>149</sup> Ҳадид сураси, 21-оят.

<sup>150</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>151</sup> Имом Бухорий ривояти.

“Жаннат аҳлининг энг паст даражаси қайси?”, деб сўрадилар. У зот: “Жаннат аҳллари жаннатга кириб бўлганидан кейин келган кишидир”, деб жавоб қилди. Унга: “Жаннатга кир!” дейилади. У: “Ё Раббим, қандай қираман, одамлар жой-жойларига кириб, улушларини олиб бўлишди-ку”, дейди. Шунда унга: “Дунё подшоҳларидан бирининг мулкича улуш бўлишига розимисан?” деб айтилади. У: “Ё Раббим, розиман”, дейди. “Сенга шуларнинг тўрт баробарича бўлсин” дейилади. У одам бешинчи (марта)да: “Ё Раббим, розиман”, дейди. “Сенга ўн баравар мислича, нафсинг хоҳлаганича ва кўзинг қувонганича бўлсин”, дейилса, у: “Ё Раббим, розиман”, дейди. Мусо (алайҳиссалом): “Уларнинг энг олий даражаси қайси?” деб сўрадилар. У зот: “Уларни Ўзим хоҳладим (танладим), уларнинг қадр-қимматини Ўзим экдим (белгиладим) ва шунга тугатдимки, улар кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон хаёлига келмаган неъматлардир”. Сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бунинг тасдиғи Аллоҳ таолонинг Китобида”, деб:

﴿١٧﴾ فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

“Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот учун яшириб қўйилган кўзлар қувончини (охират неъматларини) ҳеч ким билмас”<sup>152</sup>, оятини ўқидилар<sup>153</sup>.

Бошқа ривоятда жаннат аҳлининг энг паст даражалисига: “Сенга дунё мислича ва бундан ташқари ўн баравар улуш бўлсин” дейилган<sup>154</sup>.

<sup>152</sup> Сажда сураси, 17-оят.

<sup>153</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>154</sup> Муттафақун алайҳ.

## Жаннат аҳли неъматларининг улуғлиги

Аллоҳ таоло айтади:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا  
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَمَسْكَنٍ طَيِّبَةٍ فِي جَنَّاتٍ عَدْنٍ  
وَرِضْوَانٍ مِّنَ اللَّهِ أَكْبَرُ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٧٢﴾

“Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшаладиган жаннат (боғ)ларидаги ёқимли масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг ризоси эса, (ҳаммасидан) буюкроқдир. Ана шу(лар) улкан ютуқдир”<sup>155</sup>.

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾

“У кунда баъзи юзлар яшнаб турувчи, Парвардигорларига боқувчидир”<sup>156</sup>.

Жаннат аҳлига Парвардигорнинг дийдорига етишдан суюклироқ мукофот йўқ. Шунинг учун улар Яратганга боққанларида юзлари янада яшнаб, нурли бўлиши табиий ҳол. Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида келган ушбу ҳадиси шариф ҳам мазкур ояти кариманинг мазмунини таъкидлайди: “Албатта, сизлар яқинда Парвардигорингизни худди ана шу тўлин ойни кўриб турганингиздек, очиқ-аён кўрасизлар”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Одамлар: “Ё Расулulloҳ, қиёматда Раббимизни кўрамизми?” деб сўрашди. Расулulloҳ

<sup>155</sup> Тавба сураси, 72-оят.

<sup>156</sup> Қиёмат сураси, 22–23-оятлар.

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Тўлин кечада ойни кўришда қийналасизларми?” Улар: “Йўқ, ё Расулуллоҳ”, деб жавоб қилишди. “Булутсиз кунда куёшни кўришга қийналасизларми?” Яна улар: “Йўқ, ё Расулуллоҳ”, дейишди. Шунда у зот: “Сизлар Раббингизни ана шундай тиниқ ҳолда кўрасизлар”, деб айтдилар”<sup>157</sup>.

Суҳайб (розияллоҳу анҳу)дан келтирилган ривоятда: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Жаннат аҳли жаннатга киргач, Аллоҳ таоло: “Яна сизларга бирор нарса зиёда қилишимни хоҳлайсизларми?” дейди. Шунда жаннат аҳли: “Юзларимизни оқартирмадингми, жаннатга киргизмадингми ва дўзахдан озод қилмадингми (яъни, шу неъматларинг камми?!) деб турганларида парда очилади. Уларга Аллоҳ азза ва жаллага қарашдан суюклироқ нарса берилмади”<sup>158</sup>.

### Жаннат неъматларининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

يَعْبَادِ لَا خَوْفٌ عَلَيْكُمُ الْيَوْمَ وَلَا أَنْتُمْ تَحْزَنُونَ ﴿٦٨﴾ الَّذِينَ  
 ءَامَنُوا بِآيَاتِنَا وَكَانُوا مُسْلِمِينَ ﴿٦٩﴾ أَدْخُلُوا الْجَنَّةَ أَنْتُمْ  
 وَأَزْوَاجُكُمْ تُحْبَرُونَ ﴿٧٠﴾ يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِصِحَافٍ مِّنْ ذَهَبٍ  
 وَأَكْوَابٍ ۖ وَفِيهَا مَا تَشْتَهِيهِ الْأَنْفُسُ وَتَلَذُّ الْأَعْيُنُ ۗ وَأَنْتُمْ  
 فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٧١﴾ وَتِلْكَ الْجَنَّةُ الَّتِي أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنْتُمْ  
 تَعْمَلُونَ ﴿٧٢﴾ لَكُمْ فِيهَا فَاكِهَةٌ كَثِيرَةٌ مِّنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٧٣﴾

<sup>157</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>158</sup> Имом Муслим ривояти.

“У кунда тақво аҳлига айтилуру:) «Эй бандаларим! Бугун сизларга хавф йўқдир ва сизлар асло ғам чекмайсиз. (Сизлар дунёда) оятларимизга имон келтирган ва мусулмон бўлгансиз. Ўзингиз ҳам, хотинларингиз ҳам мамнунлик ҳолларингизда жаннатга кириңгиз!» Уларга олтин лаганлар(да таомлар) ва қадаҳлар(да шароблар) айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда (жаннатда) мангу қолурсиз. Қилиб ўтган амалларингиз учун сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир. Сизлар учун у жойда кўплаб мева(лар) бўлиб, сизлар улардан егайсиз”<sup>159</sup>.

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي مَقَامٍ أَمِينٍ ﴿٥١﴾ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿٥٢﴾  
 يَلْبَسُونَ مِنْ سُنْدُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُتَقَابِلِينَ ﴿٥٣﴾ كَذَلِكَ  
 وَزَوَّجْنَاهُمْ بِحُورٍ عِينٍ ﴿٥٤﴾ يَدْعُونَ فِيهَا بِكُلِّ فَاكِهَةٍ  
 آمِنِينَ ﴿٥٥﴾ لَا يَذُقُونَ فِيهَا الْمَوْتَ إِلَّا الْمَوْتَةَ  
 الْأُولَىٰ ۗ وَوَقَّعَهُمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ ﴿٥٦﴾

“Албатта, тақволи зотлар (у кунда) осойишта жойда – боғлар ва чашмалар устида бўлурлар. Улар бир-бирларига юзма-юз бўлган ҳолда, қалин ва юпқа шойидан либослар кюрлар. Мана шундай! Яна, Биз уларга оппоқ юзли катта ва чиройли кўзли ҳур қизларни жуфт қилиб берурмиз. Улар у жойда хотиржам бўлган ҳолларида ҳар турли мевани чорлагайлар. Улар (жаннатда) биринчи (дунёдаги) ўлимдан бошқа

<sup>159</sup> Зухруф сураси, 68–73-оятлар.



ўлимни тотмаслар. (Аллоҳ) уларни дўзах азобидан сақлагандир”<sup>160</sup>.

وَجَزَلْنَاهُمْ بِمَا صَبَرُوا جَنَّةً وَحَرِيرًا ﴿١٢﴾ مُتَّكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَائِكِ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمْهَرِيرًا ﴿١٣﴾ وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلُّهَا وَذُلَّتْ قُطُوفُهَا نَذِيلًا ﴿١٤﴾ وَيُطَافُ عَلَيْهِم بِبَنَاتٍ مِّنْ فَضَّةٍ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرًا ﴿١٥﴾ قَوَارِيرًا مِّنْ فِضَّةٍ قَدَّرُوهَا تَقْدِيرًا ﴿١٦﴾ وَيُسْقَوْنَ فِيهَا كَأْسًا كَانَ مِزَاجُهَا زَنْجَبِيلًا ﴿١٧﴾ عَيْنًا فِيهَا تُسَمَّى سَلْسَبِيلًا ﴿١٨﴾ وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ إِذَا رَأَيْتَهُمْ حَسِبْتَهُمْ لُؤْلُؤًا مَّنثُورًا ﴿١٩﴾ وَإِذَا رَأَيْتَ ثَمَّ رَأَيْتَ نَعِيمًا وَمَلَكًا كَبِيرًا ﴿٢٠﴾ عَلَيْهِمْ ثِيَابٌ سُدُسٌ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ وَحُلُوعٌ أَسَاوِرٌ مِّنْ فِضَّةٍ وَسَقَمَهُمْ رِيحٌ مِّنْ شَرَابًا طَهُورًا ﴿٢١﴾ إِنَّ هَذَا كَانَ لَكُم جَزَاءً وَكَانَ سَعْيُكُمْ مَّشْكُورًا ﴿٢٢﴾

“Яна сабрлари сабабли уларни жаннат ва (эгниларига) ипак (либослар) билан мукофотлар. Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. У жойда қуёш (ҳарорати)ни ҳам, замҳарир (қиш совуғи)ни ҳам кўрмаслар. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узишга осон бўлиши учун) эгиб қўйилган бўлур. Уларга кумуш идишлар(да таомлар) ва (ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, шаффофликда) шиша бўлиб кетган қадахлар(да шароблар) айлантирилур. Шиша бўлганда ҳам кумушдан, (уларни соқийлар) ўлчаб қўйганлар. (Жаннат аҳли) у жойда мизожи занжабил бўлмиш қадахларда (май) ичирилур. У ердаги чашманинг номи «Салсабил» деб аталур. Уларнинг устида мангу ёш ходимлар (хизмат

<sup>160</sup> Духон сураси, 51–56-оятлар.

қилиб) айланиб турурларки, уларни кўрганингизда сочиб юборилган дурлар деб ўйларсиз. У жойга қараганингизда, ноз-неъматларни ва катта подшоҳликни кўурсиз. Устиларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар қумуш билакузуклар билан безанган бўлурлар ва Парвардигорлари уларга пок шароб ичирур. Албатта, бу сизлар учун мукофот ва сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз (Аллоҳ наздида) мақбулдир”<sup>161</sup>.

وَالسَّيِّقُونَ السَّيِّقُونَ ﴿١٠﴾ أُولَئِكَ الْمُقَرَّبُونَ ﴿١١﴾ فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿١٢﴾ ثَلَاثَةٌ مِنَ الْأُولَىٰ ﴿١٣﴾ وَقَلِيلٌ مِنَ الْآخِرِينَ ﴿١٤﴾ عَلَىٰ سُرُرٍ مَّوْضُونَةٍ ﴿١٥﴾ مُتَّكِنِينَ عَلَيْهَا مُتَقَابِلِينَ ﴿١٦﴾ يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ ﴿١٧﴾ بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقٍ وَكَأْسٍ مِنْ مَعِينٍ ﴿١٨﴾ لَا يُصَدَّعُونَ عَنْهَا وَلَا يُزْفُونَ ﴿١٩﴾ وَفَكَهْفَةٍ مِمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿٢٠﴾ وَلِحَمِطٍ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢١﴾ وَحُورٌ عِينٌ ﴿٢٢﴾ كَأَمْثَلِ اللَّوْلُؤِ الْمَكْنُونِ ﴿٢٣﴾ جَزَاءً لِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾ لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا تَأْتِيهَا إِلَّا قِيلاً سَلَامًا سَلَامًا ﴿٢٥﴾ وَأَصْحَابُ الْيَمِينِ مَا أَصْحَابُ الْيَمِينِ ﴿٢٦﴾ فِي سِدْرٍ مَخْضُودٍ ﴿٢٧﴾ وَطَلْحٍ مَّنْضُودٍ ﴿٢٨﴾ وَظِلِّ مَمْدُودٍ ﴿٢٩﴾ وَمَاءٍ مَّسْكُوبٍ ﴿٣٠﴾ وَفَكَهْفَةٍ كَثِيرَةٍ ﴿٣١﴾ لَا مَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ ﴿٣٢﴾ وَفُرُشٍ مَّرْفُوعَةٍ ﴿٣٣﴾ إِنَّا أَنشَأْنَهُمْ إِنشَاءً ﴿٣٤﴾ فَجَعَلْنَهُمْ أَجْبَارًا ﴿٣٥﴾ عَرَبًا أَرَبًا ﴿٣٦﴾ لِأَصْحَابِ الْيَمِينِ ﴿٣٧﴾ ثَلَاثَةٌ مِنَ الْأُولَىٰ ﴿٣٨﴾ وَثَلَاثَةٌ مِنَ الْآخِرِينَ ﴿٣٩﴾

<sup>161</sup> Инсон сураси, 12-22-оятлар.

“ (Учинчи тоифа эзгу ишларда) **ўзиб-ўзиб кетган зотлардир. Айнан ўшалар (Аллоҳга) яқин зотлардир ноз-неъмат боғларида (Ўзиб кетганлар) аввалги (уммат)лардан кўпчилик, кейингилар (Муҳаммад умматлари)дан эса озчиликдир.** (Улар олтиндан) **ясалган сўриларда, ястанган ҳолларида бир-бирларига юзма-юз бўлиб (ўтирурлар).** Устиларида **эса мангу ёш болалар айланиб (хизматда) юрурлар оқар чашмадан олинган (май тўла) қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан. У (май)лардан уларнинг бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлмаслар. Яна ўзлари танлаб оладиган мева билан, иштаҳалари тортадиган қуш гўштлари билан ҳам (таъминлаб турурлар).** Яна (улар учун) **оппоқ юзли катта ва чиройли кўзли хур қизлар ҳам бўлурки, улар худди (пардага) ўралган дурлар кабидирлар.** (Бу) улар (дунёда) **қилиб ўтган амалларининг мукофотидир. Улар у жойда беҳуда ва гуноҳ (сўз)-ни эшитмаслар, фақат (бир-бирларига айтадиган) «Салом-салом» сўзинигина (эшитурлар).** Ўнг томон эгалари – ўнг томон эгалари (бўлмоқ) **не (саодат)дир! (Улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйиқ соя (ости)да, оқизиб қўйилган сув (бўйи)да, кўплаб мева (узра)ки, (улар) туганмас ва ман этилмасдир. Шунингдек, (улар) баланд тўшалган кўрпачалар (усти)дадирлар. Биз уларни (хур қизларни) дафъатан пайдо қилдик (онадан туғилмадилар).** Кейин уларни бокира қизлар қилдик. (Улар) **жозибали ва тенгқурдирлар.** (Улар) **ўнг томон эгалари учундир.** (Ўнг томон эгалари) **аввалги (уммат)лардан ҳам кўпчилик, кейингилардан (Муҳаммад умматларидан) ҳам кўпчиликдир”<sup>162</sup>.**

<sup>162</sup> Воқеа сураси, 10–40-оятлар.

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳ таоло: “Солиҳ бандаларимга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон хаёлига келмаган неъматларни тайёрлаб қўйдим”, дейди<sup>163</sup>. Тасдиғи Қуръони каримда бундай келади:

﴿١٧﴾ فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

“Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот учун яшириб қўйилган кўзлар қувончини (охират неъматларини) ҳеч ким билмас”<sup>164</sup>.

### Жаннат аҳллариининг сўзлари

Аллоҳ таоло айтади:

وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقَنَا وَعَدَّهُ، وَأَوْرَثَنَا الْأَرْضَ نَبْتُوا  
مِنَ الْجَنَّةِ حَيْثُ نَشَاءُ فَنِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ ﴿٧٤﴾

«Айтурлар: “Бизларга рост ваъда қилган ва бизларни (бу) ерга ворис қилган Аллоҳга ҳамдаки, жаннатдан ўзимиз хоҳлаган ердан ўрин оляпмиз”, дерлар. Бас, (шу дунёда солиҳ) амал қилувчиларнинг (жаннатдаги) мукофоти нақадар яхшидир!»<sup>165</sup>

دَعَوْنَهُمْ فِيهَا سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَتَحِيَّتُهُمْ فِيهَا سَلَامٌ وَعَاخِرُ  
دَعْوَتِهِمْ أَنْ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٠﴾

<sup>163</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>164</sup> Сажда сураси, 17-оят.

<sup>165</sup> Зумар сураси, 74-оят.

“У ердаги дуолари: «Ё Аллоҳ! Сенга тасбеҳ айтамыз» дейиш ва у ердаги сўрашишлари «Салом-алик»дир. Дуоларининг охири эса: «Оламлар Парвардигори – Аллоҳга ҳамд!» дейишдир”<sup>166</sup>.

﴿٢٥﴾ إِلَّا قِيلًا سَلَامًا سَلَامًا ﴿٢٦﴾

“Улар у жойда беҳуда ва гуноҳ (сўз)ни эшитмаслар, фақат (бир-бирларига айтадиган) «Салом-салом» сўзинигина (эшитурлар)”<sup>167</sup>.

### Аллоҳ таолонинг жаннат аҳлига саломи

Аллоҳ таоло айтади:

﴿٤٤﴾ تَحِيَّتُهُمْ يَوْمَ يَلْقَوْنَهُ، سَلَامٌ وَأَعَدَّ لَهُمْ أَجْرًا كَرِيمًا

“Унга (Аллоҳга) рўбарў бўладиган кундаги уларга (Аллоҳнинг) истиқбол сўзи «салом»дир. Улар учун (У) ёқимли мукофот (жаннат)ни тайёрлаб қўйгандир”<sup>168</sup>.

﴿٥٨﴾ سَلَامٌ قَوْلًا مِّن رَّبِّ رَحِيمٍ

“ (Уларга) раҳмли Парвардигор (томони)дан салом (айтилар)”<sup>169</sup>.

Ҳадиси шарифда келишича, жаннат эгалари ўзларига ваъда қилинган ноз-неъматлар ичида, роҳат-фароғатда бўлганларида устларида нур пайдо бўлади. Бошларини кўтариб, “Ассалому алайкум, эй жаннат аҳли”, деб турган Парвардигори оламни кўрурлар.

<sup>166</sup> Юнус сураси, 10-оят.

<sup>167</sup> Воқеа сураси, 25–26-оятлар.

<sup>168</sup> Аҳзоб сураси, 44-оят.

<sup>169</sup> Ёсин сураси, 58- оят.

### **Аллоҳ розилигига эришиш**

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳ жаннат аҳлига хитоб қилиб: “Эй жаннат аҳли!” дейди. Улар: “Лаббайка, ё Раббимиз, яхшиликлар Сенинг измингда”, дейишади. Аллоҳ таоло: “Рози бўлдингизми?” деб сўрайди. Улар: “Ё Раббимиз, нега рози бўлмайлик, ҳолбуки, Сен бизларга бандаларингдан ҳеч кимга бермаган неъматларни бердинг-ку”, деб жавоб қилишади. Аллоҳ айтади: “Бундан ҳам афзалроғини берайми?” Улар: “Ё Раббимиз, бундан нима афзалроқ?” деб сўрашганида, У зот: “Сизларга розилигимни туширдим, сизларга бундан кейин ҳеч ғазаб қилмайман”, дейди”<sup>170</sup>.

### **Жаннатда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг умматлари миқдори**

Аллоҳ Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг умматларини жаннатнинг ярми, кейин учдан икки қисмига кўпайтириш билан икром этди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга чодирда эдик. У зот: “Жаннат аҳлининг тўртдан бири бўлишни хоҳлайсизларми?” деб сўрадилар. “Ҳа”, дедик. У зот сўрадилар: “Жаннат аҳлининг учдан бири бўлишни истайсизларми?” “Ҳа”, дедик. Шунда у зот дедилар: “Жаннат аҳлининг ярми бўлишни орзу қиламан. Бунга эришиш йўли, албатта, жаннатга фақат мусулмон бўлиб кириш билан бўлади. Сизлар ширк аҳли олдида қора ҳўкиз

---

<sup>170</sup> Муттафақун алайҳ.

терисидаги оқ тук ёки қизил хўкиз терисидаги қора тукка ўхшайсизлар”<sup>171</sup>.

### Жаннат аҳлининг сафлари

Бурайда (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннат аҳли бир юз йигирма саф бўлиб, улардан саксон сафи шу умматдан, қирқ сафи бошқа умматлардан”, дедилар”<sup>172</sup>.

### Жаннат аҳли

Аллоҳ таоло айтади:

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ ۖ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

**“Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар эса, айнан улар жаннат аҳлидирлар ва улар у ерда абадий қолувчилардир”<sup>173</sup>.**

Иёз ибн Ҳимор (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннат аҳли учтадир: тавфиқ берилган садақа қилувчи, одил подшоҳ, ҳамма қариндошларига ва мусулмонларга қалби юмшоқ раҳмдил одам, камтар, ифбатли оила эгаси”, дедилар”<sup>174</sup>.

Ҳориса ибн Ваҳб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Сизларга жаннат аҳли ҳақида

<sup>171</sup> Муттафақун алайҳ, Бу ширк аҳлининг кўплиги ва тавҳид аҳлининг озлигига далолат қилади.

<sup>172</sup> Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти.

<sup>173</sup> Бақара сураси, 82-оят.

<sup>174</sup> Имом Муслим ривояти.

хабар берайми?” Саҳобалар: “Ҳа”, дейишди. У зот: “Ҳар бир тавозели ва Аллоҳ учун ўзини хор тутувчи киши қачон Аллоҳга қасам ичса (дуо қилса), албатта, Аллоҳ уни қабул қилади...”, дедилар”<sup>175</sup>.

### **Жаннат аҳлининг кўпчилиги**

Имрон ибн Хусайн (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатга кўтарилдим ва у ердагиларнинг (кўпчилиги) камбағаллар эканини кўрдим. Дўзахга кўтарилдим ва у жойдагиларнинг кўпи аёллар эканини кўрдим”, дедилар”<sup>176</sup>.

Нима учун дўзах аҳлининг кўпчилиги аёллар эканини қуйидаги ҳадисдан билиб оламиз:

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дўзахни кўрдим, аҳлининг кўпи аёллар экан, улар куфр келтирадилар (яъни, инкор қиладилар)”, дедилар. “Аллоҳга куфр келтирадиларми?” деб сўрашди. У зот дедилар: “Эрини ва унинг яхшиликларини инкор қилади. Агар улардан бирига бир аср яхшилик қилсанг, сўнг сендан бирор камчилик топса, сендан ҳеч яхшилик кўрмадим, дейди”<sup>177</sup>.

Эрига итоатсизлиги сабабли дўзахга киришини билган ҳар бир аёл Аллоҳнинг буйруғига кўра, эрига итоат этиши вожибдир. Чунки аёлнинг Аллоҳ розилигини топиши ва жаннатга кириши шартларини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай баён қиладилар: “Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, рамазон рўзасини тутса, авратини (ҳаромдан)

---

<sup>175</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>176</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>177</sup> Муттафақун алайҳ.



сақласа ва эрига итоат этса, унга: “Жаннатга ўзинг хоҳлаган эшикларидан кир”, дейилади”<sup>178</sup>.

Бошқа ривоятда бундай келади: Хусайн ибн Миҳса (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Аммам бир иш билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига борди. Иши битгач, Набий (алайҳиссалом) ундан: “Турмушга чиққанмисан?” деб сўрадилар. “Ҳа”, деди у. “Эрингга нисбатан қандайсан (яъни, қандай муомала қиласан)?”, деб сўрадилар. “Имкон борича парво қиламан”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “У билан қиладиган муносабатингга диққат қил. Зеро, жаннатинг ҳам, дўзахинг ҳам удир”, дедилар”<sup>179</sup>.

Жаннат аҳлларида бўлишга интилган ҳар бир аёл бунга диққат қилсин!

### **Жаннатга охирги кирувчи одам**

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Дўзахдан энг охири чиқиб, жаннатга энг охири бўлиб кирувчи киши эмаклаб чиқувчи одамдир”. Парвардигори унга: “Жаннатга кир”, дейди. У: “Ё Раббим, жаннат тўла”, дейди. (“Жаннатга кир”, деб) унга уч марта айтилади, у ҳар гал такроран: “Жаннат тўла”, дейди. Аллоҳ: “Сенга дунё мислининг ўн баравари берилди”, дейди”<sup>180</sup>.

---

<sup>178</sup> Имом Аҳмад ва бошқалар ривояти.

<sup>179</sup> Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривояти. Саҳиҳ ҳадис.

<sup>180</sup> Муттафақун алайҳ.

## ДЎЗАХ ВА УНИНГ СИФАТЛАРИ

### Дўзахнинг машҳур номлари

Аллоҳ кофирлар, мунофиқлар ва осийлар учун қиёматда тайёрлаб қўйган азобли жой дўзахдир. Солиҳ амалларга қараб, жаннатдаги мукофоту даражалар ҳар хил бўлганидек, гуноҳларнинг ҳам кўп-озлиги, катта-кичиклигига кўра, дўзахдаги азоблар турлича кечади. Бу бобда дўзах ва унинг сифатлари ҳақида сўз юритилади. Бу дўзахдан қутулиш ва сақланиш учун огоҳлантириш бўлади, деган умиддамиз. Аллоҳ таоло барчамизни дўзахидан омонда сақласин, жаннатига киритсин. Омин!

Дўзахнинг ўзи битта бўлиб, сифатлари ҳар хилдир. Қуйида унинг номларини келтирамиз:

1. نَارٌ – **Нор** (дўзах, олов).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَمَنْ يَعِصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ، يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ ﴿١٤﴾

“Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоатсизлик қилса ва ҳудудларидан тажовуз қилса, уни дўзахга абадий (қолиши учун) киритур ва унинг учун хор қилувчи азоб (бордир)”<sup>181</sup>.

2. جَهَنَّمَ – **Жаҳаннам**.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَقَدْ نَزَّلَ عَلَيْكُمْ فِي الْكِتَابِ أَنْ إِذَا سَمِعْتُمْ آيَاتِ اللَّهِ يُكْفَرُ بِهَا

<sup>181</sup> Нисо сураси, 14-оят.

وَيُسَنِّزُ بِهَا فَلَا تَقْعُدُوا مَعَهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُوا فِي حَدِيثٍ غَيْرِهِ ۗ إِنَّكُمْ إِذًا مِّثْلَهُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ جَامِعُ الْمُنَافِقِينَ وَالْكَافِرِينَ فِي جَهَنَّمَ جَمِيعًا ﴿١٤٠﴾

“Аллоҳ сизларга Китобда: «Аллоҳнинг оятлари инкор этилаётгани ва мазах қилинаётганини эшитсангиз, то бошқа гапга ўтмагунларича, улар билан бирга ўтирмангиз!» деб, (оят) нозил қилган эди. Албатта, сизлар унда (бирга ўтирганда), улар билан (гуноҳда) тенгсиз. Албатта, Аллоҳ барча кофирлар ва мунофиқларни жаҳаннамга жам қилувчидир”<sup>182</sup>.

3. جَحِيم – Жаҳим (дўзах).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿١٠﴾

“Куфрга кетган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса, ана ўшалар жаҳим (дўзах) аҳлидир”<sup>183</sup>.

4. سَعِير – Саир (ўт, аланга).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

إِنَّ اللَّهَ لَعَنَ الْكَافِرِينَ وَأَعَدَّ لَهُمْ سَعِيرًا ﴿٦٤﴾

“Албатта, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва улар учун дўзахни тайёрлаб қўйди”<sup>184</sup>.

5. سَقْر – Сақар (қорайтириб куйдирувчи олов).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يَوْمَ يُسْحَبُونَ فِي النَّارِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ ذُوقُوا مَسَّ سَقَرَ ﴿٤٨﴾

<sup>182</sup> Нисо сураси, 140-оят.

<sup>183</sup> Моида сураси, 10-оят.

<sup>184</sup> Аҳзоб сураси, 64-оят.

“Улар юз тубан ҳолларида дўзах сари суд-  
раладиган кунда (уларга): «Дўзах таъсирини  
тотиб кўрингиз!» (дейилур)”<sup>185</sup>.

6. الحطمة – Ҳутама (чилпарчин қилувчи олов).  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

كَلَّا لَيُنْبَذَنَّ فِي الْحُطْمَةِ ﴿٤﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحُطْمَةُ ﴿٥﴾ نَارُ  
اللَّهِ الْمَوْجِدَةُ ﴿٦﴾ الَّتِي تَطَّلِعُ عَلَى الْأَفْئِدَةِ ﴿٧﴾

“Йўқ! Қасамки, албатта, у «Ҳутама»га ташла-  
нур! (Эй инсон!) «Ҳутама» нима эканлигини сенга  
не ҳам англатур?! (У) ёқиб қўйилган Аллоҳ-  
нинг бир оловидирки, (у баданларни тешиб ўтиб)  
юракларга қадар етур”<sup>186</sup>.

7. لظى – Лазо (териларни сидириб олувчи олов).  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

كَلَّا إِنَّهَا لَلْظَى ﴿١٥﴾ نَزَاعَةٌ لِّلشَّوْىِ ﴿١٦﴾ تَدْعُوا مَنَ أَدْبَرَ وَتَوَلَّى  
﴿١٧﴾ وَجَمَعَ فَأَوْعَى ﴿١٨﴾

“Йўқ! Ахир, у шундай дўзахдирки, териларни  
сидириб олувчидир. У (ҳақ йўлдан) юз ўгириб,  
терс қараб кетгани (ўзига) чақирур. (Бойликни)  
йиғиб сақлаган (яхши жойларга сарфламаган)  
кимсаларни ҳам”<sup>187</sup>.

8. دَارُ الْبُورِ – Дорул бавор (ҳалокат диёри).  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

<sup>185</sup> Қамар сураси, 48-оят.

<sup>186</sup> Ҳумаза сураси, 4–7-оятлар.

<sup>187</sup> Маориж сураси, 15–18-оятлар.

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ بَدَلُوا نِعْمَتَ اللَّهِ كُفْرًا وَأَحَلُّوا قَوْمَهُمْ دَارَ الْبَوَارِ  
جَهَنَّمَ يَصَلُّونَهَا وَيُبْسِكُ الْقَرَارُ ﴿٢٩﴾

“Эй инсон! Аллоҳнинг неъматини (имонни) куйфрга алмаштириб юборган ва қавмларини “ҳалокат диёри”га қулатган кимсаларни кўрмадингми?! (Ҳалокат диёри) улар куйдириладиган жаҳаннамдир. Нақадар ёмон қароргоҳ!”<sup>188</sup>.

9. دَارُ الْخُلْدِ – Дорул хулд (мангу диёр).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

ذَلِكَ جَزَاءُ أَعْدَاءِ اللَّهِ النَّارُ لَهُمْ فِيهَا دَارُ الْخُلْدِ جَزَاءُ بِمَا كَانُوا  
يَأْتِينَنَا بِمُحَدُونَ ﴿٢٨﴾

“Бу (азоб) Аллоҳ душманларининг жазоси бўлмиш дўзахдир. Улар учун оятларимизни инкор қилувчи бўлганлари сабабли ўша жойда мангу қолиш бордир”<sup>189</sup>.

10. دَارُ الْفَاسِقِينَ – Дорул фосиқин (фосиқлар диёри).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَكَتَبْنَا لَهُ فِي الْأَلْوَابِ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ مَوْعِظَةً وَتَفْصِيلًا  
لِكُلِّ شَيْءٍ فَخَذَهَا بِقُوَّةٍ وَأَمَرَ قَوْمَكِ يَا خُدُو بِأَحْسَنَهَا سَأُورِيكُمْ  
دَارَ الْفَاسِقِينَ ﴿١٤٥﴾

“Унинг учун лавҳларда (Таврот саҳифаларида) насиҳат ва барча нарсанинг тафсилоти сифатида ҳар соҳадан битиб қўйдик. Бас, (эй Мусо!)

<sup>188</sup> Иброҳим сураси, 28–29-оятлар.

<sup>189</sup> Фуссилат сураси, 28-оят.

**Уларни қувват (жиддийлик) билан олгин ва қавмингга уларнинг яхши (битилган аҳком)-ларини тутиш (татбиқ этиш)ларига буюргин! Сизларга фосиқлар диёри (қандай ҳалокатга юз тутгани)ни кўрсатажакман”<sup>190</sup>.**

11. **سَمُومٌ** – Самум (баданларни илма-тешик қилиб ташлайдиган дўзах шамоли).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

فَمَنْ أَلَّهْ عَلَيْهِنَا وَوَقَّتْنَا عَذَابَ السَّمُومِ ﴿٢٧﴾

“Мана, Аллоҳ бизларни мамнун этди ва бизларни «самум» (дўзах шамоли)дан сақлади”<sup>191</sup>.

12. **سُوءُ الدَّارِ** – Сууд дор (энг ёмон диёр).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيثَاقِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِمْ أَنْ يُوصَلَ وَيَفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَٰئِكَ لَهُمُ اللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوءُ الدَّارِ ﴿٢٥﴾

“Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаҳаннам) бордир”<sup>192</sup>.

13. **الهاوية** – Ҳовия (жарлик).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ ﴿٨﴾ فَأُمُّهُ هَاوِيَةٌ ﴿٩﴾

<sup>190</sup> Аъроф сураси, 145-оят.

<sup>191</sup> Тур сураси, 27-оят.

<sup>192</sup> Раъд сураси, 25-оят.

“Аммо, кимнинг тарозида тортилган нарсалари (савобли амаллари) енгил келса, унинг жойи (дўзахдаги) «жарлик»дир”<sup>193</sup>.

### Дўзахнинг макони

Аллоҳ таоло айтади:

كَلَّا إِنَّ كِتَابَ الْفُجَارِ لَفِي سِجِّينٍ ﴿٧﴾

«Йўқ! Албатта, фожирларнинг (кофирларнинг) номаи аъмоллари “Сижжин”да бўлур»<sup>194</sup>.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Кофирнинг жони олинганида, ер эшигига олиб борилади. Ер қўриқчилари: “Бундан бадбўйроқ хидни кўрмадик”, дейишади. Сўнгра у ернинг энг тубига туширилади”<sup>195</sup>.

### Дўзахда абадий қолувчилар

Дўзахда кофирлар, мушриклар ва мунофиқлар абадий қолишади. Гуноҳкор мўминларни эса, Аллоҳ хоҳласа, кечиради, йўқса, гуноҳига яраша азоб бериб, сўнг жаннатга киритади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا هِيَ حَسْبُهُمْ ۗ وَلَعْنَةُ اللَّهِ ۗ عَلَيْهِمْ وَعَذَابُهُمْ مُّقِيمٌ ﴿٦٨﴾

“Мунофиқлар, мунофиқалар ва кофирларга Аллоҳ (улар) абадий қоладиган жаҳаннам оловини

<sup>193</sup> Қориа сураси, 8–9-оятлар.

<sup>194</sup> Мутаффифун сураси, 7-оят.

<sup>195</sup> Имом Ҳоким ва Имом Ибн Ҳиббон ривояти.

ваъда қилди. Уларга у кифоядир. Уларни Аллоҳ лаънатлади. Улар учун яна доимий азоб бордир”<sup>196</sup>.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ<sup>٤٨</sup> وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا

“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)-ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди”<sup>197</sup>.

### Дўзах аҳли юзларининг сифати

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ تَرَى الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى اللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ<sup>٤٩</sup> أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْمُتَكَبِّرِينَ

“Қиёмат кунида Аллоҳ шаънига ёлгон сўзлаган кимсаларни юзлари қорайган ҳолда кўрасиз. Жаҳаннамда мутакаббир кимсалар учун жой йўқмиди?! (Албатта, бор)”<sup>198</sup>.

وُجُوهُهُم يَوْمَئِذٍ عَلَيْهَا غَبَرَةٌ<sup>٤٠</sup> تَرْهَقُهَا قَتَرَةٌ<sup>٤١</sup> أُولَٰئِكَ هُمُ الْكٰفِرَةُ الْفٰجِرَةُ<sup>٤٢</sup>

“У кунда (бошқа бир) юзлар узра ғубор бўлиб, уларни қоралик қоплар. Ана ўшалар (дунёда яшаган пайтларида фиску) фужур қилувчи кофирларнинг ўзидирлар”<sup>199</sup>.

<sup>196</sup> Тавба сураси, 68-оят.

<sup>197</sup> Нисо сураси, 48-оят.

<sup>198</sup> Зумар сураси, 60-оят.

<sup>199</sup> Абаса сураси, 40–42-оятлар.



﴿٢٥﴾ تَنْظُرُ أَنْ يَفْعَلَ بِهَا فَاقِرَةٌ ﴿٢٤﴾ وَوَجْهُهُ يَوْمَئِذٍ بِأَسْرَةٍ

“Яна у кунда баъзи юзлар буришган ҳолда ўзларига нохушлик бўлишини ўйлаб (кутиб) турарлар”<sup>200</sup>.

﴿٤﴾ وَوَجْهُهُ يَوْمَئِذٍ خَشِيعَةٌ ﴿٢﴾ عَامِلَةٌ نَّاصِبَةٌ ﴿٢﴾ تَصَلَّى نَارًا حَامِيَةً ﴿٤﴾

“У кунда (баъзи) юзлар сўлгин, меҳнат-машаққат чекувчидир. (Улар) қизиган дўзахда куйгайлар”<sup>201</sup>.

﴿١٠٤﴾ تَفْلَحُ وَوَجْهُهُمْ النَّارُ وَهُمْ فِيهَا كَالِحُونَ ﴿١٠٤﴾

“Юзларини ўт куйдиргач, улар у ерда бадбашара бўлиб қолувчидирлар”<sup>202</sup>.

### Дўзах эшиклари сони

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿٤٤﴾ لَهَا سَبْعَةُ أَبْوَابٍ لِكُلِّ بَابٍ مِنْهُمْ جُزْءٌ مَقْسُومٌ ﴿٤٤﴾

“Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвоза учун уларнинг бир тўдаси тақсим (тайин) этилгандир”<sup>203</sup>.

### Дўзах эшиклари аҳлининг устидан берк бўлиши

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿٨﴾ إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّوَصَّدَةٌ ﴿٨﴾ فِي عَمَدٍ مُّمَدَّدَةٍ ﴿٩﴾

<sup>200</sup> Қиёмат сураси, 24–25-оятлар.

<sup>201</sup> Ғошия сураси, 2–4-оятлар.

<sup>202</sup> Муъминун сураси, 104-оят.

<sup>203</sup> Ҳижр сураси, 44-оят.

“Албатта, у (олов) уларни қамраб олувчидир. (Ўзлари) узун устунларда (занжирбанд) бўлурлар”<sup>204</sup>.

### Дўзахнинг қиёмат майдонига келтирилиши

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

كَلَّا إِذَا دُكَّتِ الْأَرْضُ دَكًّا دَكًّا ﴿٢١﴾ وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا ﴿٢٢﴾ وَجِئَاءَ يَوْمٍ يُؤْمِنُ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ يَنْذِرُ الْإِنْسَانَ وَأَنَّى لَهُ الذِّكْرَى ﴿٢٣﴾

“Йўқ! Қачонки, Ер қаттиқ силкинганда ва Раббингиз (ҳукми) ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда ҳамда ўша куни жаҳаннам ҳам (яқин) келтириб қўйилганда – ана ўша кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма олур. (Аммо вақт ўтгач, энди) унга эслатма қаёқда экан?!”<sup>205</sup>

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қиёмат куни жаҳаннам келтирилади. Унинг етмиш минг тизгини бўлиб, ҳар бирини етмиш минг фаришта тортади”, дедилар”<sup>206</sup>.

### Дўзахга тушиш ва Сирот кўпригидан биринчи ўтадиган одам

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَإِنْ مِنْكُمْ إِلَّا وَارِدُهَا كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ حَتْمًا مَّقْضِيًّا ﴿٧١﴾ ثُمَّ نَجَّيَ الَّذِينَ اتَّقَوْا وَنَذَرَ الظَّالِمِينَ فِيهَا جثيًا ﴿٧٢﴾

<sup>204</sup> Ҳумаза сураси, 8–9-оятлар.

<sup>205</sup> Фаҳр сураси, 21–23-оятлар.

<sup>206</sup> Имом Муслим ривояти.

**“Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) тушувчидирсиз. (Бу) Раббингиз (иродасига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнгра тақводор бўлганларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз”<sup>207</sup>.**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шариф охирида: “Сирот кўприги жаҳаннам сатҳига қўйилади. Шунда мен ва умматимга биринчи бўлиб ўтишга ижозат берилади”<sup>208</sup>, дейилган.

### **Дўзахнинг туби, чуқурлиги**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга эдик. Тўсатдан гумбурлаш товуши эшитилди. У зот: “Бу нималигини биласизларми?” деб сўрадилар. Биз: “Аллоҳ ва Расули билувчироқ”, дедик. У зот: “Бу етмиш йил олдин жаҳаннамга отилган тош бўлиб, энди у жаҳаннам тубига тушди”, деб жавоб қилдилар”<sup>209</sup>.

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитган экан: “Жаҳаннам улардан бирини тўпиғигача, баъзисини белбоғигача, айримини бўйнигача эгаллаб олади”<sup>210</sup>.

### **Дўзах аҳлининг катталиги**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кофирнинг озиқ ёки қозиқ тиши Уҳуд тоғича, терисининг қалинлиги эса, уч кунлик йўл миқдорича бўлади”, дедилар”<sup>211</sup>.

<sup>207</sup> Марям сураси, 71–72-оятлар.

<sup>208</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>209</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>210</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>211</sup> Имом Муслим ривояти.

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Дўзахда кофирнинг икки елкаси ораси чопар отда (юрганда) уч кунлик йўл миқдоричадир”, дедилар”<sup>212</sup>.

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Қиёмат куни кофирнинг озиқ тиши Уҳуд тоғи миқдорича, терисининг қалинлиги етмиш зироъ, билаги Байзо (тоғи)ча, сони Варқон (тоғи)ча, дўзахдаги жойи эса, мен билан Рабаза (қишлоғи) оралиғича бўлади”, дедилар”<sup>213</sup>.

### Дўзах иссиғининг кучи

Аллоҳ таоло айтади:

وَمَنْ يَهْدِ اللَّهُ فَهُوَ الْمُهْتَدِ ۖ وَمَنْ يُضِلِلْ فَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِهِ ۗ  
وَنَحْشُرُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ عُمِيَآ وَبُكْمًا ۖ وَصَمًّا مَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ  
كُلَّمَا خَبَتْ زِدْنَاهُمْ سَعِيرًا ﴿٩٧﴾ ذَلِكَ جَزَاؤُهُمْ بِأَنَّهُمْ كَفَرُوا  
بِعَايِنِنَا وَقَالُوا آءَآءَ ذَا كُنَّا عِظْمًا وَرَفْتًا ۗ آءَآءَ نَا لِمَبْعُوثُونَ خَلْقًا جَدِيدًا ﴿٩٨﴾

«Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, улар учун Ундан ўзга дўстларни топа олмасиз, уларни Қиёмат кунида юзтубан ҳолларида кўр, соқов, кар қилиб тирилтирурмиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир. Ҳар қачон (жаҳаннам олови) сусайса, уларга оловни ловуллашиб юборурмиз. Бу – Бизнинг оятларимизга кофир бўлганлари ҳамда: “Суяк ва (чирик) мурдаларга

<sup>212</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>213</sup> Имом Аҳмад ва Ҳоким ривояти.

**айланган вақтимизда, янгитдан яралиб, қайта тирилурмизми?!” – деганларининг жазосидир»<sup>214</sup>.**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одам боласи ёқаётган бу оловингиз (ҳарорати) жаҳаннам иссиғининг етмишдан биричадир”, дедилар. “Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, шунинг ўзи етади”, дейишди. У зот: “Унга олтмиш тўққиз баробар зиёда қилинади. Улардан ҳар бирининг иссиғи (ўша ёқаётган оловингиз) миқдорича бўлади”, дедилар”<sup>215</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Дўзах Раббисига шикоят қилиб деди: “Раббим, баъзи бўлагим баъзисини еб қўймоқда”. Шунда Аллоҳ таоло унга икки нафас – ёзда бир, қишда бир нафас олишга изн берди. Шунинг учун ёзда қаттиқ иссиқни, қишда қаттиқ совуқни топасизлар”<sup>216</sup>.

### Дўзахнинг ўтини

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْا قُوْا اَنْفُسَكُمْ وَاَهْلِيْكُمْ نَارًا وَقُوْدهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ  
عَلَيْهَا مَلٰٓئِكَةٌ غٰلِظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُوْنَ اللّٰهَ مَا اَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُوْنَ مَا  
يُوْمَرُوْنَ ﴿٦﴾

**“Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик**

<sup>214</sup> Исро сураси, 97–98-оятлар.

<sup>215</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>216</sup> Муттафақун алайҳ.

**қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар)”<sup>217</sup>.**

فَإِنْ لَّمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا فَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ  
وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ ﴿٢٤﴾

“Борди-ю, (бу ишни) қилмасангиз – зинҳор қила олмайсиз ҳам – у ҳолда ёнилғиси одамлар ва тош (бут ва санам)лардан иборат, кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланинг!”<sup>218</sup>

إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنْتُمْ  
لَهَا وَرَدُونَ ﴿٩٨﴾

“(Эй мушриклар!) Сизлар ва Аллоҳни қўйиб сиғинаётган (бут)ларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир. Сизлар унга тушувчидирсиз!”<sup>219</sup>

### Дўзахнинг тублари

Дўзахнинг бир неча туби бўлиб, улар бир-биридан пастдир. Мунофиқлар куфрининг ёмонлиги ва мўминларга кўп азият бергани боис дўзахнинг энг тубида бўлишади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا ﴿١٤٥﴾

“Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)лар. Уларга (ўшанда бирор) ёрдамчи топмайсиз”<sup>220</sup>.

<sup>217</sup> Таҳрим сураси, 6-оят.

<sup>218</sup> Бақара сураси, 24-оят.

<sup>219</sup> Анбиё сураси, 98-оят.

<sup>220</sup> Нисо сураси, 145-оят.

## Дўзах соясининг сифати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَأَصْحَابُ الشِّمَالِ مِمَّا صَحَبُوا الشِّمَالَ ۚ فِي سُمُومٍ وَحَمِيمٍ ﴿٤٢﴾ وَظِلِّ  
مِن يَحْمُومٍ ﴿٤٣﴾ لَا بَارِدٍ وَلَا كَرِيمٍ ﴿٤٤﴾

“Чап томон эгалари – чап томон эгалари (бўл-моқ) не (бахтсизлик)дир! (Улар) Самум (шамоли) ва қайноқ сув ичида, қора тутун сояси остидадирларки, на совуқдир (у жой) ва на ёқимли”<sup>221</sup>.

لَهُمْ مِنْ فَوْقِهِمْ ظُلَلٌ مِنَ النَّارِ وَمِنْ تَحْتِهِمْ ظُلَلٌ ۚ ذَٰلِكَ يُخَوِّفُ اللَّهُ بِهِ  
عِبَادَهُ ۗ يَعْبَادِ فَاتَّقُونِ ﴿١٦﴾

«Улар учун устиларидан ҳам оловдан бўлган “соябонлар”, остиларидан ҳам (оловдан бўлган) “соябонлар” бўлур. Бу (бўлажак азоб-уқубат) билан Аллоҳ ўз бандаларини қўрқитишидир. Эй бандаларим! Мендан қўрқингиз!»<sup>222</sup>

أَنْطَلِقُوا إِلَىٰ ظِلِّ ذِي ثَلَاثِ شُعَبٍ ۚ لَا ظَلِيلٍ وَلَا يُغْنِي مِنَ الْهَبِّ ﴿٣١﴾

«Уч бўлаккли сояга борингиз! Ҳеч қандай салқинлик бермайдиган ва алангани ҳам тўсмайдиган (“соя”дир у)»<sup>223</sup>.

## Дўзах қўриқчилари

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

سَأَصْلِيهِ سَفَرٌ ﴿٣٦﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا سَفَرٌ ﴿٣٧﴾ لَا بُقْيَ وَلَا نَذْرٌ ﴿٣٨﴾ لَوَاحَةٌ لِلْبَشَرِ

<sup>221</sup> Воқеа сураси, 41–44-оятлар.

<sup>222</sup> Зумар сураси, 16-оят.

<sup>223</sup> Мурсалот сураси, 30–31-оятлар.

﴿٢٩﴾ عَلَيْهَا تِسْعَةَ عَشَرَ ﴿٣٠﴾ وَمَا جَعَلْنَا أَحْسَبَ النَّارِ إِلَّا مَلَائِكَةً وَمَا جَعَلْنَا عِدَّتَهُمْ إِلَّا فِتْنَةً لِلَّذِينَ كَفَرُوا لِيَسْتَيَقِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَزَادَادَ الَّذِينَ ءَامَنُوا ءِيمَنَّا وَلَا يَرْتَابَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْمُؤْمِنُونَ وَلِيَقُولَ الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ وَالْكَافِرُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا ۗ كَذَلِكَ يُضِلُّ اللَّهُ مَن يَشَاءُ وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ وَمَا هِيَ إِلَّا ذِكْرَىٰ لِلْبَشَرِ ﴿٣١﴾

«Яқинда Мен уни Сақарда (жаҳаннамда) куйдиражакман. (Эй Муҳаммад!) Сақарнинг нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?! У (бирор кофирни) қолдирмас ҳам, (ўз ҳолига) қўймас ҳам (балки куйдириб, азоб берур). (У) териларни қорайтириб куйдирувчидир. Унинг устида ўн тўққиз (фаришта кўриқчилик қилур). Биз фақат фаришталарни дўзах эгалари (кўриқчилари) қилдик ва Биз фақат куфрга кетган кимсаларни синаш учун уларнинг саноғини (ўн тўққизта) қилдик. Токи китоб берилган кимсалар аниқ билгайлар ва имон келтирган зотларнинг имонлари янада зиёда бўлгай ҳамда китоб берилган кимсалар ҳам, мўминлар ҳам (бу хусусда) шак-шубҳа қилмагайлар. Яна дилларида мараз (мунофиқлик) бўлган кимсалар ва кофирлар: “Бу мисол билан Аллоҳ нима демоқчи?” дегайлар. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўяр ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Парвардигорингизнинг қўшинларини (фаришталарнинг адади ва сифатларини) Унинг Ўзигина билур. У (жаҳаннам ҳақидаги хабар) инсонлар учунгина бир эслатмадир»<sup>224</sup>.

<sup>224</sup> Муддассир сураси, 26–31-оятлар.



## Молик – дўзах қўриқчиси

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَنَادُوا يَمَلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رُبُّكَ ۖ قَالَ إِنَّكُمْ مَكِيدُونَ

«Улар (дўзах фариштасига): “Эй Молик! Парвардигоринг бизга Ўз ҳукмини қилсин (жонимизни олсин!)”, – деб нидо қилганларида, у (фаришта): “Сизлар (шу азобда мангу) қолувчидирсиз”, дейди»<sup>225</sup>.

## Дўзахга юборилувчилар

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳ таоло: “Эй Одам!” деб нидо қилади. Одам (алайҳиссалом): “Лаббай, ё Раббим! Яхшиликлар сенинг измингда”, дейди. Аллоҳ таоло айтади: “Дўзахга юборилувчиларни чиқар”. Одам (алайҳиссалом): “Дўзахга юборилувчилар ким?” деб сўрайди. Аллоҳ таоло: “Улар ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси”, дейди. Шунда Одам (алайҳиссалом) ҳузуридаги ёш бола (қўрқинчдан) қариб қолади. “...ва ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар ҳамда одамларни маст ҳолда кўрасиз, ҳолбуки, улар маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир”<sup>226</sup>. “Ё Расулulloҳ, ўша битта қайси биримиз?” деб сўрашади. Шунда у зот: “Хурсанд бўлинглар, сизлардан бир киши. Яъжуж ва Маъжуждан эса, мингта”, дедилар<sup>227</sup>.

<sup>225</sup> Зухруф сураси, 77-оят.

<sup>226</sup> Ҳаж сураси, 2-оят.

<sup>227</sup> Муттафақун алайҳ.

## Дўзах аҳлининг дўзахга кириш ҳолати

Аллоҳ таоло айтади:

وَسِيقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ زُمَرًا ۗ حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا  
فُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِّنكُمْ يَتْلُونَ  
عَلَيْكُمْ آيَاتِ رَبِّكُمْ وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَذَا قَالُوا بَلَىٰ  
وَلَكِن حَقَّتْ كَلِمَةُ الْعَذَابِ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٧١﴾ قِيلَ ادْخُلُوا  
أَبْوَابَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا ۗ فِئْسَ مَثْوَى الْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٢﴾

«Кофир бўлган кимсалар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаҳаннамга ҳайдалур. То қачонки, улар (жаҳаннамга) келганларида, унинг дарвозалари очилади ва унинг қўриқчилари уларга: “Сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар – Раббингиз оятларини сизларга тиловат қилиб сизларни мана шу кунингиздаги мулоқотдан огоҳланиш учун келмаганмидилар?” – деганларида, улар: “Ҳа, (келганлар), лекин (Аллоҳнинг) азоб лафзи кофирлар бўйича ҳақ бўлиб чиқди”, – дейдилар. (Шунда уларга) айтилади: “Жаҳаннам дарвозаларидан кирингиз! Сизлар ўша жойда мангу қолурсиз!” Бас, кибри кимсаларнинг жойлари нақадар ёмон!»<sup>228</sup>

بَلْ كَذَّبُوا بِالسَّاعَةِ ۗ وَأَعْتَدْنَا لِمَن كَذَّبَ بِالسَّاعَةِ سَعِيرًا ﴿١١﴾ إِذَا  
رَأَتْهُم مِّن مَّكَانٍ بَعِيدٍ سَمِعُوا لَهَا تَغِيظًا وَزَفِيرًا ﴿١٢﴾ وَإِذَا أُلْقُوا  
مِنْهَا مَكَانًا ضَيِّقًا مُّقَرَّنِينَ دَعَوْا هُنَالِكَ ثُبُورًا ﴿١٣﴾ لَا تَدْعُوا  
الْيَوْمَ ثُبُورًا وَاحِدًا وَاَدْعُوا ثُبُورًا كَثِيرًا ﴿١٤﴾

<sup>228</sup> Зумар сураси, 71–72-оятлар.

«Йўқ, улар қиёматни инкор этдилар. Биз эса қиёматни инкор этганлар учун (аллақачон) дўзахни тайёрлаб қўйгандирмиз. (Дўзах) уларни узоқ жойдан кўргандаёқ унинг ғалаёни ва чинқириғини эшитурлар. Қачонки, кишанланган ҳолларида унинг тор жойига ташланганларида, ўша жойда (ўзларига) ҳалокат тилаб қолурлар. (Шунда уларга): “Сизлар бугун бир ҳалокат эмас, кўп ҳалокатларни тилангиз!” (дейилур)»<sup>229</sup>.

يَوْمَ يَدْعُونَ إِلَى نَارِ جَهَنَّمَ دَعَاً ﴿١٣﴾ هَذِهِ النَّارُ الَّتِي كُنتُمْ  
بِهَا تُكذِّبُونَ ﴿١٤﴾

«У кунда улар жаҳаннам олови сари ҳайдалурлар. (Уларга дейилур): “Сизлар ёлғон деб юрган дўзах мана шудир”»<sup>230</sup>.

وَتَرَى الْمَجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ مُّقْرَّنِينَ فِي الْأَصْفَادِ ﴿٤٩﴾  
سَرَابِ لَهُمْ مِّنْ فِطْرَانٍ وَتَغْشَىٰ وُجُوهُهُمُ النَّارُ ﴿٥٠﴾

“Эй Муҳаммад!) Ўша (қиёмат) куни жиноятчиларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўражаксиз. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур”<sup>231</sup>.

### Дўзахда биринчи азобланувчилар

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитдим: “Қиёмат куни биринчи ҳукм қилинадиган одам шаҳиддир. У олиб келинади, Аллоҳ

<sup>229</sup> Фурқон сураси, 11–14-оятлар.

<sup>230</sup> Тур сураси, 13–14-оятлар.

<sup>231</sup> Иброҳим сураси, 49–50-оятлар.

неъматларини унга билдирди, бас, у эътироф этди. Аллоҳ: “Неъматларимга жавобан нима қилдинг?” деб сўрайди. У: “Сенинг йўлингда урушиб, ҳатто шаҳид бўлдим”, дейди. Аллоҳ: “Ёлғон айтдинг, ботир (қўрқмас) деб айтилиш учун урушдинг”, дейди. Сўнг юзи билан судралиб, дўзахга отилишига буюрилади. Кейин илм ўқиган, ўргатган ва Қуръон ўқиган киши келтирилади. Аллоҳ неъматларини унга билдирди, бас, у эътироф этди. Аллоҳ: “Неъматларимга жавобан нима қилдинг?” деб сўрайди. У: “Илм ўргандим, ўргатдим ва Сенинг учун Қуръон ўқидим”, дейди. Аллоҳ дейди: “Ёлғон айтдинг, илмни олим дейишлари, Қуръонни қори дейишлари учун ўқидинг”. Сўнг юзи билан судралиб, дўзахга отилишига буюрилади. Кейин бойликнинг ҳамма туридан берилган киши келтирилади. Аллоҳ неъматларини унга билдирди, бас, у эътироф этди. Аллоҳ: “Неъматларимга жавобан нима қилдинг?” деб сўрайди. “Ўзинг яхши кўриб, рози бўлган жойларнинг ҳаммасига Сен учун эҳсон қилдим” деб жавоб қилади у. Аллоҳ унга: “Ёлғон айтдинг, лекин сахий деб айтишлари учун эҳсон қилдинг”, дейди. Сўнг юзи билан судралиб, дўзахга отилишига буюрилади”<sup>232</sup>.

### Дўзах аҳллари

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٣٩﴾

**“Кофир бўлган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – айнан ўшалар дўзах аҳлидирлар. Улар ўша ерда абадий қолувчидирлар”<sup>233</sup>.**

<sup>232</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>233</sup> Бақара сураси, 39-оят.

Иёз ибн Ҳимор (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Дўзах аҳли беш тоифадан иборат:

1. Ақли гуноҳ ва маъсиятлардан тўсмайдиган заиф одамлар. (Яъни, ўзининг фойдаси учун диний ва дунёвий маслаҳатларга қулоқ солмайдиган одамлар). Улар орангизда бўлиб, оила кўришга ҳам, мол тўплашга ҳам, ҳаракат қилмайдилар.

2. Фурсат топилиши билан хиёнат қилувчи.

3. Кечаю кундуз аҳлингиз ва молингиз борасида алдовчи.

4. Бахил ёки ёлғончи.

5. Тентак, бузуқ одам”<sup>234</sup>.

### Дўзах аҳлининг кўпчилигини ташкил этувчи тоифа

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “...Дўзахни кўрдим, унинг кўпчилиги аёллар бўлиб, улар куфр келтиришади”. “Аллоҳга куфр келтиришадими?” деб сўрашди. У зот дедилар: “Эрига ва унинг яхшилигига куфр келтиришади (яъни, куфрони неъмат қилишади), агар улардан бирига бир аср яхшилик қилсанг, сўнг сендан ёмонлик кўрса, сендан ҳеч яхшилик кўрмадим, дейди”<sup>235</sup>.

### Дўзах аҳлининг энг қаттиқ азобланувчиси

Аллоҳ таоло айтади:

الْقِيَا فِي جَهَنَّمَ كُلَّ كَفَّارٍ عَنِيدٍ ﴿٢٤﴾ مَتَّاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ مُّرِيبٍ ﴿٢٥﴾  
الَّذِي جَعَلَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَأَلْقِيَاهُ فِي الْعَذَابِ الشَّدِيدِ ﴿٢٦﴾

<sup>234</sup> Имом Муслим ривояти.

<sup>235</sup> Муттафақун алайҳ.

«(Дўзах ходимларидан икки фариштага айтилур:) “Хар бир ношукур, қайсарни жаҳаннамга ташлангиз! Шунингдек, яхшилиқни ман этувчи, тажовузкор ва (Аллоҳга) шак келтирувчини ҳамки, у Аллоҳ билан бошқа “илоҳ”ни шерик қилган эди. Уни қаттиқ азобга ташлангиз!”»<sup>236</sup>

فَوَقَّهٗ اللّٰهُ سَيِّئَاتِ مَا مَكَرُوْا وَحَاقَ بِآلِ فِرْعَوْنَ سُوءُ الْعَذَابِ  
 ۴۵ النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوْا  
 ۴۶ ءَالَ فِرْعَوْنَ اَشَدَّ الْعَذَابِ

«Бас, Аллоҳ у (имон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макрларидан сақлади ва Фиръавн зодагонларини ёмон азоб ўраб олди. (У азоб қабрдаги бир) оловдирки, улар эртаю кеч унга тутиб турилурлар. Қиёмат қойим бўладиган кунда эса, (дўзах фаришталарига): “Фиръавн зодагонларини энг қаттиқ азобга киритингиз!” (дейилур)»<sup>237</sup>.

الَّذِيْنَ كَفَرُوْا وَصَدُّوْا عَنِ سَبِيْلِ اللّٰهِ زِدْنٰهُمْ عَذَابًا فَوْقَ  
 ۸۸ الْعَذَابِ بِمَا كَانُوْا يُفْسِدُوْنَ

“Куфрда бўлган ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсган кимсаларга бузғунчилик қилганлари сабабли азоб устига азобни зиёда қилурмиз”<sup>238</sup>.

اِنَّ الْمُنٰفِقِيْنَ فِي الدَّرَكِ الْاَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ يَّجِدَ لَهُمْ  
 ۱۴۵ نَصِيْرًا

<sup>236</sup> Қоф сураси, 24–26-оятлар.

<sup>237</sup> Ғофир сураси, 45–46-оятлар.

<sup>238</sup> Наҳл сураси, 88-оят.

“Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)лар. Уларга (ўшанда бирор) ёрдамчи топмайсиз”<sup>239</sup>.

فَوْرِيكَ لِنَحْشَرَنَّهُمْ وَالشَّيْطَانَ ثُمَّ لِنَحْضِرَنَّهُمْ حَوْلَ جَهَنَّمَ جِثِيًّا ﴿٦٨﴾ ثُمَّ لِنَنْزِعَنَّ مِنْ كُلِّ شِيعَةٍ أَيُّهُمْ أَشَدُّ عَلَى الرَّحْمَنِ عُنِيًّا ﴿٦٩﴾ ثُمَّ لَنَحْنُ أَعْلَمُ بِالَّذِينَ هُمْ أَوْلَىٰ بِهَا صِلِيًّا ﴿٧٠﴾

“Бас, (эй Муҳаммад!) Раббингизга қасамки, албатта, Биз уларни шайтонлари билан бирга тўплармиз, сўнгра (барчаларини) жаҳаннам атрофида тиз чўккан ҳолларида ҳозир қилурмиз. Кейин ҳар бир гуруҳдан қайсиниси Раҳмонга қаттиқроқ осий бўлса, (ўшани) суғуриб олурмиз (ва жаҳаннамга солурмиз). Сўнгра, Биз ўзимиз унда (жаҳаннамда) куйишига лойиқ кимсаларни яхшироқ билувчидирмиз”<sup>240</sup>.

### Дўзах аҳлининг энг енгил азобланувчиси

Нўъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: “Қиёмат куни дўзах аҳлининг энг енгил азобланувчиси икки товони чуқурчасига икки чўғ қўйилган киши бўлиб, қозон ва қумғон қайнагандек, чўғ билан унинг мияси қайнайди”<sup>241</sup>.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дўзах аҳлининг энг енгил азобланувчиси Абу

<sup>239</sup> Нисо сураси, 145-оят.

<sup>240</sup> Марям сураси, 68–70-оятлар.

<sup>241</sup> Муттафақун алайҳ.

Толибдир. У оёқ кийим кийган ҳолда оёқ кийимлари билан мияси қайнайди”, дедилар”.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларида амакилари Абу Толиб зикр қилинди. Шунда у зот: “Шояд қиёмат куни шафоатим унга фойда берса, у дўзахда тўпигигача етадиган оловли жойга қўйилади, ундан бош мияси қайнайди”, дедилар”<sup>242</sup>.

### Энг энгил азобланувчи дўзахийга айтиладиган гап

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ أَن لَّهُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُ  
مَعَهُ، لَيَفْتَدُوا بِهِ مِنْ عَذَابِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَا تُقْبَلُ مِنْهُمْ وَهُمْ  
عَذَابُ أَلِيمٌ

“Дарҳақиқат, куфрда бўлганлар қиёмат кунининг азобидан тўлаб қутулиш учун мабодо Ер (юзи)даги (ҳамма) нарсанинг икки баробарига эга бўлганларида ҳам, улардан қабул қилинмагай. Улар учун аламли азоб (тайёрлаб қўйилгандир)”<sup>243</sup>.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳ таоло қиёматда энг энгил азобланувчига айтади: “Агар сен учун дунёдаги ашёлардан бирор нарса бўлганида, у билан ўзингни дўзахдан сақлаган бўлармидинг?” У: “Ҳа”, дейди. Аллоҳ таоло: “Сен ҳали Одам пуштида эканингда сендан бундан-да энгилроқ нарсани сўрагандим. У Менга бирор нарсани шерик қилмаслигинг эди. Сен бундан бош тортдинг ва Менга ширк келтирдинг”<sup>244</sup>.

<sup>242</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>243</sup> Моида сураси, 36-оят.

<sup>244</sup> Муттафақун алайҳ.



## Жаҳаннам занжирлари ва кишанлари

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ سَلَاسِلًا وَأَغْلَالًا وَسَعِيرًا ﴿٤﴾

“Албатта, Биз кофирлар учун занжирлар, кишанлар ва аланга (дўзах)ни тайёрлаб қўйганмиз”<sup>245</sup>.

الَّذِينَ كَذَّبُوا بِالْكِتَابِ وَمِمَّا أُرْسِلْنَا بِهِ رُسُلَنَا فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٧٠﴾ إِذِ الْأَغْلَالُ فِي أَعْنَاقِهِمْ وَالسَّلْسِلُ يُسْحَبُونَ ﴿٧١﴾ فِي الْحَمِيمِ ثُمَّ

فِي النَّارِ يُسْجَرُونَ ﴿٧٢﴾

“Китоб (Қуръон)ни ва Биз пайғамбарларимиз билан юборган нарсаларни (Китобларни) ёлғон деган кимсалар яқинда (қиёмат кунида) билажаклар. Ўшанда улар бўйинларида кишан ва занжирлар билан судралурлар қайноқ сув ичига. Сўнгра оловда куйдирилурлар”<sup>246</sup>.

إِنَّ لَدَيْنَا أَنْكَالًا وَحِمِيمًا ﴿١٢﴾ وَطَعَامًا ذَا غُصَّةٍ وَعَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٣﴾

“Ҳақиқатан, Бизнинг ҳузуримизда кишанлар ва дўзах бордир. Яна (томоқдан) яхши ўтмайдиган (йиринг ва қон каби) “таом” ҳамда аламли азоб бордир”<sup>247</sup>.

خَذُوهُ فَعَلُوهُ ﴿٣٠﴾ ثُمَّ الْجَحِيمَ صَلْوَهُ ﴿٣١﴾ ثُمَّ فِي سِلْسِلَةٍ ذَرْعُهَا سَبْعُونَ ذِرَاعًا فَاسْلُكُوهُ

﴿٣٢﴾ إِنَّهُ كَانَ لَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ ﴿٣٣﴾ وَلَا يَحْضُ عَلَىٰ طَعَامِ الْمَسْكِينِ ﴿٣٤﴾

<sup>245</sup> Инсон сураси, 4-оят.

<sup>246</sup> Ғофир сураси, 70–72-оятлар.

<sup>247</sup> Муззаммил сураси, 12–13-оятлар.

“Эй жаҳаннам кўриқчилари! Уни ушлаб кишанлангиз! Сўнгра уни оловда куйдирингиз! Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солингиз!” Чунки у (дунёдалик пайтида) Улуғ Аллоҳга имон келтирмас эди. Мискинга таом беришга (ўзини ва ўзгаларни) тарғиб қилмас эди”<sup>248</sup>.

### Дўзах аҳли таомининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ شَجَرَةَ الزَّقْوِمِ ﴿٤٣﴾ طَعَامٌ الْأَثِيمِ ﴿٤٤﴾ كَالْمُهْلِ يَغْلِي فِي  
الْبُطُونِ ﴿٤٥﴾ كَغَلِيِّ الْحَمِيمِ ﴿٤٦﴾

“Албатта, (дўзахдаги) заққум дарахти гуноҳкорнинг таомидир. (У) қоринларда ёғдек қайнар, қайноқ сувнинг қайнашидек”<sup>249</sup>.

أَذَلِك خَيْرٌ لِّأُمَّ شَجَرَةِ الزَّقْوِمِ ﴿٦٢﴾ إِنَّا جَعَلْنَاهَا فِتْنَةً لِلظَّالِمِينَ  
﴿٦٣﴾ إِنَّهَا شَجَرَةٌ تَخْرُجُ فِي أَصْلِ الْجَحِيمِ ﴿٦٤﴾ طَلْعُهَا كَأَنَّهُ  
رُءُوسُ الشَّيَاطِينِ ﴿٦٥﴾ فَإِنَّهُمْ لَا يَكُونُ مِنْهَا فَمَا تَأُونُ مِنْهَا الْبُطُونَ ﴿٦٦﴾ ثُمَّ  
إِنْ لَهُمْ عَلَيْهَا لَشَوَابًا مِّنْ حَمِيمٍ ﴿٦٧﴾ ثُمَّ إِنْ مَرَّجَعَهُمْ لِإِلَى الْجَحِيمِ ﴿٦٨﴾

“Мана шу яхши зиёфатми ёки (дўзахдаги) заққум дарахтими? Ҳақиқатан, Биз уни (заққум дарахтини) золимлар учун фитна (синов ва азоб) қилиб қўйдик. Дарҳақиқат, у дўзах қаърида чиқадиган (ўсадиган) бир дарахтдир. Унинг бутоқлари(даги мевалари хунукликда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшар. Бас, улар (дўзах аҳли), албатта, ундан еювчи ва қоринларни

<sup>248</sup> Ҳоққа сураси, 30–34-оятлар.

<sup>249</sup> Духон сураси, 43–46-оятлар.

у билан тўлдирувчидирлар. Сўнгра, албатта, улар учун унинг (заққум мевалари) узра қайноқ сувдан аралаштириш бордир. Сўнгра уларнинг (бундай “зиёфат”дан) қайтиши, албатта, дўзах (олдинги жойлари) саридир”<sup>250</sup>.

Дўзахда заққум дарахти бўлиши ҳақида сўзланганида кофирлар: “Дўзахда қандай қилиб дарахт ўссин. Ахир дўзахнинг ўти уни куйдириб юбормайдими?”, деб шубҳа билдиришган. Оятда кофирлар Аллоҳнинг қудратига шак келтирганлари учун, у дарахт тўғрисида зикр қилинганида ақллари ишонмай, фитна-алдовга дучор бўлишлари уқтирилаётгани шундан.

لَيْسَ لَهُمْ طَعَامٌ إِلَّا مِنْ ضَرِيحٍ ﴿٦﴾ لَا يُسْمِنُ وَلَا يُغْنِي مِنْ جُوعٍ ﴿٧﴾

“Улар учун таом бўлмас, бўлганда ҳам фақат заҳарли гиёҳдан бўлиб, (у) семиртirmайди ҳам, очликдан ҳам халос этмайди”<sup>251</sup>.

فَلَيْسَ لَهُ الْيَوْمَ هُنَا حَمِيمٌ ﴿٣٥﴾ وَلَا طَعَامٌ إِلَّا مِنْ غَسِيلِينَ ﴿٣٦﴾ لَا يَأْكُلُهُمْ إِلَّا الْخَاطِئُونَ ﴿٣٧﴾

“Бас, бугун бу ерда унга бирор дўст йўқдир. Йирингдан бошқа бирор таом ҳам йўқдир. Уни эса, фақат хатога (куфрга) кетганларгина егайлар”<sup>252</sup>.

### Дўзах аҳли ичимлигининг сифати

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

مَنْ وَرَّأَيْهِ جَهَنَّمُ وَيَسْقَى مِنْ مَّاءٍ صَدِيدٍ ﴿١١﴾ يَتَجَرَّعُهُ

<sup>250</sup> Соффат сураси, 62–68-оятлар.

<sup>251</sup> Гошия сураси, 6–7-оятлар.

<sup>252</sup> Ҳоққа сураси, 35–37-оятлар.

وَلَا يَكَادُ يُسِيغُهُ، وَيَأْتِيهِ الْمَوْتُ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ وَمَا هُوَ بِمَيِّتٍ وَمِنْ وَرَائِهِ عَذَابٌ غَلِيظٌ ﴿١٧﴾

“Унинг рўпарасида жаҳаннам турар. (Жаҳаннамда) унга йиринг сувидан берилур. Уни ютмоқчи бўлади-ю, (томоғидан) ўтказа олмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўла олмайди. Унинг ортида (бундан ҳам) оғир азоб бордир”<sup>253</sup>.

وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ ۖ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ ۗ إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا أَحَاطَ بِهَا مِنْ سُرَادِقُهَا ۗ وَإِنْ يَسْتَعِيثُوا يُغَاثُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ ۗ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا ﴿٢٩﴾

“Айтинг: “(Бу Қуръон) Раббингиздан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин”. Аниқки, Биз золим (кофир)лар учун алангалари уларни қамраб оладиган дўзахни тайёрлаб қўйганмиз. Агар улар (ташналикка чидамай) ялинсалар, эритилган (қиздирилган) ёғ каби юзларни куйдирувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у!”<sup>254</sup>

هَذَا وَإِنَّ لِلظَّالِمِينَ لَشَرَّ مَاءٍ ﴿٥٥﴾ جَهَنَّمَ يَصَلَوْنَهَا فَيَنْسِلُ الْمُهَادُ ﴿٥٦﴾  
هَذَا فَلْيَذُوقُوهُ حَمِيمٌ وَعَسَاقٌ ﴿٥٧﴾ وَءَاخِرُ مِنْ شَكْلِهِ ۖ أَزْوَاجٌ ﴿٥٨﴾

“Ҳақиқат) шудир. Дарвоқе, ҳаддан ошувчи кимсалар учун энг ёмон оқибат – бу, улар тушадиган жаҳаннамдир. Бас, нақадар ёмон жой у! Мана бу қайноқ сув ва йирингдир. Бас,

<sup>253</sup> Иброҳим сураси, 16–17-оятлар.

<sup>254</sup> Қаҳф сураси, 29-оят.

улар уни тотиб кўрсинлар! Бошқа (азоб-уқубатлар) ҳам, ўша шаклда бўлур”<sup>255</sup>.

### Дўзах аҳли кийимининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

هَذَانِ خَصْمَانِ أَخَصَمُوا فِي رَبِّهِمْ ۖ فَالَّذِينَ كَفَرُوا قُطِعَتْ لَهُمْ  
ثِيَابٌ مِّن نَّارٍ يُصَبُّ مِنْ فَوْقِ رُءُوسِهِمُ الْحَمِيمُ ﴿١١﴾

“Мана шу икки рақиблар (мўминлар билан кофирлар) Парвардигорлари(нинг дини) хусусида талашдилар. Бас, кофир бўлганлар учун (охиратда) оловдан кийимлар бичилиб, бошларидан қайноқ сув қуйилур”<sup>256</sup>.

وَتَرَى الْمَجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ مُّقْرَنِينَ فِي الْأَصْفَادِ ﴿٤٩﴾ سَرَابِلُهُمْ  
مِّن قِطْرَانَ وَتَغَشَىٰ وُجُوهُهُمُ النَّارُ ﴿٥٠﴾

“(Эй Муҳаммад!) Ўша (қиёмат) куни жиноятчиларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўражаксиз. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур”<sup>257</sup>.

### Дўзах аҳлининг кўрпа-тўшаги

Аллоҳ таоло айтади:

لَهُمْ مِّن جَهَنَّمَ مَهَادٌ وَمِنْ فَوْقِهِمْ غَوَاشٍ ۖ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الظَّالِمِينَ ﴿٤١﴾

“Уларга жаҳаннам (ўти)дан (остиларига) пояндоз ва устиларига ёпинчиқ (бўлур). Золимларни ана шундай жазолагаймиз”<sup>258</sup>.

<sup>255</sup> Сод сураси, 55–58-оятлар.

<sup>256</sup> Ҳаж сураси, 19-оят.

<sup>257</sup> Иброҳим сураси, 49–50-оятлар.

<sup>258</sup> Аъроф сураси, 41-оят.

### Дўзах аҳлининг ҳасрати

Аллоҳ таоло айтади:

وَقَالَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا لَوْ أَنَّا كَرِهْنَا لَنَا كَرَّةً فَنَتَّبَرَأَ مِنْهُمُ كَمَا تَبَرَّءُوا مِنَّا  
كَذَلِكَ يُرِيهِمُ اللَّهُ أَعْمَلَهُمْ حَسْرَتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا هُمْ بِخَارِجِينَ  
مِنَ النَّارِ

«Эргашганлар: “Қани эди бизга бир бор (дунёга) қайтиш мумкин бўлса-ю, улар биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонсак”, дейдилар. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло уларнинг қилмишларини ўзларига ҳасрат узра ҳасрат қилиб кўрсатади. Улар дўзахдан чиқувчи эмаслар»<sup>259</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатга кирган инсонга янада шукрини кўпайтириши учун ёмонлик қилиб ўтганида борадиган дўзахдаги ўрни кўрсатилади. Дўзахга кирган инсонга эса, унга ҳасрат бўлиши учун агар яхшилик билан ўтганида борадиган жаннатдаги ўрни кўрсатилади”<sup>260</sup>.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳ таоло қиёматда энг энгил азобланувчига айтади: “Агар сен учун дунёдаги ашёлардан бирор нарса бўлганида, у билан ўзингни азобдан сақлаган бўлармидинг?” У: “Ҳа”, дейди. Аллоҳ: “Сен ҳали Одам пуштида эканингда сендан бундан-да энгилроқ нарсани сўрагандим. У Менга

<sup>259</sup> Бақара сураси, 167-оят.

<sup>260</sup> Имом Бухорий ривояти.

бирор нарсани шерик қилмаслигинг эди. Сен бундан бош тортдинг ва Менга ширк келтирдинг”<sup>261</sup>.

### Дўзах аҳлининг сўзлари

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

قَالَ ادْخُلُوا فِي أُمَمٍ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِكُمْ مِنَ الْجِنَّ وَالْإِنْسِ فِي النَّارِ  
كَلَّمَا دَخَلَتْ أُمَّةٌ لَعْنَتٌ أُنْخَبَتْ عَنْهَا حَتَّىٰ إِذَا آدَرَكُوا فِيهَا جَمِيعًا قَالَتْ  
أُخْرَنَاهُمْ لِأَوْلَادِهِمْ رَبَّنَا هَٰؤُلَاءِ أَضَلُّونَا فَفَاتِهِمْ عَذَابًا ضِعْفًا مِنَ النَّارِ  
قَالَ لِكُلِّ ضِعْفٍ وَلَكِنْ لَا نَعْلَمُونَ ﴿٣٨﴾ وَقَالَتْ أَوْلَادُهُمْ لِأُخْرَنَاهُمْ فَمَا  
كَانَ لَكُمْ عَلَيْنَا مِنْ فَضْلٍ فذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْسِبُونَ ﴿٣٩﴾

«(Уларга Аллоҳ) айтади: “Сизлардан олдин ўтган жин ва инсдан иборат (кофир) умматлар ичида (сизлар ҳам) дўзахга кирингиз!” Ҳар бир гуруҳ (дўзахга) кирганда, шеригини лаънатлайди. У ерда бир-бирлари билан жам бўлиб топишиш-гач, охирги (гуруҳ) ўзидан олдингиси ҳақида: “Эй Раббимиз! Ана ўшалар бизни адаштирганлар. Уларга дўзах азобини кўпайтириб бергин!” дейдилар. (Шунда Аллоҳ): “Ҳар бир (гуруҳ) учун (азоб ҳам) кўпайтирилгандир, лекин (сизлар бунинг ҳикматини) билмайсиз”, дегай. Аввалгилари (адаштирганлари) кейингиларига (адашганларга) айтадилар: “Сизларнинг бизлардан ортиқлигингиз йўқ. Қилмишларингизга яраша (белгиланган) азобни тотаверингиз!”»<sup>262</sup>

<sup>261</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>262</sup> Аъроф сураси, 38–39-оятлар.

وَقَالَ إِنَّمَا اتَّخَذْتُمْ مِّن دُونِ اللَّهِ أَوْثَانًا مَّوَدَّةَ بَيْنِكُمْ فِي الْحَيَاةِ  
الدُّنْيَا ثُمَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُ بَعْضُكُم بِبَعْضٍ وَيَلْعَنُ  
بَعْضُكُم بَعْضًا وَمَأْوَأَتُكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّن  
نَّاصِرِينَ ﴿٢٥﴾

«(Иброҳим) айтди: “Сизлар фақат дунё ҳаётидаги ўзаро дўстлашингизни кўзлаб, Аллоҳни қўйиб, бутларни тутдингиз. Сўнгра қиёмат кунида баъзиларингиз (пешволарингиз) баъзиларингиздан (эргашувчилардан) тонур, баъзиларингиз баъзиларингизни лаънатлар. Борар жойингиз дўзахдир. (У жойда) сизлар учун ёрдам берувчилар йўқдир”»<sup>263</sup>.

لَا نَدْعُوا الْيَوْمَ ثُبُورًا وَاحِدًا وَّادْعُوا ثُبُورًا كَثِيرًا ﴿١٤﴾

«(Шунда уларга): “Сизлар бугун бир ҳалокат эмас, кўп ҳалокатларни тилангиз!” (дейилур)»<sup>264</sup>.

### Дўзахда азобланувчи тоифалар

Дўзахда азобланувчи тоифалар қуйидагилар:

#### 1. Кофирлар ва мунофиқлар.

Кофирлар Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига далил бўлган аломатларни тафаккур қилмай, яратган Раббисига имон келтирмаган жамоалардир. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларни дўзахга маҳкум қилган.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мунофиқлар сифатини баён қилиб

<sup>263</sup> Анкабут сураси, 25-оят.

<sup>264</sup> Фурқон сураси, 14-оят.



бундай деганлар: “Кимда тўртта сифат топилса, у ҳақиқий мунофиқ ҳисобланади. Агар улардан бири топилса, уни ташламагунича унда нифоқнинг бир хислати бўлади: омонатга хиёнат қилади; сўзласа ёлғон гапиради; ваъдасига вафо қилмайди; баҳс-лашса, уни жанжал-гуноҳга айлантиради”<sup>265</sup>.

Аллоҳ таоло айтади:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا هِيَ حَسْبُهُمْ وَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٦٨﴾

“Мунофиқлар, мунофиқалар ва кофирларга Аллоҳ (улар) абадий қоладиган жаҳаннам оловини ваъда қилди. Уларга у кифоядир. Уларни Аллоҳ лаънатлади. Улар учун яна доимий азоб бордир”<sup>266</sup>.

## 2. Гуноҳсиз инсонни қасддан ўлдирувчи.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَةُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا ﴿٩٣﴾

“Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай”<sup>267</sup>.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким аҳдлашган (омонлик аҳди берилган,

<sup>265</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>266</sup> Тавба сураси, 68-оят.

<sup>267</sup> Нисо сураси, 93-оят.

гуноҳсиз) кишини ўлдирса, жаннат исини ҳидламайди. Зеро, унинг бўйи қирқ йиллик масофадан келиб туради”<sup>268</sup>.

### 3. Зинокор эркаклар ва аёллар.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّيْفَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا ﴿٣٢﴾

“Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир”<sup>269</sup>.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким зино қилса ёки ароқ ичса, одам кийимини бошидан ечганидек, Аллоҳ таоло ундан имонини ечиб олади”<sup>270</sup>.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Эй мусулмонлар жамоаси, зинодан сақланинглар. Чунки унда олтига хислат бўлиб, учтаси дунёда, учтаси охиратда бўлади. Дунёдагилари: юзнинг нури кетиши, умрнинг қисқариши, камбағалликнинг давомийлиги. Охиратдагилари эса: Аллоҳ таолонинг зинокордан ғазабда бўлиши, ҳисобнинг оғир кечиши, дўзахда азобланиши”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Иблис аскарларини ерга юбораётиб, уларга: “Қайси бирингиз бир мусулмонни йўлдан адаштиради, унинг бошига тож кийдираман” дейди. Улардан энг катта фитначиси ва унга яқинроғи келиб: “Бир мусулмонни узоқ адаштирдим, ниҳоят хотинини талоқ қилди”, деди. Иблис: “Катта иш қилмабсан, у тезда бошқасига уйланади”. Бошқаси келиб, деди: “Фитна қила-қила, ниҳоят икки мусулмон ўртасига душманчилик

<sup>268</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>269</sup> Исро сураси, 32-оят.

<sup>270</sup> Имом Ҳоким ривояти.

солдим”. Иблис деди: “Катта иш қилмабсан, улар тезда ярашиб олишади”. Яна бошқаси келиб, деди: “Фитна қилавердим-қилавердим, ниҳоят улар зино қилишди”. Шунда Иблис: “Ҳа, сенинг бу ишинг таҳсинга лойиқ”, деб унга тож кийдиради”.

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларидан: “Сизлардан ким туш кўрди!” деб кўп сўрар эдилар. Жумладан, у зот бир куни эрталаб дедилар: “Бу кеча менга икки киши келди ва мени турғазиб, юринг, деди. Биз жўнадик ва тандирга ўхшаган жойга келдик. У ердан шовқин-сурон ва овозлар эшитиларди. “Биз у жойга қарасак, яланғоч эркагу аёллар бор экан. Уларга остиларидан олов тегарди. Уларга оташ ҳар текканида бақиришарди. “Улар ким?” деб сўрадим... Ҳадис давомида: “Иккаласи: “Тандир кўринишидаги жойда бўлган яланғоч эркагу аёллар зинокор эркаклар ва аёллардир...”, дейишди”<sup>271</sup>.

#### 4. Судхўрлар.

Юқоридаги ҳадис давомида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Биз яна жўнадик ва қонли дарёнинг олдига келдик. Дарё ўртасида бир киши тик турар ва дарё қирғоғида эса, олдида тошлар уюлган одам турар эди. Дарё ўртасидаги киши қирғоққа чиқмоқчи бўлганида четдаги одам тош билан унинг оғзига уриб, олдинги жойига қайтарди. Шундай қилиб, ҳар сафар чиқиш учун келганида, оғзига тош билан уриб, олдинги ҳолига қайтарарди. Шунда мен: “Бу нима ҳолат?..” деб сўрадим. У зот: “Дарёдаги сиз кўрган одам судхўр(лардан)дир”, дедилар”<sup>272</sup>.

<sup>271</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>272</sup> Имом Бухорий ривояти.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُّضَاعَفَةً ۖ وَاتَّقُوا  
اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٣٠﴾

“Эй имон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки барабар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама шаклида еб юбормангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангиз”<sup>273</sup>.

الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ  
الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا ۗ  
وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا ۗ فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّهِ فَانْتَهَى  
فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ ۗ وَمَنْ عَادَ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ  
النَّارِ ۗ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١٣٥﴾

«Судхўрлар (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) кўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: “Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи” деган гаплари (ақидалари)дир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, кимга Раббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани – ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир»<sup>274</sup>.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Қайси қавмда фоиз (фойда) еювчилик пайдо бўлса,

<sup>273</sup> Оли Имрон сураси, 130-оят.

<sup>274</sup> Бақара сураси, 275-оят.

уларда жиннилар кўпаяди, қайси қавмда зино пайдо бўлса, уларда ўлим ортади, қайси қавм тош-тарозидан уриб қолса, Аллоҳ улардан ёмғирни тўсади”<sup>275</sup>.

Одамларга қилган ҳийлалари сабабли фойда (фоиз) еювчилар маҳшарда чўчка ва итлар суратида тўпланиши ривоятларда келган.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хутба қилдилар. Унда судхўрлик ва унинг ёмонлиги ҳақида гапириб: “Кишининг рибодан топган бир дирҳами мусулмон ҳолатида қилган ўттиз олтита зинодан ёмонроқдир”, дедилар”<sup>276</sup>.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Судхўрлик етмишта гуноҳ бўлиб, унинг энг енгили одам ўз онаси билан зино қилишига ўхшайди”<sup>277</sup>.

Саҳобалар Аллоҳдан қаттиқ кўрққанларидан, қачон бир одамга қарз берсалару шу қарз туфайли ўзларига берилган ҳадяни ҳам фойда (рибо)га кириб қолмасин деб, қабул қилишмаган.

### 5. Етим молини еювчилар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ бир қавмни қабрларидан чиқаради уларнинг қоринларидан олов чиқиб, унинг алангаси оғизларидан чиқиб туради”, дедилар. “Ё Расулуллоҳ, улар ким?” деб сўрашди. У зот: “Аллоҳ таолонинг:

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا



<sup>275</sup> Имом Ибн Можа ривояти.

<sup>276</sup> Имом Ибн Абу Дунё ва Имом Байҳақий ривояти.

<sup>277</sup> Имом Ибн Можа ривояти.

**“Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайлар”<sup>278</sup>, деганини эшитмаганмисизлар?!” деб жавоб қилдилар**<sup>279</sup>.

Имом Суддий (раҳимахуллох) айтади: “Етим молини зулм билан еювчилар қиёматда тўпланишганида, улар оғзидан, қулоғидан, бурни ва икки кўзидан аланга чиқиб туради. Шундан уларни кўрган ҳар бир одам у етим молини еювчи эканини билади”.

Динимизда етим молини ейишдан қайтариш тугул, балки уларга имкон қадар яхшилик қилишга тарғиб қилинган. Жумладан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Етимни кафолатига олувчи билан мен жаннатда биргамиз”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасини бир оз очиб кўрсатдилар<sup>280</sup>.

Яна Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Қайси бир мусулмон етимни едириб-ичириб, уни беҳожат қилса, сўнг кечирилмайдиган гуноҳга қўл урмаса, Аллоҳ унга жаннатни вожиб қилади”.

Абу Дардо (розиаллоҳу анҳу)га бир киши: “Менга васият қилинг”, деди. У зот: “Етимга раҳм қил, уни ўзингга яқин тут ва таомингдан едир. Чунки мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бир киши қалби қаттиқлигидан шикоят қилиб келганида унга: “Агар қалбинг юмшашини хоҳласанг, етимни ўзингга яқин тут, бошини сила ва унинг қорнини тўйғаз. Бу нарса қалбингни юмшатади ва ҳожатларингни чиқаради”, деганларини эшитганман”, деди<sup>281</sup>.

---

<sup>278</sup> Нисо сураси, 10 оят.

<sup>279</sup> Имом Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида келган.

<sup>280</sup> Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти.

<sup>281</sup> Имом Табароний ривояти.

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ آلِيَتِمَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا ﴿١٠﴾

“Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайлар”<sup>282</sup>.

### 6. Ёлғончи, ғийбатчи ва чақимчилар.

Аллоҳ таоло айтади:

وَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ الْمُكَذِّبِينَ الضَّالِّينَ ﴿١٢﴾ فَزُلْ مِنْ حَمِيمٍ ﴿١٣﴾ وَتَصْلِيَةٌ جَحِيمٍ ﴿١٤﴾

«Борди-ю, у (динни) инкор этувчи гумроҳлардан (чап томон эгаларидан) бўлса, бас, қайноқ сувдан иборат “зиёфат” ва дўзахда куйиш бордир»<sup>283</sup>.

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан сафарда бўлганида: “Ё Расулуллоҳ, бизлар гапирган нарсамизга ҳам ҳисоб берамизми?” деб сўради. У зот: “Онанг сени йўқотсин, эй Муоз, одамларни дўзахга юзлари ёки бурунлари билан туширадиган нарса уларнинг ғийбат-бўхтон сўзлари-ку!”, деб жавоб қилдилар”<sup>284</sup>.

Мусулмонлар орасига душманлик солиш ва уларнинг бир-бирини ёмон кўришига сабаб бўлувчи ёлғон гап Қуръони каримда ҳам, Расулуллоҳ Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларида ҳам қораланган. Шунингдек, мусулмонлар бу разил сифатлардан қайтарилган.

<sup>282</sup> Нисо сураси, 10-оят.

<sup>283</sup> Воқеа сураси, 92–94-оятлар.

<sup>284</sup> Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти.

Имон билан ёлғон ўзаро келишолмаслиги ҳадиси шарифда бундай баён қилинган: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан сўрашди: “Мўмин кўрқоқ бўладими?” У зот: “Ҳа”, дедилар. “Мўмин бахил бўладими?” У зот: “Ҳа”, дедилар. “Мўмин ёлғончи бўладими?” У зот: “Йўқ”, деб жавоб бердилар”.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёлғондан узоқ бўлинглар. Чунки у инсонни ёмонликларга бошлайди. Ёмонликлар эса, дўзахга олиб боради. Инсон ёлғон гапиришда давом этаверса, унга одатланиб қолади ва Аллоҳнинг ҳузурда ёлғончи деб ёзиб қўйилади”, дедилар<sup>285</sup>.

Шунингдек, ғийбат қилиш ҳам ҳаром эканини Аллоҳ таоло баён қилган:

وَلَا يَغْتَب بَّعْضُكُم بَعْضًا ۚ أَيُّبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ  
أَخِيهِ مِمَّا فَكَرِهْتُمُوهُ

**“Бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейшни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир!”<sup>286</sup>**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Ё Расулуллоҳ, ғийбат нима?” деб сўрашди. У зот: “Биродарингизни у ёмон кўрган нарса билан эслашингиз”, деб жавоб қилдилар. “Агар айтган нарсам биродаримда бўлса-чи?” дейишди. У зот: “Агар айтган нарсанг унда бўлса, уни ғийбат қилибсан. Бордию айтган нарсанг унда топилмаса, унга бўҳтон қилибсан”, дедилар<sup>287</sup>.

<sup>285</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>286</sup> Ҳужурот сураси, 12-оят.

<sup>287</sup> Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти.



Абу Бурда Балавий (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: “Эй тиллари билан имон келтириб, қалбларига имон етиб бормаган жамоат, мусулмонларни ғийбат қилманглар ва айбларини қидирманглар! Ким мусулмонларнинг айбини қидирса, Аллоҳ унинг айбини қидиради. Кимнинг айбини Аллоҳ қидирса, уйининг ичида бўлса ҳам, очиб ташлайди”<sup>288</sup>.

Нима учун киши чақимчилик сабаб дўзахга тушиши ҳақида тўхталсак. Чақимчилик – одамлар орасини бузиш ниятида бир кишининг сўзини иккинчи одамга етказишдир. Шу боис у шариатда ҳаром қилинган. Қуръони каримда бундай дейилган:

وَلَا تَطْعَمْ كُلَّ حَلَاْفٍ مَّهِيْنٍ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَّشَاءٍ بِنَعِيْمٍ ﴿١١﴾ مَتَاعٍ لِّلْخَيْرِ  
مُعْتَدٍ اٰثِيْمٍ ﴿١٢﴾ عْتَلٍ بَعْدَ ذٰلِكَ زَنِيْمٍ ﴿١٣﴾

“(Эй Муҳаммад!) **Ҳар қандай тубан қасамхўрга** (Валид ибн Муғирага) **итоат этманг!** (У) **ғийбатчи, гап ташувчи, яхшиликни ман этувчи** (бахил), **тажовузкор, гуноҳкор, қўпол ва булардан ташқари бенасаб** (ҳароми)**дир**”<sup>289</sup>.

Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Чақимчи жаннатга кирмайди”<sup>290</sup>.

Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) икки қабр ёнидан ўтаётиб, бундай дедилар: “Иккиси хаёлларида катта бўлмаган нарса сабабли азобланыпти: бири сийдигидан сақланмас эди, иккинчиси чақимчилик қилиб юрарди. – Сўнг бир ҳўл новдани юлиб, иккига бўлдилар ва ҳар бир гўрга биттадан суқиб

<sup>288</sup> Имом Абу Довуд ривояти.

<sup>289</sup> Қалам сураси, 10–13-оятлар.

<sup>290</sup> Муттафақун алайҳ.

қўйдилар. – “Шоядки, булар қуригунича улардан азоб енгиллатилса”, дедилар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлар билган одамларнинг энг ёмони иккиюзламачидир. У бир жамоага бир юз билан, иккинчи жамоага бошқа юз ила юзланади. Бу дунёда кимнинг икки тили (яъни, чақимчи) бўлса, Аллоҳ қиёматда унга оловдан икки тил қилиб қўяди”, дедилар”<sup>291</sup>.

Ҳасан Басрий: “Ким сенга бир сўзни олиб келса, билгинки, сенинг сўзингни ҳам бошқага олиб боради, яъни, чақимчилик қилади”, дедилар.

#### 7. Аллоҳ туширган нарсани беркитувчилар.

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ  
وَيَشْتَرُونَ بِهِ شَمًا قَلِيلًا ۗ أُولَٰئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا  
النَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ  
وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

“Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)даги нарсани (Муҳаммад тўғрисидаги оятларни) сир тутадиган ва уни озгина баҳога сотадиганлар, албатта, ўз қоринларига олов еган бўлурлар. Аллоҳ қиёмат кунда улар билан сўзлашмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди ҳам. Уларга аламли азоб (берилур)”<sup>292</sup>.

<sup>291</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>292</sup> Бақара сураси, 174-оят.

## Дўзах аҳлининг ўзаро тортишуви

Кофирлар Аллоҳ улар учун тайёрлаб қўйган азобни кўришгач, ўзларидан нафратланишади. Ўзаро муҳаббатлари душманликка айланади. Шу пайтда дўзах аҳли бир-бири билан тортишади ва табақаларининг турига қараб, ўзаро ҳужжат келтира бошлашади:

**1. Мушрикларнинг ўзлари сиғиниб келган “илоҳ”ларига хусуматлари.**

Аллоҳ таоло айтади:

﴿قَالُوا وَهُمْ فِيهَا يَخْتَصِمُونَ﴾ ٩٦ تَاللَّهِ إِن كُنَّا لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٩٧﴾  
 ﴿إِذْ نُسُيْتُمْ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾ ٩٨ وَمَا أَضَلَّنَا إِلَّا الْأُمُجِرُونَ ﴿٩٩﴾

“Улар (дўзахда) баҳслашар эканлар, дейдилар: “Аллоҳга қасамки, албатта, биз (дунёда бўлганимизда) аниқ залолатда эканмиз – ўша сизларни оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда. Бизларни (ўшанда) айнан жиноятчилар йўлдан оздирдилар”<sup>293</sup>.

**2. Заифларнинг мутакаббирларга адоватлари.**

Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذْ يَتَحَاجُّونَ فِي النَّارِ فَيَقُولُ الضُّعَفَاءُ لِلَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا إِنَّا كُنَّا لَكُمْ تَبَعًا فَهَلْ أَنْتُمْ مُغْنُونَ عَنَّا نَصِيبًا مِنَ النَّارِ ﴿٤٧﴾ قَالَ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا إِنَّا كُلٌّ فِيهَا إِذْ قَالَ اللَّهُ قَدْ حَكَمَ بَيْنَ الْعِبَادِ ﴿٤٨﴾

«Ўшанда улар дўзахда ўзаро тортишиб, заифлар мутакаббирларга (собиқ йўлбошчиларига): “Бизлар сизларга эргашган эдик, энди сизлар биздан

<sup>293</sup> Шуаро сураси, 96–99-оятлар.

дўзах (азоби)нинг бирор бўлагини даф қила олурмисиз?” дерлар. Мутакаббир кимсалар айтурлар: “Бизларнинг барчамиз, шубҳасиз, унда (дўзахда)дирмиз. Аллоҳ бандалари ўртасида ўз ҳукмини чиқариб бўлди”»<sup>294</sup>.

3. Эргашувчиларнинг залолат эгалари билан низолари.

Аллоҳ таоло айтади:

وَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ يَتَسَاءَلُونَ ﴿٢٧﴾ قَالُوا إِنَّكُمْ كُنْتُمْ تَأْتُونَنَا عَنِ الْيَمِينِ  
﴿٢٨﴾ قَالُوا بَلْ لَمْ تَكُونُوا مُؤْمِنِينَ ﴿٢٩﴾ وَمَا كَانَ لَنَا عَلَيْكُمْ مِنْ سُلْطَانٍ  
بَلْ كُنْتُمْ قَوْمًا طَٰغِينَ ﴿٣٠﴾ فَحَقَّ عَلَيْنَا قَوْلُ رَبِّنَا إِنَّا لَذَٰئِقُونَ ﴿٣١﴾  
فَأَعْوَبْنَاكُمْ إِنَّا كُنَّا غُلُوْبِينَ ﴿٣٢﴾ فَأَنَّهُمْ يَوْمَئِذٍ فِي الْعَذَابِ مُشْتَرِكُونَ ﴿٣٣﴾

«Уларнинг баъзиси баъзисига қараб савол-жавоб қилурлар: (Алданганлар ўз пешволарига): “Ҳақиқатан, сизлар бизларга ўнг томондан (яъни, ишончли томондан) келар эдингиз”, дейдилар. (Пешволар) айтурлар: “Йўқ, сизлар ўзларингиз мўмин бўлмаган эдингиз. (Ахир) бизлар учун сизларнинг устингиздан ҳукмронлик йўқ эди-ку! Йўқ, сизлар ўзларингиз ҳаддан ошувчи қавм эдингиз. Бас, энди бизларга Парвардигоримизнинг Сўзи (азоби) муқаррар бўлди. Бизлар (уни) тотувчидирмиз. Чунки бизлар йўлдан озувчи бўлганимиз сабабли сизларни ҳам йўлдан оздирдик”. Бас, албатта, улар (озганлар ва уларнинг пешволари) ўша кунда (қиёматда) азобда шерик бўлувчидирлар»<sup>295</sup>.

<sup>294</sup> Ғофир сураси, 47–48-оятлар.

<sup>295</sup> Софот сураси, 27–33-оятлар.

#### 4. Кофирлар ва уларнинг яқини шайтон орасидаги хусумат.

Аллоҳ таоло айтади:

قَالَ قَرِينُهُ رَبَّنَا مَا أَطَعَيْتُهُ، وَلَكِنْ كَانَ فِي ضَلَالٍ بَعِيدٍ ﴿٢٧﴾ قَالَ لَا تَخْصِمُوا لَدَيَّ وَقَدْ قَدَّمْتُ إِلَيْكُمْ بِالْوَعِيدِ ﴿٢٨﴾ مَا يُبَدِّلُ الْقَوْلَ لَدَيَّ وَمَا أَنَا بِظَلَمٍ لِلْعَبِيدِ ﴿٢٩﴾

«Унинг яқини (шайтон): “Парвардигоро, уни мен туғёнга солганим йўқ, лекин унинг ўзи (ҳақ йўлдан) йироқ залолатда бўлди”, дейди. (Аллоҳ) айтади: “Менинг даргоҳимда баҳслашмангиз! Мен илгари сизларга таҳдид (огоҳлантириш) қилганман. Менинг даргоҳимда (қилинган) сўз ўзгартирилмас ва Мен бандаларга ноҳақлик қилувчи ҳам эмасдирман”»<sup>296</sup>.

(Дунёда гуноҳ қилиб юрган одамларга қилаётган ишлари хато экани айтилса: “Шайтон йўлдан урди, шайтоним кучлилик қилди”, деб бор айбни Иблисга тўнкашади. Бу қилмишлари ноҳақликдир. Тўғри, шайтон мўминни доимо васваса қилади, лекин бирор амални бажариш учун унинг қўлидан тортиб мажбур этолмайди. Васвасага учадиган, одамнинг ўзи. Шунга кўра, шайтоннинг васвасасидан йироқ бўлишга, Раҳмоннинг раҳматига эришишга ҳаракат қилайлик.)

#### 5. Одамнинг ўз аъзолари билан баҳслашуви.

Аллоҳ таоло айтади:

وَيَوْمَ يُحْشَرُ أَعْدَاءُ اللَّهِ إِلَى النَّارِ فَهُمْ يُوزَعُونَ ﴿١٩﴾ حَتَّىٰ إِذَا مَا جَاءُوهَا شَهِدَ عَلَيْهِمْ سَمْعُهُمْ وَأَبْصَارُهُمْ وَجُلُودُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

<sup>296</sup> Қоф сураси, 27–29-оятлар.

﴿٢٠﴾ وَقَالُوا لَجُلُودِهِمْ لِمَ شَهِدْتُمْ عَلَيْنَا قَالُوا أَنْطَقَنَا اللَّهُ الَّذِي  
﴿٢١﴾ أَنْطَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ خَلَقَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ

«Аллоҳнинг душманлари (ширк ва куфр аҳли) дўзахга (ҳайдалиш учун) тўпланиб, тизилиб турадиган кунни (қиёматни эсланг). Бас, қачонки, улар (дўзахга) келишгач, уларнинг қулоқлари, кўзлари ва терилари улар қилиб ўтган нарса (иш)лари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик берур. Улар териларига (баданларига): “Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингиз?” дейишганида, (терилари): “Бизларни, барча нарсани сўзлатган зот – Аллоҳ сўзлатди. Сизларни илк бор У яратган ва сизлар яна Унинг хузуригагина қайтарилурсиз”, дейдилар»<sup>297</sup>.

(Дунёда аъзоларимиз хоҳишимизга бўйсунди, гўё ўз фойдамизга ишлайди. Аммо қиёматда ҳар бир аъзойимиз, оятда келганидек, фойда-зараримизни ўйлаб ўтирмайди, ҳақиқатни айтади, тўғри гувоҳлик беради. Энди ўйлаб кўрайлик: шу аъзоларимиз билан гуноҳ ишлар қилган бўлсак, улар бор гапни айтади.)

**Дўзахийлар Аллоҳдан дунёда уларни  
адаштирганларни кўришни талаб қилишлари  
ва уларга азобнинг зиёда бўлиши**

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا رَبَّنَا أَرْنَا الَّذِينَ ضَلَّانَا مِنَ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ  
بَجَعَلَهُمَا تَحْتَ أَقْدَامِنَا لِيَكُونَا مِنَ الْأَسْفَلِينَ ﴿٢٩﴾

«Кофир бўлган кимсалар дейдилар: “Парвардигоро, бизларни (Тўғри йўлингдан) оздирган

<sup>297</sup> Фуссилат сураси, 19–21-оятлар.

инсу жиндан бўлмиш икки кимсани бизларга кўрсатгин, уларни оёқости қилайлик, токи улар (дўзахнинг қаъридаги) энг тубан (хор) кимсалардан бўлсинлар!»<sup>298</sup>

يَوْمَ تَقَلَّبُ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ يَلَيْتَنَّا أَطَعْنَا اللَّهَ وَأَطَعْنَا الرَّسُولَ  
 وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكِبَرَاءَنَا فَأَضَلُّونَا السَّبِيلًا ﴿٦٧﴾  
 رَبَّنَا إِنَّهُمْ ضَعَفَيْنَ مِنَ الْعَذَابِ وَالْعَنَهُمْ لَعْنًا كَبِيرًا ﴿٦٨﴾

«Юзлари оловда айлантириладиган кунда, улар: “Кошки эди, Аллоҳга итоат этганимизда, пайғамбарга итоат этганимизда”, дерлар. Яна улар: “Парвардигоро, дарҳақиқат, бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйсундик, бас, улар бизларни (тўғри) йўлдан оздирдилар. Парвардигоро, уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин!” дерлар»<sup>299</sup>.

### Дўзах аҳлига Иблиснинг хитоби

Аллоҳ таоло ҳукм қилиб, бандалар орасини ажратиб бўлгач, Иблис дўзах аҳлининг ғамлари, надоматлари ва ҳасратларини орттириш учун уларга хитоб қилади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

وَقَالَ الشَّيْطَانُ لَمَّا قُضِيَ الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعَدَ الْحَقِّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَفْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُمُونِي وَلُومُوا أَنْفُسَكُمْ

<sup>298</sup> Фуссилат сураси, 29-оят.

<sup>299</sup> Аҳзоб сураси, 66–68-оятлар.

مَا أَنَا بِمُصْرِحِكُمْ وَمَا أَنْتَ بِمُصْرِحِي إِنِّي كَفَرْتُ بِمَا  
أَشْرَكْتُمُونَ مِنْ قَبْلُ إِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٢﴾

«Қачонки, иш битгач (яъни, жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилинган), шайтон дейди: “Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен ҳам ваъда бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) чорладим. Сизлар менга ижобат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам берувчи эмассиз. Сизлар илгари мени (Аллоҳга) шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, золимлар (кофирлар) учун (охиратда) аламли азоб бордир”»<sup>300</sup>.

(Ҳар бир гуноҳ ишни қилганда шайтонни рўқач қилувчи одамларга қиёматда у айтадиган ушбу аламли гаплар етарли бўлса керак.)

### Дўзах зиёдаликни талаб қилиши

Аллоҳ таоло айтади:

يَوْمَ نَقُولُ لِجَهَنَّمَ هَلِ امْتَلَأَتْ وَتَقُولُ هَلْ مِنْ مَزِيدٍ ﴿٣٠﴾

«У кунда Биз жаҳаннамга “тўлдингми?” дермиз. У эса: “Яна қўшимча борми?” дер»<sup>301</sup>.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Дўзахга дўзахиларни ташлашда давом этилади. У: “Яна қўшимча борми?” дейди. Шунда

<sup>300</sup> Иброҳим сураси, 22-оят.

<sup>301</sup> Қоф сураси, 30-оят.



улуғлик ва қудрат эгаси Аллоҳ унга қадамини қўяди, бас, унинг бири бошқасига бирикиб кетади. Дўзах: “Қудратинг ва караминг ҳаққи, етарли, етарли”, дейди. Жаннат аҳлини кўпайтиришда давом этилади, ҳатто Аллоҳ унга халқларни пайдо қилиб, уларни жаннатдаги зиёда ўринга жойлаштиради”<sup>302</sup>.

### Дўзах аҳлининг аҳволлари

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِنَا سَوْفَ نُصَلِّيهِمْ نَارًا كَمَا تَصِجَتْ جُلُودُهُمْ بِدَلَنِهِمْ  
جُلُودًا غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا الْعَذَابَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿٥٦﴾

“Албатта, оятларимизни инкор этувчиларни дўзахда куйдиргаймиз. Азобни тотсинлар деб, терилари куйиб битиши билан ўрнига бошқа (янги) териларни алмаштириб турамиз. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир”<sup>303</sup>.

إِنَّ الْمَجْرِمِينَ فِي عَذَابٍ جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿٧٤﴾ لَا يَفْتَرُ عَنْهُمْ وَهُمْ فِيهِ  
مُبْسُونٌ ﴿٧٥﴾ وَمَا ظَلَمْنَاهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا هُمُ الظَّالِمِينَ ﴿٧٦﴾

“Албатта, жиноятчилар (кофирлар) жаҳаннам азобида мангу қолувчидирлар. Улардан (азоб) енгиллатилмас ва улар у ерда бутунлай ноумиддирлар. Уларга Биз зулм қилмадик, лекин (ўзларига) ўзлари зулм қилувчи бўлдилар”<sup>304</sup>.

إِنَّ اللَّهَ لعن الكافرين وأعد لهم سعيراً ﴿٦٤﴾ خَالِدِينَ فِيهَا أبدأ

<sup>302</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>303</sup> Нисо сураси, 56-оят.

<sup>304</sup> Зухруф сураси, 74–76-оятлар.

لَا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٦٥﴾ يَوْمَ تَقَلَّبُ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ بَلَيْتَنَا أَطَعْنَا اللَّهَ وَأَطَعْنَا الرَّسُولَ ﴿٦٦﴾

«Албатта, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва улар учун дўзахни тайёрлаб қўйди. (Улар) на бирор дўст ва на бирор ёрдамчи топмаган ҳолларида у жойда мангу қолурлар. Юзлари оловда айлантириладиган кунда, улар: “Кошки эди, Аллоҳга итоат этганимизда, пайғамбарга итоат этганимизда”, дерлар»<sup>305</sup>.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فِيمَوْتُهَا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِهَا كَذَلِكَ نَجْزِي كُلَّ كَافِرٍ ﴿٣٦﴾

“Кофир бўлган кимсаларга эса, шундай жаҳаннам ўти бордирки, на уларга ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур. Ҳар бир кофирни мана шундай жазолармиз”<sup>306</sup>.

فَأَمَّا الَّذِينَ شَقُوا فِي النَّارِ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿١٠٦﴾ خَالِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ إِلَّا مَا شَاءَ رَبُّكَ ۚ إِنَّ رَبَّكَ فَعَّالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿١٠٧﴾

“Бас, ўшанда бахтсиз бўлганлар (кофирлар ва гуноҳкор мўминлар) дўзахда бўлурлар ва улар у ерда инграб-ҳанграб турурлар. Модомики (охиратдаги) осмонлар ва ер бор экан, (улар) у ерда мангудирлар, илло, Раббингиз хоҳлагани (мўминларни ундан чиқариши) бундан мустаснодир. Албатта, Раббингиз истаган нарсасини амалга оширувчидир!”<sup>307</sup>

<sup>305</sup> Аҳзоб сураси, 64–66-оятлар.

<sup>306</sup> Фотир сураси, 36-оят.

<sup>307</sup> Худ сураси, 106–107-оятлар.

فَوَرَبِّكَ لَنَحْشُرَنَّهُمْ وَالشَّيَاطِينَ ثُمَّ لَنُحْضِرَنَّهُمْ حَوْلَ جَهَنَّمَ جِثِيًّا  
 ﴿٦٨﴾ ثُمَّ لَنَنْزِعَنَّ مِنْ كُلِّ شِيعَةٍ أَيُّهُمْ أَشَدُّ عَلَى الرَّحْمَنِ عُنِيًّا ﴿٦٩﴾ ثُمَّ  
 لَنَحْنُ أَعْلَمُ بِالَّذِينَ هُمْ أَوْلَىٰ بِهَا صِلِيًّا ﴿٧٠﴾

“Бас, (эй Муҳаммад!) Раббингизга қасамки, албатта, Биз уларни шайтонлари билан бирга тўплармиз, сўнгра (барчаларини) жаҳаннам атрофида тиз чўккан ҳолларида ҳозир қилурмиз. Кейин ҳар бир гуруҳдан қайсиниси Раҳмонга қаттиқроқ осий бўлса, (ўшани) суғуриб олурмиз (ва жаҳаннамга солурмиз). Сўнгра, Биз ўзимиз унда (жаҳаннамда) куйишига лойиқ кимсаларни яхшироқ билувчидирмиз”<sup>308</sup>.

إِنَّ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٦١﴾ لِلطَّاغِيْنَ مَثَابًا ﴿٦٢﴾ لِيُثْبِتْنَ فِيهَا أَحْقَابًا ﴿٦٣﴾ لَا يَذُقُونَ فِيهَا بَرْدًا وَلَا شَرَابًا ﴿٦٤﴾ إِلَّا لَحِيمًا وَّغَسَاقًا ﴿٦٥﴾ جَزَاءً وِفَاقًا ﴿٦٦﴾

“Албатта, жаҳаннам (тушувчиларни) кутувчи, ҳаддан ошганларнинг борадиган жойидир. (Улар) у жойда узоқ замонлар (абадул абад) қолувчидирлар. У жойда совуқлик ва ичимликни тотмаслар. Фақат қайноқ сув ва йирингнигина (тотурлар). (Мана шу қилмишларига) лойиқ жазодир”<sup>309</sup>.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ وَيَسَّ الْمَصِيرُ ﴿٦﴾ إِذَا أُلْقُوا فِيهَا سَمِعُوا لَهَا شَهيقًا وَهِيَ تَفُورُ ﴿٧﴾ تَكَادُ تَمَيِّزُ مِنَ الْغَيْظِ ﴿٨﴾ كُلَّمَا أُلْقِيَ فِيهَا فَوْجٌ سَأَلْتُمْ خَزَنَتَهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَذِيرٌ ﴿٨﴾ قَالُوا بَلَىٰ قَدْ جَاءَنَا نَذِيرٌ

<sup>308</sup> Марям сураси, 68–70-оятлар.

<sup>309</sup> Набаъ сураси, 21–26-оятлар.

فَكَذَّبْنَا وَقُلْنَا مَا نَزَّلَ اللَّهُ مِنْ شَيْءٍ إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا فِي ضَلَالٍ كَبِيرٍ ﴿١﴾

«Парвардигорларига кофир бўлган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оқибат бу! Қачонки, улар (жаҳаннамга) ташланганларида, қайнаб турган (жаҳаннамнинг) ўкирик (фарёди)ни эшитурлар. У ғазабдан парчаланиб кетгудек бўлур. Ҳар гал унга бир тўда (кофир бўлганлар) ташланганида, унинг қўриқчилари улардан: “Сизларга (дунёда бирор) огоҳлантирувчи (пайғамбар) келмаганмиди?” деб сўрайдилар. (Улар) дерлар: “Ҳа, ҳақиқатан, бизга огоҳлантирувчи келган эди, (лекин бизлар уни) ёлғончига чиқарганмиз ва: “Аллоҳ (ҳеч кимга) ҳеч нарса нозил қилган эмас, сизлар фақат катта залолат (гумроҳлик)дадирсиз, деганмиз»<sup>310</sup>.

إِنَّ الْمَجْرِمِينَ فِي ضَلَالٍ وَسُعْرٍ ﴿٤٧﴾ يَوْمَ يُسْحَبُونَ فِي النَّارِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ ذُوقُوا مَسَّ سَقَرَ ﴿٤٨﴾

«Албатта, жиноятчилар гумроҳлик ва хатоликдадирлар. Улар юз тубан ҳолларида дўзах сари судраладиган кунда (уларга): “Дўзах таъсирини тотиб кўрингиз!” (дейилур)»<sup>311</sup>.

كَلَّا لَيُبَدَنَّ فِي الْخُطْمَةِ ﴿٤﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْخُطْمَةُ ﴿٥﴾ نَارُ اللَّهِ الْمَوْقَدَةُ ﴿٦﴾ الَّتِي تَطَّلِعُ عَلَى الْأَفْئِدَةِ ﴿٧﴾ إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّوَصَّدَةٌ ﴿٨﴾ فِي عَمَدٍ مُّمَدَّدَةٍ ﴿٩﴾

«Йўқ! Қасамки, албатта, у “Хутама”га ташланур! (Эй инсон!) “Хутама” нима эканлигини сенга не

<sup>310</sup> Мулк сураси, 6–9-оятлар.

<sup>311</sup> Қамар сураси, 47–48-оятлар.

ҳам англатур?! (У) ёқиб қўйилган Аллоҳнинг бир оловидирки, (у баданларни тешиб ўтиб) юракларга қадар етур. Албатта, у (олов) уларни қамраб олувчидир. (Ўзлари) узун устунларда (занжирбанд) бўлурлар»<sup>312</sup>.

Усома ибн Зайд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: “Қиёмат куни бир киши келтирилиб, дўзахга ташланади. Дўзахда унинг ичаклари осилиб қолади. У эшак тегирмон атрофида айланганидек, айланади. Барча дўзах аҳли унинг олдига тўпланиб: “Эй фалончи, сенга нима бўлди? Бизларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?” деб сўрашади. Шунда у: “Сизларни яхшиликка буюриб, ўзим уни қилмасдим ва сизларни ёмонликдан қайтариб, ўзим уни тап тортмасдан қилар эдим”, дейди”<sup>313</sup>.

### Дўзах аҳлининг йиғилари ва қичқириқлари

Аллоҳ таоло айтади:

فَرِحَ الْمُخَلَّفُونَ بِمَقْعَدِهِمْ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ وَكَرِهُوا أَنْ  
يُجَاهِدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَالُوا لَا تَنْفِرُوا فِي الْحَرِّ  
قُلْ نَارُ جَهَنَّمَ أَشَدُّ حَرًّا لَوْ كَانُوا يَفْقَهُونَ ﴿٨١﴾ فَلْيَضْحَكُوا قَلِيلًا  
وَلْيَبْكُوا كَثِيرًا جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨٢﴾

«(Жангдан сохта узрлар билан) қолганлар Аллоҳнинг Расулига хилоф қилиб ўтиришларидан (ўзлари) шод бўлдилар ва молларию жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ёқтирмади-

<sup>312</sup> Хумаза сураси, 4–9-оятлар.

<sup>313</sup> Муттафақун алайҳ.

лар ва (бошқаларга ҳам): “Иссиқ ҳавода қўзғалмангиз!” дейишди. Айтинг: “Агар англасалар, жаҳаннам олови (ундан) иссиқроқдир. Бас, (улар) қилмишларининг жазоси учун (бу дунёда) оз кулсинлар ва (охиратда) кўп йиғласинлар!”»<sup>314</sup>

وَهُمْ يَصْطَرِحُونَ فِيهَا رَبَّنَا أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ أَوَلَمْ نُعَمِّرْكُم مَّا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَن تَذَكَّرُ وَجَاءَكُمُ النَّذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِن نَّصِيرٍ

«Улар у жойда: “Парвардигоро, бизларни (азобдан) чиқаргин – бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқача яхши (амалларни) қилайлик!” деб фарёд қилурлар. Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазоларингизни) тотаверингиз! Золимлар (кофирлар) учун ёрдамчи бўлмас»<sup>315</sup>.

لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَهُمْ فِيهَا لَا يَسْمَعُونَ

“Улар (мушриклар) учун у жойда (фақат) дод-фарёд қилишгина бўлур. Улар у ерда (ҳеч нарсани) эшитмаслар”<sup>316</sup>.

وَإِذَا أُلْقُوا مِنْهَا مَكَانًا ضَيِّقًا مُّقْرَّبَيْنِ دَعَوْا هُنَالِكَ ثُبُورًا  
لَّا نَدْعُوا الْيَوْمَ ثُبُورًا وَاحِدًا وَادْعُوا ثُبُورًا كَثِيرًا

<sup>314</sup> Тавба сураси, 81-82-оятлар.

<sup>315</sup> Фотир сураси, 37-оят.

<sup>316</sup> Анбиё сураси, 100-оят.

«Қачонки, кишанланган ҳолларида унинг (дўзахнинг) тор жойига ташланганларида, ўша жойда (ўзларига) ҳалокат тилаб қолурлар. (Шунда уларга): “Сизлар бугун бир ҳалокат эмас, кўп ҳалокатларни тилангиз!” (дейилур)»<sup>317</sup>.

وَيَوْمَ يَعِضُ الظَّالِمُ عَلَى يَدَيْهِ يَقُولُ يَا لَيْتَنِي اتَّخَذْتُ مَعَ الرَّسُولِ سَبِيلًا

«У кунда золим қўллари (бармоқларини) тишлаб (пушаймон қилиб), дер: “Эҳ, қани эди, мен ҳам пайғамбар билан бирга бир йўлни тутганимда!”»<sup>318</sup>

وَقَالَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا لَوْ أَتَيْنَا لَوْ أَنَّا كَرِهْنَا لَأَنَّا كَرِهْنَا فَنَتَّبِعُوا مَنَّهُمْ كَمَا تَبَرَّأُوا مِنَّا كَذَلِكَ يُرِيهِمُ اللَّهُ أَعْمَالَهُمْ حَسَرَاتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا هُمْ بِخَارِجِينَ مِنَ النَّارِ

«Эргашганлар: “Қани эди бизга бир бор (дунёга) қайтиш мумкин бўлса-ю, улар биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонсак”, дейдилар. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло уларнинг қилмишларини ўзларига ҳасрат узра ҳасрат қилиб кўрсатади. Улар дўзахдан чиқувчи эмаслар»<sup>319</sup>.

### Дўзах аҳлининг дуолари

Дўзах аҳли дўзахга киргач, уларга қаттиқ азоблар етганида ёрдам сўрашади. Кўмак умидида жаннат аҳлига, дўзах посбонларига ва Раббиларига нидо

<sup>317</sup> Фурқон сураси, 13–14-оятлар.

<sup>318</sup> Фурқон сураси, 27-оят.

<sup>319</sup> Бақара сураси, 167-оят.

қилишади. Уларга ҳасратларини орттирадиган нарсадан бошқа жавоб берилмайди. Шунда умидлари узилиб, оҳ уриб, инграб йиғлайдилар.

Аллоҳ таоло айтади:

وَنَادَىٰ أَصْحَابُ النَّارِ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ أَنْ أَفِيضُوا عَلَيْنَا مِنَ الْمَاءِ أَوْ مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ حَرَمَهُمَا عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٥٠﴾ الَّذِينَ اتَّخَذُوا دِينَهُمْ لَهْوًا وَلِعْبًا وَغَرَّتْهُمُ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا فَالْيَوْمَ نَنسَهُمْ كَمَا نَسُوا لِقَاءَ يَوْمِهِمْ هَذَا وَمَا كَانُوا بِعَائِنِنَا يُجْحَدُونَ ﴿٥١﴾

«Дўзах аҳли жаннат аҳлига: “Бизнинг устимизга сувдан ёки Аллоҳ сизларни ризқлантирган нарсадан тўкинғиз”, – деб нидо қилурлар. Улар (жавобига): “Аллоҳ (сиз сўраган) ҳар икки (нарса)-ни кофирларга – динларини ҳазил ва ўйин қилиб олган ва фоний дунё алдаб қўйганларга ҳаром (ман) этган”, – дейдилар. Бугун ушбу Кун мулоқотини унутганлари ва оятларимизни инкор этганлари каби (Биз ҳам) уларни “унутамиз”»<sup>320</sup>.

وَقَالَ الَّذِينَ فِي النَّارِ لِخَزَنَةِ جَهَنَّمَ ادْعُوا رَبَّكُمْ يُخَفِّفْ عَنَّا يَوْمًا مِّنَ الْعَذَابِ ﴿٤٩﴾ قَالُوا أَوْلَمْ تَكُنْ تَأْتِيكُمْ رُسُلُكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا بَلَىٰ قَالُوا فَادْعُوا وَمَا دُعَاؤُ الْكَافِرِينَ إِلَّا فِي ضَلَالٍ ﴿٥٠﴾

«(Шунда) дўзахдаги кимсалар жаҳаннам қўриқчиларига: “Парвардигоринғизга дуо қилинғиз, бизлардан бирор кун азобни енгиллатсин!” деганларида, улар айтурлар: “Ахир, сизларга пайғамбарларинғиз ҳужжатларни кел-

<sup>320</sup> Аъроф сураси, 50–51-оятлар.



тирмаганмидилар?!” “Йўғ-е, (келтиргандилар, лекин уларни ёлғончи қилган эдик)” дейдилар. (Шунда фаришталар уларга) айтурлар: “У ҳолда дуо қилаверингиз! (Лекин) кофирларнинг дуоси, албатта, зоедир”»<sup>321</sup>.

وَنَادُوا يَمْلِكُ لِيَقْضَ عَلَيْنَا رَبُّكَ ۗ قَالَ إِنَّكُمْ مَكِثُونَ ﴿٧٧﴾ لَقَدْ جِئْتَكُمْ بِالْحَقِّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَكُمْ لِلْحَقِّ كَرِهُونَ ﴿٧٨﴾

«Улар (дўзах фариштасига): “Эй Молик! Парвардигоринг бизга Ўз ҳукмини қилсин (жонимизни олсин!)”, деб нидо қилганларида, у (фаришта): “Сизлар (шу азобда мангу) қолувчидирсиз”, дейди. Биз сизларга ҳақиқатни (Куръонни) келтирдик, лекин сизларнинг кўпларингиз ҳақиқатни ёмон кўрувчидирсиз»<sup>322</sup>.

قَالُوا رَبَّنَا غَلَبَتْ عَلَيْنَا شِقْوَتُنَا وَكُنَّا قَوْمًا ضَالِّينَ ﴿١٠٦﴾ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْهَا فَإِنَّا ظَالِمُونَ ﴿١٠٧﴾ قَالَ اخْسَرُوا فِيهَا وَلَا تُكَلِّمُونِ ﴿١٠٨﴾

«Улар дейдилар: “Ё Раббимиз! Бадбахтлигимиз бизларга ғолиб келиб, адашган қавм бўлиб қолган эканмиз. Парвардигоро, бизларни (жаҳаннамдан дунёга) чиқаргин! Бас, агар яна (куфр ва итоатсизликка) қайтсак, у ҳолда биз шаксиз (ўзимизга) зулм қилувчидирмиз”. (Аллоҳ) айтади: “Унда (жаҳаннамда) хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз!”»<sup>323</sup>

<sup>321</sup> Ғофир сураси, 49–50-оятлар.

<sup>322</sup> Зухруф сураси, 77–78-оятлар.

<sup>323</sup> Муъминун сураси, 106–108-оятлар.

فَأَمَّا الَّذِينَ شَقُوا فِي النَّارِ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿١٠٦﴾ خَالِدِينَ فِيهَا  
مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ إِلَّا مَا شَاءَ رَبُّكَ إِنَّ رَبَّكَ فَعَّالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿١٠٧﴾

“Бас, ўшанда бахтсиз бўлганлар (кофирлар ва гуноҳкор мўминлар) дўзахда бўлурлар ва улар у ерда инграб-ханграб турурлар. Модомики (охиратдаги) осмонлар ва ер бор экан, (улар) у ерда мангудирлар, илло Раббингиз хоҳлагани (мўминларни ундан чиқариши) бундан мустаснодир. Албатта, Раббингиз истаган нарсасини амалга оширувчидир!”<sup>324</sup>

### Жаннат аҳлининг мероси, дўзах аҳлининг ўрни

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан ҳар бирингизнинг иккитадан ўрнингиз бор: жаннатдаги ва дўзахдаги ўрни. Агар ўлса, дўзахга қиради ва жаннат аҳли жаннатдаги ўрнини мерос олади. Бу Аллоҳ таолонинг:

أُولَئِكَ هُمُ الْوَارِثُونَ ﴿١٠﴾ الَّذِينَ يَرِثُونَ الْفِرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١١﴾

“Айнан ўшалар меросхўрдирлар – Фирдавс (жаннати)га ворис бўлишиб, улар у ерда (жаннатда) мангу қолувчидирлар”<sup>325</sup> сўзида баён қилинган”, дедилар”<sup>326</sup>.

### Аллоҳнинг бирлигига ишонган осийнинг дўзахдан чиқиши

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Тавҳид аҳлидан бўлган инсонлар дўзахда азобланадилар, ҳатто у ерда ёниб кул бўладилар.

<sup>324</sup> Худ сураси, 106–107-оятлар.

<sup>325</sup> Муъминун сураси, 10–11-оятлар.

<sup>326</sup> Имом Ибн Можа ривояти.

Сўнг уларга Аллоҳнинг раҳмати етади, дўзахдан чиқарилиб, жаннат эшиклари олдига ташланадилар”. Яна у зот дедилар: “Уларга жаннат аҳли сув сепеди, ариқ бўйидаги нарсаларга ўхшаб ўсиб чиқадилар, кейин жаннатга кирадилар”<sup>327</sup>.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким “Ла илаҳа иллаллоҳ”, деб қалбида арпа донаси оғирлигича яхшилик бўлса, дўзахдан чиқарилади. Сўнг ким “Ла илаҳа иллаллоҳ”, деб қалбида буғдой донаси оғирлигича яхшилик бўлса, дўзахдан чиқарилади. Сўнг ким “Ла илаҳа иллаллоҳ”, деб қалбида зарра миқдорича яхшилик бўлса, дўзахдан чиқарилади”, дедилар”<sup>328</sup>.

### Дўзах аҳлининг энг қаттиқ азоби

Жаннат аҳлига ато этилган энг катта неъмат Раббиларини кўриш ҳисобланса, дўзах аҳлига берилган энг қаттиқ азоб шу неъматдан маҳрум бўлишдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ ۱۶ ﴾ ثُمَّ إِنَّهُمْ لَصَالُوا الْجَحِيمِ ﴿ ۱۵ ﴾ كَلَّا إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَمَّحْجُوبُونَ

“Шубҳа йўқки, улар ўша куни Парвардигорлари (дийдори)дан тўсилувчидирлар. Сўнгра, албатта, улар дўзахда куювчидирлар”<sup>329</sup>.

### Жаннат аҳли жаннатда, дўзах аҳли дўзахда абадий қолиши

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ ۱۶ ﴾ خَالِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ إِلَّا مَا شَاءَ رَبُّكَ

<sup>327</sup> Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти.

<sup>328</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>329</sup> Мутаффиғун сураси, 15–16-оятлар.

إِنَّ رَبَّكَ فَعَالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿١٠٧﴾

“Модомики (охиратдаги) осмонлар ва ер бор экан, (улар) у ерда мангудирлар, илло Раббингиз хоҳлагани (мўминларни ундан чиқариши) бундан мустаснодир. Албатта, Раббингиз истаган нарсасини амалга оширувчидир!”<sup>330</sup>

وَأَمَّا الَّذِينَ سَعَدُوا فِي الْجَنَّةِ خَالِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ إِلَّا مَا شَاءَ رَبُّكَ عَطَاءٌ غَيْرٌ مَّجْذُودٍ ﴿١٠٨﴾

“Аммо бахтли бўлганлар эса, бас, жаннатда, токи (охиратдаги) осмонлар ва ер бор экан, у ерда мангу турурлар, илло Раббингиз хоҳлагани (дўзахда бўлган вақтлари) бундан мустаснодир. (Бу) битмас-туганмас неъматдир”<sup>331</sup>.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ أَن لَّهُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُ مَعَهُ، لَيَفْقَدُوا بِهِ مِنْ عَذَابِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَا نُقْبِلُ مِنْهُمْ ط وَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٣٦﴾ يُرِيدُونَ أَن يُخْرَجُوا مِنَ النَّارِ وَمَا هُمْ بِمُخْرَجِينَ ﴿٣٧﴾ وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٣٧﴾

“Дарҳақиқат, куфрда бўлганлар қиёмат кунининг азобидан тўлаб қутулиш учун мабодо Ер (юзи)даги (ҳамма) нарсанинг икки баробарига эга бўлганларида ҳам, улардан қабул қилинмагай. Улар учун аламли азоб (тайёрлаб қўйилгандир). Дўзахдан чиқишни истайдилар. Холбуки, улар ундан чиқувчи эмаслар. Уларга муқим (абადий) азоб (белгилангандир)”<sup>332</sup>.

<sup>330</sup> Худ сураси, 107-оят.

<sup>331</sup> Худ сураси, 108-оят.

<sup>332</sup> Моида сураси, 36–37-оятлар.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга киргач, ўлим олиб келиниб, жаннат ва дўзах ўртасига қўйилади. Сўнг у сўйилади, кейин бир жарчи: “Эй жаннат аҳли ўлим йўқ, эй дўзах аҳли, ўлим йўқ!” деб нидо қилади. Шунда жаннат аҳлининг хурсандчилигига хурсандчилик, дўзах аҳлининг қайғусига қайғу қўшилади”<sup>333</sup>.

### Жаннат ва дўзах пардаси

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дўзах шахвоний нарсалар билан, жаннат эса нафсга ёмон кўрилган нарсалар ила ўраб қўйилган”, дедилар”<sup>334</sup>.

Агар одам дунёда нафсига қул бўлиб, у хоҳлаган ишларни қилиб бораверса, шу амаллар уни охиरोқибат дўзахга олиб боради. Дунёни ўйин-кулги, еб-ичиш ва нафсни қондиришдан иборат деб, тунувчи кишиларга қилаётган ишлари осон туюлиб, вақтинчалик кўнгилхушлик бахш этса-да, кейинчалик афсус-надомат чекишига ва охиратда қаттиқ азобга дучор бўлишига боисдир.

Шунингдек, нафсига қийин кўринувчи амалларни қилиш билан кейинчалик нафси ором олиб, руҳи тетиклашади ва охиратда амаллари эвазига улкан ажр-мукофотларга эришади. Масалан, намоз ўқиш учун уйқудан туриш, иссиқ-совуқ кунларда таҳорат олиш ва вақт ажратиб, уни адо этиш одамга бир оз қийинчилик туғдиради. Лекин инсон бу амаллари эвазига жаннат билан мукофотланади. Аллоҳнинг бебаҳо мукофоти – жаннатни қўлга киритиш учун бу дунёда

<sup>333</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>334</sup> Муттафақун алайҳ.

нафсимизга қарши чиқишимиз керак бўлади. Аллоҳ барчамизни дўзахидан сақлаб, жаннатига киритсин.

### Жаннат ва дўзахнинг яқинлиги

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннат сизларга оёқ кийимларингизнинг ипидан ҳам яқинроқ, дўзах ҳам шунга ўхшаш”, дедилар”<sup>335</sup>.

Яъни, инсон ҳаётда баъзи ишларни қилиб, абадий бахт бўлмиш жаннатга тушиши, айрим амалларни бажариб, абадий дўзахга ҳукм қилиниши мумкин.

### Жаннат ва дўзахнинг баҳслашиши ва улар орасида Аллоҳнинг ҳукм қилиши

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннат ва дўзах бир-бири билан баҳслашди. Дўзах деди: “Мутакаббир ва шафқатсиз золимлар билан тўлдирилдим”. Жаннат деди: “Менга фақат одамларнинг заифлари, нуқсонлилари ва ожизлари киради”. Аллоҳ таоло жаннатга деди: “Сен раҳматимсан, сен билан бандаларимдан хоҳлаганимга раҳмат қиламан”. Дўзахга деди: “Сен азобимсан, сен билан бандаларимдан хоҳлаганимни азоблайман. Сизларнинг ҳар бирингизни тўлдирувчилар бор...”<sup>336</sup>

### Дўзахдан сақланиш ва жаннатни талаб қилиш

Аллоҳ таоло айтади:

وَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ ﴿١٣٦﴾ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ  
لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٣٧﴾

<sup>335</sup> Имом Бухорий ривояти.

<sup>336</sup> Муттафақун алайҳ.

**“Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланингиз! Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат қилинг, шояд, шунда сизларга раҳм қилинса”<sup>337</sup>.**

Адий ибн Ҳотим (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дўзахни зикр қилдилар, сўнг юзларини бошқа ёққа буриб, ундан паноҳ сўрадилар. Сўнг яна дўзахни зикр қилдилар ва юзларини бошқа томонга буриб, ундан паноҳ сўрадилар. Кейин: “Яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар, ким уни топмаса, яхши сўз билан ундан сақлансин”, дедилар”<sup>338</sup>.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳамма умматим жаннатга киради, магарам, ким бош тортса, ўшагина кирмайди”, дедилар. “Ё Расулуллоҳ, у бош тортган ким?” деб сўрашди. У зот: “Ким менга итоат қилса, жаннатга киради, ким менга осий бўлса, бош тортган ҳисобланади”, дедилар”<sup>339</sup>.

Ё Раббимиз, Сендан жаннатни ва унга яқинлаштирувчи сўз ва амалларни сўраймиз. Дўзахдан ва унга яқинлаштирувчи сўз ва амаллардан паноҳ тилаймиз. Омин!

Оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога мақтовлар бўлсин! У Зотнинг бизга раҳмат этиб юборган қули ва пайғамбари ҳазрат Муҳаммадга салот ва саломлар бўлсин! У зотнинг аҳлу оилалари ва саҳобаларидан Аллоҳ рози бўлсин!

<sup>337</sup> Оли Имрон сураси, 131–132-оятлар.

<sup>338</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>339</sup> Муттафақун алайҳ.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қуръони карим.
2. *Шайх Абдулазиз Мансур*. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. “Тошкент Ислам университети”, 2009.
3. *Абу Бакр Жазоирий*. “Айсарут тафосир”.
4. *Имом Заҳабий*. “Китобул кабоир”. “Дорул фатҳ”, 1990.
5. *Имом Бухорий*. “Саҳиҳул Бухорий”.
6. *Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ Тувайжирий*. “Мухтасару фикҳил исламий”.
7. *Абдулазим Зиёуддин ўғли*. “Ўлчов бирликлари”.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
---------------	---

### ЖАННАТ ВА УНИНГ СИФАТЛАРИ

Жаннатнинг машхур исмлари .....	4
Жаннатнинг макони .....	9
Жаннат эшиklarининг исмлари .....	10
Жаннат эшиklarининг кенглиги .....	11
Жаннат эшиklarининг адади .....	11
Дунёда жаннат эшиklари очиладиган вақтлар .....	12
Жаннатга биринчи кирадиган одам .....	14
Жаннатга биринчи кирадиган уммат .....	14
Жаннат аҳлининг ёши .....	15
Жаннат аҳлининг юзлари сифати .....	15
Жаннат аҳлининг кутиб олиниши .....	17
Жаннатга ҳисобсиз ва азобсиз кирувчилар .....	18
Жаннат ерлари ва биноларининг сифати .....	19
Жаннат аҳли чодирининг сифати .....	20
Жаннат бозори .....	20
Жаннат қасрлари .....	21
Жаннат аҳлининг қасрдаги афзалликлари .....	22
Жаннат аҳли кўшklarининг сифати .....	23
Жаннат сўрилари .....	24
Жаннат аҳлининг идишлари сифати .....	26
Жаннат аҳлининг либослари ва безаклари сифати .....	27
Жаннатда энг олдин кийинтириладиган киши .....	29
Жаннат аҳли хизматчиларининг сифати .....	29
Жаннат аҳли илк ейдиган таом .....	30
Жаннат аҳли таомининг сифати .....	30
Жаннат аҳли ичимлигининг сифати .....	32
Жаннат дарахtlари ва меваларининг сифати .....	33
Жаннат дарёлларининг сифати .....	36
Жаннат булоқларининг сифати .....	38
Жаннат аҳли аёлларининг сифати .....	39
Жаннат атирлари ва ҳидлари .....	42
Жаннат аҳли аёлларининг тароналари .....	42
Жаннат аҳлининг кўшилишлари .....	43
Жаннатда бола кўриш .....	44

Жаннат аҳли неъматларининг давомийлиги .....	44
Жаннат даражалари .....	46
Жаннатда мўминлар зурриётининг ҳолати .....	47
Жаннат соясининг сифати .....	49
Жаннатнинг олийлиги ва кенглиги .....	51
Жаннатдаги олий мақом .....	52
Жаннат аҳлларининг энг олий ва энг паст даражаси .....	52
Жаннат аҳли неъматларининг улуғлиги .....	54
Жаннат неъматларининг сифати .....	55
Жаннат аҳлларининг сўзлари .....	60
Аллоҳ таолонинг жаннат аҳлига саломи .....	61
Аллоҳ розилигига эришиш .....	62
Жаннатда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг умматлари миқдори .....	62
Жаннат аҳлининг сафлари .....	63
Жаннат аҳли .....	63
Жаннат аҳлининг кўпчилиги .....	64
Жаннатга охирги кирувчи одам .....	65

### **ДЎЗАХ ВА УНИНГ СИФАТЛАРИ**

Дўзахнинг машхур номлари .....	66
Дўзахнинг макони .....	71
Дўзахда абадий қолувчилар .....	71
Дўзах аҳли юзларининг сифати .....	72
Дўзах эшиклари сони .....	73
Дўзах эшиклари аҳлининг устидан берк бўлиши .....	73
Дўзахнинг қиёмат майдонига келтирилиши .....	74
Дўзахга тушиш ва Сирот кўпригидан биринчи ўтадиган одам .....	74
Дўзахнинг туби, чуқурлиги .....	75
Дўзах аҳлининг катталиги .....	75
Дўзах иссиғининг кучи .....	76
Дўзахнинг ўтини .....	77
Дўзахнинг тублари .....	78
Дўзах соясининг сифати .....	79
Дўзах қўриқчилари .....	79
Молик – дўзах қўриқчиси .....	81
Дўзахга юборилувчилар .....	81

Дўзах аҳлининг дўзахга кириш ҳолати .....	82
Дўзахда биринчи азобланувчилар .....	83
Дўзах аҳллари .....	84
Дўзах аҳлининг кўпчилигини ташкил этувчи тоифа ...	85
Дўзах аҳлининг энг қаттиқ азобланувчиси .....	85
Дўзах аҳлининг энг енгил азобланувчиси .....	87
Энг енгил азобланувчи дўзахийга айтиладиган гап ...	88
Жаҳаннам занжирлари ва кишанлари .....	89
Дўзах аҳли таомининг сифати .....	90
Дўзах аҳли ичимлигининг сифати .....	91
Дўзах аҳли кийимининг сифати .....	93
Дўзах аҳлининг кўрпа-тўшаги .....	93
Дўзах аҳлининг ҳасрати .....	94
Дўзах аҳлининг сўзлари .....	95
Дўзахда азобланувчи тоифалар .....	96
Дўзах аҳлининг ўзаро тортишуви .....	107
Дўзахийлар Аллоҳдан дунёда уларни адаштирганларни кўришни талаб қилишлари ва уларга азобнинг зиёда бўлиши .....	110
Дўзах аҳлига Иблиснинг хитоби .....	111
Дўзах зиёдалиқни талаб қилиши .....	112
Дўзах аҳлининг аҳволлари .....	113
Дўзах аҳлининг йиғилари ва қичқириқлари .....	117
Дўзах аҳлининг дуолари .....	119
Жаннат аҳлининг мероси, дўзах аҳлининг ўрни .....	122
Аллоҳнинг бирлигига ишонган осийнинг дўзахдан чиқиши .....	122
Дўзах аҳлининг энг қаттиқ азоби .....	123
Жаннат аҳли жаннатда, дўзах аҳли дўзахда абадий қолиши .....	123
Жаннат ва дўзах пардаси .....	125
Жаннат ва дўзахнинг яқинлиги .....	126
Жаннат ва дўзахнинг баҳслашиши ва улар орасида Аллоҳнинг ҳукм қилиши .....	126
Дўзахдан сақланиш ва жаннатни талаб қилиш .....	126
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	128

*Диний-маърифий нашр*

# **ЖАННАТ АҲЛИ**

*Муҳаррир* Толибжон ҚОДИРОВ

*Бадиий муҳаррир* Элнур НИЁЗ ўғли

*Саҳифаловчи* Абу Абдуллоҳ АБДУЛҲАФИЗ

*Мусаҳҳиҳа* Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АИ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2015 йил 1 июнда берилди. Босишга 2015 йил 3  
июнда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 3,28. Шартли б. т.: 8,25. Адади: 5000 нусха.

\_\_\_\_\_ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru).

Тел: (8-371) 227-34-30

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй.

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz), e-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz), [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)